

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг
малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти**

**Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва
ЭКОЛОГИК менежмент
(чизмалар, тушунчалар, фактлар ва рақамларда)**

Дарслик

Тошкент- 2015

**А.Н.Нигматов, С.Ш.Ташпулатов, Ш.Н.Мухамедов, Н.А.Хасанова.
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик менежмент (чизмалар,
тушунчалар, фактлар ва рақамларда). Дарслик.- Т., 2015. 207 б.**

Масъул муҳаррир:

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Менежмент ва информатика кафедраси профессори, г.ф.д, проф. А.Н.Нигматов

Тақризчилар:

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
профессори*

к.ф.д., проф. Р.А.Кулматов;

*Тошкент ирригация ва мелиорация институти Экология ва сув
ресурсларини бошқарши кафедраси профессори*

б.ф.д., проф. Б.Ш.Исмаилходжаев

*Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг
малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти
Менежмент ва информатика кафедраси доценти,*

п.ф.н., доц. Д.С.Саидахмедова.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Илмий Кенгаши (2014 йил 3 декабрь 11-сонли баённома) томонидан муҳокама қилинган ва тегишли йўналиш бўйича дарслик сифатида нашрга тавсия этилган

Ўқув кўлланма Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик менежмент ўқув курсининг мазмун ва моҳиятини кўргазмали тарзда ёритиб берувчи чизмалар, жадваллар, тушунчалар, фактлар ва рақамлардан иборат. Уни тайёрлашда тегишли фонд материаллари, адабиёт ва Интернет маълумотларидан кенг фойдаланилди. Шунинг учун ҳам ундаги мавзулар мазкур масаланинг долзарб муаммоларини инобатга олган ҳолда атрофлича ёритилган. Ҳар бир чизма ёки маълумотлар баён этилган жадвалдан сўнг уларда қўлланилган асосий термин ёки сўзлар бирикмасининг тушунчаси берилган. Қўлланма иккин қисмдан – ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик менежмент ҳамда тавсия этиладиган манба ва адабиётлардан иборат.

Қўлланма таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган раҳбар ходимлар учун мўлжалланган. У Ф-1-121 “Миллий касбий таълимда узлуксиз экологик таълим тизимининг назарий асосларини яратиш” фундаментал лойиха ва ИТД-1 “Педагогларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим тизими учун ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг янги авлод ўқув, ўқув-методик асосларини яратиш” амалий лойихаларини бажариш жараёнида тайёрланган ва чоп этилган.

• • • • • •

Учебное пособие состоит из схем, определений, таблиц, фактов и цифр, иллюстративно отражающий сут и содержание Менеджмента безопасности жизнедеятельности и экологии. В его разработке были всесторонне использованы фондовые материалы, литературатурные источники и Интернет данные. Поэтому, охват соответствующих тем были более расширены за счет актуальных проблем современности. После каждой схемы или таблиц даны термины и словосочетания, использованные в этих иллюстрациях. Пособие состоит из двух частей – менеджмент безопасности жизнедеятельности и экологический менеджмент, а также рекомендуемых источников и литературы.

Пособие рассчитано руководителям всех уровнях образования. Оно подготовлено и издано в процессе реализации фундаментального проекта Ф-1-121 «Разработка научных основ экологического образования в национальной системе подготовки профессиональных кадров» и прикладного проекта ИТД-1 «Разработка нового поколения учебных, учебно-методических основ предмета Безопасность жизнедеятельности для образовательной системы повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров»

• • • • • •

The tutorial consists of schemes, definitions, tables, facts and figures, illustratively reflecting day and content management life safety and ecology. Its development have been comprehensively used library materials, literatururnye sources and Internet data. Therefore, the coverage of relevant topics have been expanded by more pressing problems of today. After each scheme or tables are terms and expressions used in these illustrations. The book consists of two parts - the Management Life Safety and ecological management well as recommended sources and literature.

The tutorial is designed to heads of all levels of education. It is prepared and published in the realization of the fundamental project F-1-121 "Development of scientific bases of environmental education in the national system training of professional personnel" and applied ITA-1 project "Development of a new generation of training, teaching the basics of the subject Life Safety for the educational system advanced training and retraining of pedagogical shots"

МУНДАРИЖА

Чизма рақами	Чизманинг номи	Бет
1	2	3
Муқаддима		9
1-қисм. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ МЕНЕЖМЕНТИ		
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хавфсизлик ҳақида	11
2.	Кишиларнинг ўртacha умр кўриш динамикаси	12
3.	Ўзбекистон аҳолиси	12
4.	Дунё мамлакатларида менежмент ва хавфсизлик индекслари ҳамда кишиларнинг ўртacha умр кўриши	13
5.	Ҳаёт фаолиятига таъсир этувчи хавфлар	17
6.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш зарурати	19
7.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлигига оид муаммолар ва уларнинг ечимлари	21
8.	ҲФХ фанининг тадқиқотлар мазмуни	23
9.	Инсонларни ҳаёт, жумладан меҳнат фаолияти турлари ва муҳити	24
10.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таснифлаш талаблари ва мазмуни	25
11.	Ер планетаси техносферасини қисмларга ажратилиши ва номланиши	25
12.	Технотизимларнинг майдон ва маконга қараб таснифланиши	27
13.	Ҳаёт фаолиятини хавфсизлик кўрсатгичлари бўйича гурӯхлаштириш	30
14.	Ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлашда бошқарув зарурати	31
15.	Бошқарув турлари	32
16.	Кишилик жамиятини бошқариш турлари	32
17.	Ҳаёт, фаолият, хавфсизлик ва менежмент тушунчалари	36
18.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги менежментига (ҲФХМ) кирувчи субъектлар	41
19.	ҲФХМнинг ижтимоий муносабат йўналишлари	42
20.	ҲФХМ тизими	43
21.	Менежментнинг таркибий қисмлари	43
22.	ҲФХМ фанининг мақсад ва вазифалари	47
23.	ҲФХМ муаммолари	48
24.	Ўзбекистонда ҲФХМнинг айrim хуқукий-норматив асослари	49
25.	ҲФХМ – комплекс фан соҳаси	52
26.	ҲФХМ фанининг приоритет тадқиқот йўналишдаги лойиҳалар	53
27.	Ер қуруқлик юзаси (педосфера) технотизимларини ҲФХМ нуктаи назардан таснифлаш тажрибаси	55
28.	ҲФХнинг тадқиқот предмети	58
29.	ҲФХМга юклатиладиган методологик талаблар	60

1	2	3
30.	ҲФХМнинг айрим фан соҳаларига доир методлари	62
31.	ҲФХМ методларини ишлатиш жойи ва ҳусусиятларига қараб таснифланиши	63
32.	Минитехнотизимларга таъсир этувчи омиллар	65
33.	ҲФХМнинг ички ижтимоий-психологик салбий омиллар	66
34.	Ижтимоий гурухлар бўйича ҲФХМга таъсир этувчи омилларнинг хавфлилилк даражаси	66
35.	ҲФХМни таъминлаш принциплари	68
36.	ҲФХМни қоидалари ва қонуниятлари	69
37.	ҲФХМГа оид янги фанлар	69
38.	Ўзбекистонда “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги менежменти” таълими	71
39.	Миллий таълим тизими таркиби	72
40.	Узлуксиз миллий таълим турлари	72
41.	Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассаси – ҲФХМ обьекти сифатида	73
42.	ҲФХМ модулининг курсининг мақсади ва кутилаётган натижалари	76
43.	ҲФХМ таълими муаммолари	78
44.	ҲФХМ тарбияси мезонлари	79
45.	Таълим муассасаларида ҲФХни таъминлаш талаблари	80
46.	Халқаро миқёсда ҲФХМга доир принциплари	82
47.	Халқаро ҲФХМ йўналишлари	83
48.	ҲФХМ таъминлаш механизми	83
49.	Турли шаклдаги иш жойларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари	85
50.	Корхона, ташкилот ва муассасаларда ҲФХМни лойиҳалаш тизими	85
51.	Минитехнотизимларда хотин-қизлар ва ўсмирлар меҳнат фаолияти хавфсизлиги	86
52.	Санитария назорати амалга оширувчи давлат идоралари	88
53.	Санитария назорати ва текширувини амалга оширувчи давлат идоралари ва муассасаларининг ваколатлари	89
54.	Ўқув ва меҳнат фаолиятини олиб бориш хоналарида микроиқлим кўрсатгичлари	90
55.	Намликни ўлчаш асбоблари ва ускуналари	90
56.	Ҳаво ҳаракат тезлигини ўлчовчи асбоблар	90
57.	Ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойлардаги ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракат тезлигининг энг қулай миқдорлари	91
58.	Йилнинг совуқ ва илиқ даврида ишлаб чиқариш хоналарининг ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракати тезлигининг йўл қўйиладиган миқдори	91
59.	Хоналарни ёруғлик билан таъминлаш турлари	93

1	2	3
60.	Ўқув хоналарини сунъий ёруғлик билан таъминлаш турлари	94
61.	Ўқув ва меҳнат фаолиятини олиб бориш хоналарида шовқин кўрсатгичлари	94
62.	Шовқин ўлчагич ИШВ-1 нинг соддалаштирилган чизмаси ва умумий қўриниши	95
63.	Маҳаллий электр токи жароҳатининг қўринишлари	96
64.	Электр токининг уриш даражалари	96
65.	Ўқув ва меҳнат фаолиятини олиб бориша ток қучини қийматига кўра инсонга таъсир этиш даражалари	97
66.	Ёнғиннинг келиб чиқиши сабаблари	99
67.	Ёнғиннинг хавфли омиллари	99
68.	Ёнғинни ўчириш методлари ва воситалари	100
69.	ОВП-10 русумидаги кимёвий-кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаси	101
70.	Ёнғин доскаси ва жиҳозларнинг жойланиши	101
71.	Ҳаракат хавфсизлиги	103
72.	Пиёдалар учун ҳаракат хавфсизлиги	104
73.	Шошилинч биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизими	105
74.	Туризм турлари	106
75.	Туризмдаги баҳтсиз ҳодисаларнинг қўринишлари	106
76.	Саёҳатда хавфсизликни таъминлашда арқондан фойдаланиш усуслари	107
77.	Терроризм турлари	109
78.	Террорчилик кўлами ва уни амалга ошириша фойдаланиладиган воситалар	109
79.	Фавқулодда вазиятларни тарқалиш тезлигига кўра гурухлаш	111
80.	Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларнинг амалдаги худудий таснифи	112
81.	Ўзбекистонда амалдаги фавқулодда вазиятлар таснифи	112
82.	Ўзбекистонда ФВда фуқароларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари	115
83.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатлари	116
84.	Ўзбекистон Республикасида ФВдан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари	117
85.	Фавқулодда вазиятлар натижасида вайрон бўлган худудларда шикастланган кишиларни қидириш усуслари	117
86.	АҚШда фавқулодда вазиятлар натижасида инсонларнинг қурбон бўлиши	118
87.	Бирлашган миллатлар ташкилоти(БМТ)нинг Қидириув қа кутқарув ташкилоти	118
88.	Фавқулодда вазиятлар давлат тизими (ФВДТ)нинг асосий вазифалари	119
89.	ФВДТнинг ташкилий тузилмаси	120
90.	ФВДТнинг ташкилий химояланиш даражалари	121

1	2	3
91.	Зилзила ҳақида маълумот	121
92.	Зилзила оқибатларини камайтириш тадбирлари	122
93.	Сейсмик магнитуда, сунами магнитудаси ва асосий тўлқин баландлиги орасидаги боғланиш	123
94.	Сувости зилзила магнитудасидан сунамини пайдо бўлиш эҳтимоли	123
95.	Сув тошқинларнинг масштаби ва талофат келтириш бўйича таснифланиши	123
96.	Довул, тўфон ва қуюн вақтида аҳоли харакатлари	125
97.	Сел ҳавфи бор худудларда ҳавфсизлик тадбирлари	125
98.	Гидротехника иншоотларининг ҳавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган асосий талаблар	127
99.	ҲФХМни таъминлашда раҳбарларнинг асосий вазифалари кетма-кетлиги	128
100.	Таълим муассасалар раҳбарларининг ФВда корпоратив муносабат субъектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари	129
101.	Таълим муассасаларида ҲФХМнинг поғоналик назорати	130
102.	Таълим муассасаларининг ўқув хоналари, ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш устахоналари машғулотлар ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари	131
103.	Таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория, информатика хоналарида ва спорт залида бажариладиган ишларга қўйиладиган ҳавфсизлик талаблари	139
104.	Таълим муассасаларининг ўқув устахоналарида бажариладиган ишларга қўйиладиган ҳавфсизлик талаблари	142
105.	Таълим муассасаларининг амалиёт хоналарида бажариладиган ишларга (технологик жараёнларга) қўйиладиган ҳавфсизлик талаблари	143
106.	ЎзР ОЎМТВ Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг лавозимлари ва тоифалари	146
107.	Академик лицей ва касб-хунар коллежи директорининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари	147
108.	Академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари	150
109.	Академик лицей ва касб-хунар коллежининг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари	151
110.	Касб-хунар коллежи ишлиб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари	153
111.	Академик лицей ва касб-хунар коллежи маъмурий-хўжалик бўйича директор ўринбосарининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари	155

1	2	3
112.	Касб-хунар коллежи катта устасининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари	156
113.	Академик лицей ва касб-хунар коллежи психологининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари	157

2-қисм. ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТ

1	2	3
1.	“Экология” тушунчаси	161
2.	Экология фани, таълими ва амалиётинингнинг асосий вазифалари	162
3.	Экологик хавфсизлик ва уни таъминлаш зарурати	164
4.	Орол денгизи (кўли) ва дунё океани сувининг шўрлик даражаси	168
5.	Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар (ЭФВ)	170
6.	Ўзбекистонда ҲФХга таъсир этувчи экологик хавфлар	171
7.	Ўзбекистонда аҳолини экологик фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари	171
8.	Экологик менежмент тушунчаси	172
9.	Экологик менежментнинг ривожланиш босқичлари	174
10.	Экологик менежментнинг мақсади ва вазифалари	176
11.	Экологик менежментнинг тузилиши	177
12.	Экологик менежмент принциплари	178
13.	Экологик фаолиятни режалаштириш	180
14.	Экологик менежмент методлари	180
15.	Экологик менежментни жорий қилиш механизми	181
16.	Ўзбекистон Республикасида экологик бошқарув тизими	182
17.	Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг экологик ваколатлари	184
18.	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қоъмитасининг хуқуқий ҳолати	187
19.	Экологик йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари (ЭННТ) ва уларнинг хуқуқий фаолиятлари	188
20.	Ўзбекистон экологик ҳаракати (Экоҳаракат) жамоат бирлашмасининг хуқуқий мақоми	189
21.	“Экологик бошқарув” билан “Экологик менежмент” фарқи	191
22.	Экологик менежментнинг асосий талаблари	191
23.	Экологик кадастрни олиб бориш объектлари	193
24.	Экологик назорат объектлари, шакллари, турлари ва методлари	194
25.	Экологик экспертиза турлари, принциплари, объектлари, субъектлари ва усуллари	198
26.	АҚШда ҲФХМга таъсир этувчи экологик хавфларнинг хавфлилик даражаси	202
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати		203

МУҚАДДИМА

Кўпгина ривожланган мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш тўғрисида”ги 2011 йил 19 июлдаги 208-сонли қарорига илова қилинган комплекс дастурининг 1,2,4,11 ва 12-бандларига мувофиқ равишда “Ҳаёт хавфсизлиги” ўқув курсини миллий таълим тизимининг барча босқичларига тадбиқ этиш, тегишли ўқув, ўқув-методик адабиётларни чоп этиш масаласи қўйилган. Чунки, XXI асрга келиб Ер планетасига антропоген босимнинг ортиши натижасида глобал миқёсда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий зиддиятлар ўчоғининг турли минтақаларда пайдо бўлиши, табиий, техноген ёки аралаш турдаги фавқулодда вазиятларнинг кучайиши, атроф-муҳит ҳолати ва экологик вазиятнинг кескинлашуви, иқлим ўзгариши, чўлланиш жараёнларининг жадаллашуви, биологик хилма-хилликнинг йўқола бориши инсонларнинг бехатар яшаш даражасини таъминлашни энг долзарб муаммолар туркумига киритди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, сўнги 30 йил ичида Сайёрамизда юз бераётган биргина фавқулодда вазиятлар натижасида миллионлаб кишилар ҳаётига турли хавфлар дучор келмоқда. Америкалик тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра фақатгина АҚШнинг ўзида йилига йўл транспорти ҳодисасидан ҳар 10 минг нафардан 3 таси, заҳарланишдан ҳар 100 минг нафардан 2 таси, ёнгиндан куйишдан ҳар 100 минг нафардан 4 таси, яшин уришдан ҳар 10 млн. нафардан 5 таси, ишлаб чиқариш воситаларининг носозлигидан ҳар 100 минг нафардан 1 таси ва бошқар турдаги фавқулодда вазиятлар натижасида ҳар 100 минг нафардан 4 таси инсон ўлими билан тугамоқда. Яқин Шарқ, Болқон бўйи, Шарқий Африка минтақларида сиёсий ва харбий тўқнашувлар натижасида, Фукусимо, Чернобиль, Чад кўли, Орол денгизи ва Оролбўйи экологик инқирозли ҳудудлардан аҳоли миграциясининг жадаллашуви кузатилмоқда. Аксарият ҳолларда бундай жараёнлар қурбони бўлиб ёшлар ва улар таълим олаётган муассасалар чиқмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг 62 фоизидан ортигини қамраб олган ёшлар ва уларга билим, кўнирма ва малака бераётган ходимларнинг аксарияти 11 мингдан зиёд таълим муассасаларида ҳаёт фаолиятини юритадилар. Шунинг учун ҳам ўз мазмунига ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча жабҳалари – фуқаролар муҳофазаси, фавқулодда вазиятлар, экологик хавфсизлик, меҳнат муҳофазаси, маънавий-маърифий, диний ақидапараслик ва террористик, озиқ-овқат, саломатлик, сиёсий хавфсизлик кабиларни қамраб олувчи “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик менежмент” орқали раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш орқали тегишли корпоратив таълимтарбияни йўлга қўйиш Ўзбекистон учун бирламчи аҳамият касб этмоқда.

1-ҚИСМ

ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ МЕНЕЖМЕНТИ

Хавфсизлик – бу бекетар яшаш даражаси демакдир

**1-чизма. Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов хавфсизлик ҳақида¹**

“Хавфсизликка таҳдид
солиб турган
муаммоларга нимани
қарши қўя оламиз?”




“Энг мураккаб
саволлардан бири шуки,
биздаги барқарорлик ва
хавфсизлик йўлида
таҳдид бўлиб турган
муаммоларни англаб
етаяпмизми?”

“Хавфсизликни қандай
сақлаб қолиш мумкин?”




¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 4-б.

2-чизма. Кишиларнинг ўртача умр кўриш динамикаси



3-чизма. Ўзбекистон аҳолиси²



² <http://kun.uz/2013/02/21/thirtymillion/>

4-чизма. Дунё мамлакатларида менежмент ва хавфсизлик индекслари ҳамда кишиларнинг ўртacha умр кўриши³

Мамлакатлар	Ўртacha умр кўриш бўйича эгаллаган ўрни	Менежмент индекси	Хавфсизлик индекси	Ўртacha умр кўриш, йил
Япония	1	21	25	83,6
Швейцария	3	1	11	82.5
Австралия	5	7	16	82,0
Жанубий Корея	21	31	18	80,7
БАА	49	36	24	76.7
Перу	79	79	91	74.2
Ўзбекистон	100	119	63	73,0
Судан	155	134	138	61.8
Ангола	181	133	129	51.5
Афғонистон	188	142	139	49.1
Серра-Леона	194	114	125	48.1

Аҳоли – Ер курраси ёки унинг бирон қисмида (мамлакатлар, минтақалар, аҳоли пунктлари каби маъмурий ёки табиий бирликларида) яшовчи кишиларнинг узлуксиз янгиланиб туриладиган мажмуи, ижтимоий муносабатлар асоси ва субъекти.

³ United Nations Development Programme: Human Development Report 2010. Life Expectancy Index, 2012.

Аҳоли ҳисоби – түгелиши, ўлиши, турмуши қуриши ва ажралышни қайд этиши ўйли билан аҳоли сони ва ёш-жинсий түзилишидаги ўзгаришилар ҳақида мунтазам равишда маълумотларни тўплаш, миграцияни қайд этиши ва уларни турли ўйлара ва усуllар орқали рўйхатга олиб бориши (Энциклопедик луғат. 1-жилд.-Т.: ЎЗСЭБР, 1988. 73-б.).

Умр кўриш – организм, жумладан инсонларнинг яшаши давомийлиги. У организмнинг қарилик ва ўлимга олиб келадиган, емирадиган ва қайта тиклайдиган физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг ўзаро таъсири (ЎзМЭ, 9-жилд.-Т.: ДИН, 2005, 96-б.).

Индекс – лотин тилида “*index*” кўрсатгич ёки рўйхат деган сўздан олинган бўлиб, у инсон фаолиятининг турли жабҳаларида ишилатилади (Словарь иностранных слов - М.: «Русский язык», 1989.-С.196). Бизнинг ҳолатда эса индекс давлатларнинг муайян кўрсатгич бўйича эгалланган нисбий ўрнидир.

Дунё мамлакатларининг фаровонлик индекс кўрсатгичлари Буюк Британиянинг “The Legatum Institute” таҳлил маркази томонидан 2006 йилдан буён олиб борилади. Индекс инсон ҳаёт фаолиятининг 70 кўрсатгичлари 8 та категория бўйича умумлаштирилади: иқтисодиёт, тадбиркорлик, менежмент ёки давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, шахсий эркинлик ва ижтимоий капитал. Ҳар бир давлатнинг рейтинги, яъни инобатга олинган мамлакатлар ичida нечанчи ўринда туриши ушбу саккиз категория кўрсатгичларининг ўртacha кўрсатгичлари асосида ҳисобланилади. Маълумотлар БМТнинг турли ташкилотлари, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, Gallup, Economist Intelligence Unit, IDC, Pyramid Research ва бошқа институтлардан олинади ҳамда етук мутахассислар томонидан таҳлил қилинади.

Кишиларнинг ўртacha умр кўриши – инсонларнинг Ер курраси ёки бир маъмурий ёки табиий бирликлар доирасида аҳоли ҳисобининг кўп ийллик маълумотларини таҳлил қилиши натижасида аниқланадиган ўртacha яшаши ёши. Ўртacha ёш эса инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлигига тўғри пропорционал равища ўзгаришини 2-чизмадаги маълумотларни солиштириш орқали билиб олиш мумкин.

Халқаро ташкилотлар инсонларнинг ўртача умр кўриш ёшини индексда (Life Expectancy Index), рейтингда (Гуманитар энциклопедия) ёки йилда бериши мумкин. З-чизмадаги маълумотлар Халқаро гуманитар технологиялар маркази томонидан 2009 йилда тўпланган ва 2014 йилда таҳрир қилинган “Гуманитар энциклопедия”дан олинган. БМТ ушбу маълумотларни илмий тадқиқотларни олиб бориш, таълим бериш ва ахборотларни оммалаштириш мақсадида фойдаланишни тавсия этади. Жадвалдаги Ўзбекистонда кишиларнинг ўртача ёши Миллий ахборот агентлиги маълумотларига таянган ҳолда баён этилган.

Аҳоли миграцияси – кишиларнинг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ бўлган кўчиши (Энциклопедик лугат. 1-жилд.-Т.: ЎЗСЭБР, 1988. 517-б.).

Аҳоли сонининг ортиши ва саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши билан табиатга антропоген таъсир кучи ўсиб бормоқда. Тарихий 2 млн. йил ичida Ер юзи аҳолиси 40 марта кўпайган бўлса, 1850 йилдан бошлаб планетамиз аҳолиси тахминан ҳар 50 йилда икки хисса ортган. Агар XX асрнинг биринчи 50 йилида аҳолининг ўртача йиллик ўсиши тахминан 1 фоизни ташкил этган бўлса, 1950 йилдан то бугунги кунгacha аҳоли 3 маротаба ортди. Ҳозирги кунда атроф-муҳитга антроген босимнинг янада фаоллашиши туфайли кейинги ўн йилликда атмосферага чиқариб ташланаётган биргина заҳарли модда – олtingугурт оксиди 50-60 фоизга ортди.

Ёшлар – ўзининг фаол физологик кўрсатгичларига қараб ҳар бир давлатда алоҳида белгиланадиган аҳолининг муайян бир қисми. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ёшларга 30 ёшгача бўлган аҳоли киритилади.

ҲФХ халқаро бошқаруви – инсонларнинг Ер планетасида бехатар ва давлатларнинг эса барқарор меъёрда ривожланишини таъминловчи халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ва муносабатлари тизими.

ҲФХ концепцияси — шахс, жамоа, жамият, давлат ва ҳамжамиятнинг ҲФХга оид қарашлар тизими

Ўзбекистоннинг ҲФХ оид сиёсати — давлатнинг фуқароларни бехатар яшаши ва меҳнат қилишини таъминлашга

доир олиб бораётган ички ва ташқи фаолият мажмуи ва натижалари.

ҲФХ принципи — инсонларни бехатар яшиши ва меҳнат қилишини таъминлашнинг йўналтирувчи қоидалари.

Халқаро миқёсда хавфсизликни таъминлаш — мегатехнотизимлар сифатини барча организмлар учун етарли даражада ушлаб турувчи халқаро муносабатларни тартибга солиши.

Технотизимларни халқаро-хуқуқий муҳофаза қилиш манбалари — мегатехнотизимларни организмларни бехатар даражада ушлаб туришини таъминлайдиган бутун дунё ҳамжасияти аъзоларининг хоҳиши ва иродалари акс этган халқаро хуқуқий-норматив ҳужжатлар тизими.

Халқаро универсал ташкилот — фаолият доирасига кўра комплекс, жумладан хавфсизлик масалаларини глобал миқёсда хал этувчи халқаро ташкилот.

Халқаро регионал ташкилот — фаолият доирасига кўра комплекс, жумладан хавфсизлик масалаларини минтақавий миқёсда хал этувчи халқаро ташкилот.

Халқаро иқтисодий жавобгарлик — технотизимларга етказилган зарарни қоплаш учун халқаро муносабат субъектларини халқаро жамгармаларга туширадиган бадал тўловлари.

Халқаро хуқуқий жавобгарлик — технотизимлардан фойдаланиши натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш юзасидан халқаро хуқуқ субъектларига қўлланиладиган нокулай моддий ва сиёсий шароитларнинг мажбурий кечинмаси.

5-чизма. Ҳаёт фаолиятига таъсир этувчи ҳавфлар

	Экологик
	Техноген
X	Иқтисодий
A	Сиёсий
B	Маънавий
Ф	Маърифий
	Информатик
T	Метеорологик
y	Харбий
P	Террористик
L	Диний экстремистик
A	Психологик
R	Космик
I	Ижтимоий
	Геологик
	Гидрологик ва ҳ.к.

Миллий хавфсизлик – давлатнинг кенг миллий қизиқишиларини ташиқи иқтисодий ва ҳарбий қудрати, ҳалқнинг интеллектуал ҳамда руҳий қийматига бўлган хавфни бартараф қилиш билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик хавфлардан ҳимояланганлик ҳолати (O.Funke,1994; О.Ю.Романова,2000). Миллий хавфсизлик тушунчаси муайян миллат манфаатлари нуқтаи назаридан қаралмасдан давлат хавфсизлиги тушунчаси билан уйғунликда талқин қилиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки, кўп миллатли мамлакатларда миллий хавфсизлик тушунчасининг тор маънода ишлатилиши бошқа миллат вакиллари орасида ғоявий бўшлиқни келтириб чиқариши мумкин. Республикамизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қиласидилар. Улар мустақиллигимиз эгаси ва давлатимизнинг асосий таянчидир. Шундан келиб чиқсан тазда миллий хавфсизлик давлат хавфсизлиги билан синоним сифатида ишлатилмоқда.

Инсон – Ер куррасининг жонли қобиги биосфера, тўғрироғи Ер юзасида яшовчи ва организмлар туркумига кирувчи, лекин мураккаб ҳаётий фаолият юритувчи индивид. У онгининг юқорилиги, нутқининг ривожланганлиги, ижодий фаоллиги, такомиллашган меҳнат қуролларини яратади олиши, ахлоқий, маънавий ҳамда руҳий ўз-ўзини англай олиши билан бошқа тирик организмлардан тубдан ажралиб туради.

Жамият – инсонларни маълум бир ҳудудда тарихан қарор топган гуруҳи ёки уюшмаси.

Давлат – инсонларнинг, тўғрироғи фуқароларнинг, муайян маъмурий ҳудудда уюшган қисми.

Ҳамжамият – давлат ёки жамиятни ўзга жамият ёки давлатлар билан бўлган уюшмаси. Глобаллашув шароитида инсон ҳаёт фаолиятини таъминлашда ҳамжамиятнинг ўрни бекиёсдир. Зеро Украинадаги Чернобил АЭС ёки Япониядаги Фукусимо АЭС фалокатининг глобал миқёсдаги атроф-муҳитга салбий таъсири ёки Амазонка дарё ҳавзасидаги доимий яшил тропик ўрмонзорларининг Ер атмосферасига бўлган ижобий таъсири орқали кўриш мумкин. Хуллас, инсон, жамият, давлат ва ҳамжамият ўзаро узвий боғланган, бири иккинчисидан, иккинчиси учинчисидан, учинчиси тўртинчисидан ёки аксинча келиб чиқадиган кишилик жамиятининг турли шаклларидир. Улар доимо инсонларнинг яшаш муҳити билан узвий боғланган.

6-чизма. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш зарурати



- Технотизимлар дорасининг кенгайиши ва уларга инсон фаолияти босимининг ортиши
- Фавқулодда вазиятларнинг кўпайиши
- Глобал миқёсда иқлим ўзгариши
- Ичимлик сувининг етиш-маслиги

- Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат даражасининг камайиши
- Биологик хилманикнинг йўқолиб бориши
- Чиқиндилар муаммоси
- Янги турдаги оммавий касалликларнинг тез суратларда тарқалиши
- Чўлланиш жараёнинг “юмшоқ иқлим” минтақалари томон бостириб кириши



- Минтақавий мажораларнинг майдон ва макон бўйича кенгайиши
- Ҳаво, темир йўл ва бошқа транспорт ҳалокатларининг ортиб бориши
- Демографик муаммаларнинг янги шакл ҳамда турларининг пайдо бўлиши ва ҳ.к.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги – *Инсонни ҳар қандай мұхитдаги фаолиятида унинг хавфсизлиги ва соглигини таъминловчи, хавфли ва заарлы омиллардан ҳимоя қилувчи амалиёт ва назарияни қамраб олган илмий билимлар мажмуидир* (БұхДУ. ҲФХ үқув-методик мажмуа, 2012¹).

Ушбу түшунчанинг, бизнинг фикримизча, қуидаги мұлоҳазага мұхтож жойлари бор:

Биринчидан, фанда ёзилмаган, лекин умумәътироф этилған бир қоида бор. Ҳар бир атама, ибора ёки сўз бирикмаларига түшунча берилаётгандыңда унда ишлатилған сўз түшунчанинг тарбидә турмаслиги лозим. Биз “ҳаёт” сўзига таъриф берар эканмиз, түшунчада яна “ҳаёт” сўзини ишлатиш мантиқан түғри эмас. Юқорида келтириб ўтилған ҳаёт фаолияти хавфсизлиги түшунчасида фаолият ва хавфсизлик сўzlари таърифда қайтарилғандыр.

Иккинчидан, хавфсизликга фақатгина саломатлик нұқтаи назардан қаралған. Зеро, хавфсизлик инсон фаолиятининг барча (сиёсий, маърифий, маънавий, рухий, психологик, иқтисодий, экологик...) жиҳатларини қамраб олади.

Үчинчидан, ҳар қандай мұхит сўзлар бирикмасига “яшаш” деган сўзни қўшиш лозим. Зеро инсон ҳаёти унинг яшаш мұхити билан чамбарчас боғлиқ. Қуида биз бунга иқрор бўламиз.

Тўртингидан, түшунчада фан, таълим ва амалиёт сўзларининг ўрнига “амалиёт ва назария” сўзлари ишлатилған. Ваҳоланки фан нафақат назарий фундаментал асосдан, балки амалий ва инновацион харкатердаги фаолиятдан ҳам иборат. Амалиёт назариядан олдин келған, таълим – кадрлар тайёрлаш жараёни эса тушириб қолдирилған. Ваҳоланки ҲФХ үқув курси деярли барча таълим муассасаларида алоҳида үқув курси сифатида ўқитилмоқда.

Бешинчидан, ҲФХ нафақат илмий билимлар мажмуи, балки кўникма ва малкаларни тадқиқ қилувчи фан, таълим ва уларни амалда қўлловчи хўжалик фаолияти ҳамдир.


Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (ҲФХ): 1. Кенг маънода – *муайян технотизимларда кишиларнинг барқарор ривожланган яшаши тарзининг хавфлилик даражасини тадқиқ қилувчи фан соҳаси, унга оид билим, кўникма ва малакаларни (компетенцияларни) берувчи таълим йўналиши, ушбу даражани таъминловчи амалиёт тармоғи.*

2. Тор маънода – муайян технотизимларда кишиларнинг барқарор ривожланган яшаши тарзининг хавфсизлик даражаси.

ҲФХ ҳам айнан кишилиқ жамиятининг экологик хавфсиз, иқтисодий таъминланган, ижтимоий муҳофазаланган ва барқарор бирлашган муносиб ҳаёт тарзини таъминловчи жараённинг бир бўлаги.

Хавфсиз яшаш даражаси – организмлар, жумладан инсонларнинг муайян технотизимларда нормал ҳолатда кўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соглом ва қулай атроф-муҳит ҳолати.

7-чизма. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигига оид муаммолар ва уларнинг ечимлари



Муаммо – ҳал этишини талаб қиласиган назарий ёки амалий масала. Кўпинча уни илмий адабиётларда ижтимоий категория сифатида қаралади, яъни фақатгина инсонларга тегишли ва ижтиомий муносабатларда юзага келадиган ҳолат, деб қаралади. Ҳаттоқи Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида⁴ “Муаммо” сўзи фақат мумтоз адабиётга тегишли сўз нуқтаи назаридан ёритилган. Уни араб тилидан олинган кўр, кўр қилинган ёки яширин ифода этилган сўз ёки исм, дея таърифланган. Фалсафий-илмий нуқтаи назардан эса бунга мутлоқ қўшилиб бўлмайди. Чунки муаммо сўзи нафақат адабиётда, балки инсон фаолиятининг барча жабҳаларида ва айниқса фанда жуда кўп ишлатиладиган сўздир.

4 жилдлик “Рус тилининг изоҳли луғати”да “Муаммо – ечимини топиш лозим бўлган назарий ёки илмий муаммо”⁵, дея таърифланган. Бу жамият қонуни.

Лекин муаммо нафақат инсониятга, балки организмларга ҳам тегишидир. Улар олдида ҳам турли хил муммолар туради ва улрани ечишга организмлар ҳам ҳаракат қиласилар. Ушбу ҳаркат кўпинча яшаш учун кураш ёки мослашишдан иборатдир. Уни биология фанида “Биогеоценозлар эволюцияси”, “Биотоплар эволюцияси”, “Биосфера эволюцияси” деб аталади⁶. Ҳар уччала табиий шароитда ҳам организмлар яшаш учун курашадилар ва ўзларига тегишли бўлган муаммоларни ҳал этадилар. Бу табиат қонуни.

Шунинг учун ҳам экологик фанларнинг нафақат биргина табитшунослик ёинки жамиятшунослик нуқтаи назардан қараш, балки комплекс равишдаги назарий асосларини яратиш ўта мухим илмий-амалий аҳамият касб этади.

ҲФХ муаммоси – инсонларнинг технотизимларда бехатар яшишларини таъминлашда юзага келадиган ва ечимини кутаётган масала.

Муаммоларнинг ечиш йўллари – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, технологик, ҳуқуқий ва бошқа воситаларни танлаш ва қўллаш орқали ечимини топмаган масалани ҳал қилиш чоратадбирлари.

⁴ Муаммо. Ўзбекистон Миллий энциклоаедияси. 6-ж.-Т.: “ЎзМЭдин”, 2003. 105-б

⁵ Проблема. Словарь русского языка. 3-том.-М.: Гос. Изд.иностранных и нац. словарей., 1959.- С.628.
⁶ Н.Ф.Реймерс. Природоальзование. – М.:..., 1990. – С.587 – 588.

8- чизма. ҲФХ фанининг тадқиқотлар мазмуни

Т/р	Кўриладиган масалалар	Нима ҳақида эканлиги
1.	Долзарблиги	<i>Замон талаби эканлиги</i>
2.	Миллий ва халқаро тажриба	<i>Ижобий ва салбий натижалар</i>
3.	Муаммолари	<i>Ечилмаган масалалари</i>
4.	Тушунчаси	<i>Нима ҳақида</i>
5.	Мақсади ва вазифалари	<i>Нима учун</i>
6.	Тарихи	<i>Келиб чиқиши</i>
7.	Ҳолати	<i>Қандай ютуқларга эга эгалиги</i>
8.	Прогнози	<i>Келажак истиқболлари</i>
9.	Концепцияси	<i>Гоялар тизими</i>
10.	Объекти	<i>Нимани ўрганиши кераклиги</i>
11.	Предмети	<i>Объектининг қайси қандай жиҳатлари тадқиқи этилади</i>
12.	Принциплари	<i>Қандай йўналтирувчи қоидаларга риоя этиши лозим</i>
13.	Методологияси ва методлари	<i>Қандай қилиб ва нималар асосида</i>
14.	Баҳолаш, экспертизалаш, назоратлаш, мониторинглаш ва кадстрлаш йўллари.	<i>Технотизимларни сон ва сифат жиҳатдан баҳолаш, текшириб ва кузатиб туриши, рўйхатини олиб бориш</i>
15.	Таъсир этувчи омиллари	<i>Белгиловчи ички ва ташқи кучлар</i>
16.	Районлаштириш	<i>Типологик ва регионаллик ҳусусиятлари</i>
17.	Хавфсизлик кўрсатгичлари	<i>Нималарни ҳисобга олиш даркорлиги</i>
18.	Таваккалчилиги	<i>Қай даражада оптимал бўлиши</i>
19.	Оптималлаштириш йўллари	<i>Энг қулай даражасини таъминлаш самарадорлиги</i>
20.	Фанлар тизими	<i>Қандай фанларни қамраб олиши</i>
21.	Фанлар ўртасида тутган ўрни	<i>Умумий ва ҳусусий томонлари</i>
22.	Ҳуқуқий таъминланиши	<i>Норматив асослари</i>
23.	Бошқаруви	<i>Ижтимоий муносабатларни тартибга солиниши</i>
24.	Барқарор риволаниши	<i>Иқтисодий, ижтимоий, экологик ва институционал муаммолар бирлиги</i>
25.	Амалиёти	<i>Олинган натижаларни тадбиқ этиши имкониятлари</i>
26.	Таълим ҳамда тарбия ва ҳ.к.	<i>Кишиларнинг онги ва маданиятини кўтариши</i>

Назария – билимнинг бирор бир соҳага оид гоялар тизими ёки воқелик қонуниятлари ва ундаги муҳим алоқалар ҳақида бир бутун тасавур берадиган билим шакли (Назария. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд.-Т.: «ЎзМЭ давлат илмий нашриёти»,2003. 242-б.).

Назариянинг асосий вазифаси тажрибалар берган далилларни изоҳлаш, воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун ва моҳиятига чуқуроқ кириб бориш, янги пайдо бўлганларини аввалдан кўра билиш ҳамда янги билимлар ҳосил қилишдаги бошланғич асосни шакллантириш. Назария амалиёт билан узвий боғландагина у яшовчан бўлади, ҳаракат ва ривожланиш қуролига айлана олади.

Фан: 1. *Дунё ҳақидаги билимлар тизими, ижтимоий онг шакларидан бири* (О.Файзуллаев. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ назарияси” нашриёти,2006. 16-б.). Ушбу фикрни у ёки бу кўринишда деярли барча файласуфлар эътироф этишади. Лекин билимлар ёки дунёни билиш нафакат фан орқали, балки фанлардан ташқарида – парайлмий, ақидали, квазиилмий, антиилмий, псевдоилмий тарзда ҳам амалга оширилади (Н.Шермуҳаммедова. Фалсафа ва фан методологиси.–Т.: ЎзМУ нашриёти,2005). Шунинг учун ҳам фан тушунчасида “илмий билиш” иборасини ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

2. *Ижтимоий ҳарактерга эга бўлган (кишилик жамиятига тегишили) илмий билишлар тизими.*


9-чизма. Инсонларни ҳаёт, жумладан меҳнат фаолияти турлари ва муҳити

<i>Инсон фаолияти турлари</i>	<i>Инсон фаолият юритиш муҳити</i>
Космонавт ёки аэронавтлар	Атомсферанинг мезосфера, термосфера қатламлари ва коинот
Учувчиilar	Атмосферанинг тропосфера ва стратосфера қатламлари
Фермер ва дехқонлар	Педосферанинг юзаси
Алоқа ва бошқа коммуникацияларни ётқизувчилар ва гўрковлар	Педосферанинг туби
Шахтер ва ер ости транспорт ходимлари	Литосферанинг юқори қатламлари
Дарё, дengiz ва океан кемачилари	Гидросферанинг юқори қатламлари
Сув ости кемасида хизмат қилувчилар	Гидросферанинг ўрта қатламлари
Океанологлар	Гидросферанинг юқори, ўрта ва қуйи қатламлари

10-чизма. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таснифлаш талаблари ва мазмуни

Т/р	Таснифлаш талаблари	Талаблар мазмуни
1.	Фалсафанинг фанлар методологиясидан келиб чиқиши	Барча фанларнинг назарий асосини фалсафа ҳал этиб берар экан, таснифлашда унинг методологик асосидан келиб чиқиш қоидаси
2.	Муайян мақсадларга йўналтирилганлик	Корпоратив даражада фаолият хавфсизлигини таъминлаш
3.	Илмий ва амалий аҳамият касб этиши	Корпоратив муносабат иштирокчиларининг фаолияти қачон, қаерда ва қай даражада хавфсиз бўла олиши
4.	Ажратилган гурухларнинг қайтармаслиги	Турли даражадаги таксономик бирликлар зинапоясида туриши ва бири иккинчисини қайтармаслиги
5.	Гурухларни номланиши оддий ва равон кўринищда ифода этилиши	Хар бир ажратилган технотизим қисмини аниқ, лўнда ва тушунарли (асл мазмун ва моҳиятини акс эттирган тарзда) номлаш
6.	Методологик ва методик жиҳатдан уни тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлишлик	Ажратилган технотизим қисмларини ўрганиш ёки тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлишлик

11-чизма. Ер планетаси техносферасини қисмларга ажратилиши ва номланиши



Космотехнотизим – *ХФХни таъминлаш нуқта назардан коинот кенгликларида ажратилиши мумкин бўлган технотизимлар.*

Аэротехнотизим – *ХФХни таъминлаш нуқта назардан Ер планетасининг атмосфера кенгликларида ажратиладиган технотизимлар.*

Гидротехнотизим – *ХФХни таъминлаш нуқта назардан Ер планетасининг гидросфера акваторияларида ажратиладиган технотизимлар.* Гидротехнотизимларга Ернинг қуруқлик қисмидаги кичик сув объектлари ва ер ости сувлари кирмайди. Зеро улар Ер планетасининг педосфера ва литосфера қатламларининг ажралмас қисмларидир.


Литотехнотизим – *ХФХни таъминлаш нуқта назардан Ер планетасининг литосфера кенгликларида ажратиладиган технотизимлар.*

Педотехнотизимлар - *ХФХни таъминлаш нуқта назардан Ер планетасининг тупроқ усти ҳудудлари ва ости қатламларида ажратиладиган технотизимлар.*

Демотехнотизимлар – *ХФХни таъминлаш нуқта назардан аҳоли яшайдиган жойларда ажратиладиган технотизимлар.*

Агротехнотизимлар - *ХФХни таъминлаш нуқта назардан Ер планетасининг қишлоқ хўжалиги фаол юритиладиган ҳудудларда ажратиладиган технотизимлар.*

12-чизма. Технотизимларнинг майдон ва маконга қараб таснифланиши



Мегатехнотизим (гречада *megas* – йирик) - *Ер* планетасининг энг йирик технотизимлари. Мегатехнотизим инсон ҳаёт фолиятининг хавфсизлигини таъминлаб берувчи атромосфера қатламларидан тортиб то ер ости литосфера ва сув ости гидросферагача бўлган Ер қобигини қамраб олади. Кўпгина

тадқиқотлар инсон фаолиятини кенгайиши туфайли ҳаттоки узоқ космосни ҳам киритишни таклиф қилмоқдалар. Бу мантиқан тўғри, зеро Ой ва Қуёш тизимидағи планеталарга кишиларнинг сафарлари уюштирилмоқда экан ундаги инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш муаммоси кишилик жамиятининг ижтимоий характердаги ечимини кутаётган масала бўлиб қолади. Маълумотларга кўра Коинотда космик чиқиндиларнинг миқдори йилига ошиб бормоқда. Улар ҳам инсонлар томонидан бошқариладиган ва унда иштирок этадиган космик аппаратлар учун хавф-хатар туғдиради.

Макротехнотизим (грекчада *makros*—кatta) – *Er planetasining энг катта технотизимлари*. Қамраб олган ва инсон ҳаёт фаолияти юритадиган узоқ космос ва унинг кенгликларидан ташқари Ер планетасининг 4та катта сферасимон типлари ва уларнинг турлари: атмосфера ва унинг қатламлари, педосфера (тупроқ қобиғи) юзаси ва ости қатламлари, литосфера ва унинг қатламлари, гидросфера ва унинг қатламлари киритилади. Зеро ушбу тўрт мұхитнинг барчасида инсон ҳаёт фаолиятини юритадилар ва барчасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бирламчи аҳамият касб этади. Лекин, ушбу касб эгалари коинот ва мазкур 4 сферанинг турли қатламларидаги турли шароитларда ўзига хос ҲФХни таъминлаш турларига эгадирлар.

Мезотехнотизим (грекчада *mesos*—ўртача) – *Er planetasining ўртача катталикдаги технотизимлари*. Бу ерда инсонлар Ер юзасида ҳаёт фаолиятини олиб борувчиларни Атмосфера қобиғига ёки лито-педосфера қобиғига киритиш кераклиги жумбоқ бўлиб қолди. Чунки инсоният нафақат тупроқ устида, балки тупроқ бўлмаган ва тоғ жинслари очилиб қолган ерларда ҳам уй-жой ва шаҳарлар қуришади. Литосферани эса педосферадан тубдан фарқ қиласиган жойлари кўп.

Микротехнотизимлар (грекчада *mikros*—кичик) – *Er planetasining кичик технотизимлари*. Бевосита маҳаллий миқёсга тушадиган тип ва турлардан иборат ҲФХни таъминлаш маконларидир. Ўзбекистон Республикаси маъмурий бирликлари – ҚҚР, Тошкент шаҳри ва 12 та вилоятлари ҳамда қишлоқ ва шаҳар туманлари микротехнотизимларга мисол бўла олади. Ҳокимларни ўқишини ташкил этишда айнан

микротехнотизимлар доирасида ҲФХ таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилиш мақсадга мувофиқдир.

Минитехнотизимлар (грекчада *minos* – жуда кичик) – *Ер планетасининг жуда кичик технотизимлари*. Ушбу таснифлаш тип ва турлари ҳатточи таълим муассаси биноси ва унинг хоналаригача бўлган технотизимларни қамраб олади.

Мазкур технотизимларнинг макон ва майдон бўйича таснифланиш тажрибаси, албатта, маҳсус тадқиқотларга мухтож. Чунки ушбу инсон ҳаёт фаолияти обьектлари қандай улчов бирликларида акс этиши, уларнинг майдони ёки макони қандай катталакларда намоён бўлиши, чегаралари қаерлардан ўтиши жуда мураккаб, лекин амалий жиҳатдан ўта муҳим аҳамият касб этади. Зеро давлат, жамият ёки ҳамжамият томонидан ҲФХ таъминлаш чора-тадбирлари, кўлами, молиявий-моддий ресурслар миқдори ва ҳажми қайси бир технотизимларга тагишли эканлигига қараб ажратилади. Тегишли маҳаллий, миллий, регионал ва глобал миқёсдаги ҲФХ концепциялари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари, дастурлар, режалар ва ҳатточи таълим мазмуни ва моҳияти ишлаб чиқилади ҳамда тегишли назорат йўлга қўйилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир тақиқотчи, педагог ёки амалиётчи ўзининг олдига қўйган мақсади, касбий йўналиши, ихтисослигидан келиб чиқсан тарзда техносферани турли технотизимларга ажаратиб олишлари мумкин. **Лекин ҲФХда ушбу таснифлаши қўйидаги илмий-назарий ва амалий қоидаларга риоя этилиши керак:**


- нима мақсадда таснифлаш кераклигини аниқлаштириб олиш;
- ўрганиши, ўргатиши ёки амалий тадбиқ қилиши зарур бўлган технотизимни аниқлаштириб олиш;
- фалсафа ва фанлар методологиясидан келиб чиқсан тарзда техносферани технотизимларга ажратиш;
- технотизимларни оддий кўринишида ифодалаш ва номлаш;
- технотизимларни тизимлашган, яъни иерархик позонага жойлаштириб чиқши;
- ажратилган технотизимларга оид тадқиқотларни, ташвиқот-тарзибот ишларини, таълимни ва чора-тадбирларни олиб бориши.

Мисол тариқасида қуйида келтирилган чизмада ҲФХни миллий таълим соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш да ишлатиш учун техносферани макон ва майдон бўйича таснифланиш. Унда техносферанинг фақатгина педосфера, яъни Ернинг тупроқ қобиғига тегишли қисмини турва тип жиҳатдан таснифлашга уриниб қўрилди. Ушбу таснифлаш тизими мазкур тадқиқотларнинг нақадар зарурлиги, аммо жуда ҳам чуқур илмий-назарий асосга муҳтоҗлигини кўрсатади.


13-чизма. Ҳаёт фаолиятини хавфсизлик кўрсатгичлари бўйича гурухлаштириш

ҲФХни белгиловчи гурухлар ва уларнинг айрим кўрсатгичлари		
<i>Мехнат фаолияти хавфсизлиги</i>	<i>Фуқаролар хавфсизлиги</i>	<i>Фавқулодда вазиятлар хавфсизлиги</i>
Санитар – гигиеник ҳолат	Йўл ҳаракати хавфсизлиги	Зилзила
Иқлим шароити	Дам олиш хавфсизлиги	Вулқон отилиши
Ёруғлик билан таъминланиши	Даволаниш хавфсизлиги	Сув тошқини
Шовқинлиги	Овқатланиш хавфсизлиги	Ёнғин
Энергетик хавфсизлик	Диний-экстроместик хавфсизлик	Кучли шамол эсиши
Ахборот-коммуникацион хавфсизлик	Туризм хавфсизлиги	Қор кўчиши
Ёнғин хавфсизлиги	Ижтимоий-сиёсий хавфсизлик	Сел кетиши
Ижтимоий-психологик хавфсизлик	Иқтисодий хавфсизлик	Ўпқон ва карст жараёни
Сиёсий хавфсизлик	Гуманитар хавфсизлик	Метеоритлар тушиши
Маърифий-маънавий хавфсизлик	Террористик хавфсизлик	Аномал иқлим шароитининг юзага келиши
Террористик хавфсизлик	Технологик хавфсизлик	Ядрорий хавфсизлик
Экологик хавфсизлик ва ҳ.к.	Экологик хавфсизлик ва ҳ.к.	Экологик хавфсизлик ва ҳ.к.

14-чизма. Ҳаёт фаолият ҳавфсизлигини таъминлашда бошқарув зарурати



15-чизма. Башқарув турлари



16-чизма. Кишилик жамиятини башҡариш турлари



Бошқарув: 1. танлов, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат этиши жараёнидир. (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 5-ж., 2003. 593-б.)

2. *Ҳар хил табиатли (биол., социал, тех) уюшган системалар элементи функцияси* (Энциклопедик лугат. 1988. 119-120-б.). Бу системаларни муайян структурада саклаш, фаолият режимини бирор маромда тутиб туриш, уларнинг программа ва мақсадларини амалга оширишни таъминлайди.

3. *Организмларнинг ҳаракат қилишини тартибга солиш жараёни*. У нафақат инсонларга, балки фаол ҳаракатдаги барча тирик мавдудотларга хос бўлган жараёндир. Чунки ҳайвонот дунёси ҳам ўз ҳаракатларини бошқаради. Масалан, тоғ шароитда чорва тўдаларини серка эчкилар томонидан бошқарилиши. Бўри тўдаларини уларнинг етакчиси ёки йўл кўрсатувчиси томонидан бошқарилиши. Менежмент эса фақатгина инсонларга хос бўлган ижтимоий категориядир.

Глобал жамият бошқаруви – Ер курраси доирасида дунё ҳамжамиятини универсал ёки фаолият йўналишлари бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун турли воситаларни танлаш, тегишли қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат этиш жараёни.

Ҳамма босқичда ҲФХ назоратлаш ҳалқаро-хуқуқий қоидаларнинг амалий татбифини кузатиб бориш ва кафолатловчи институтлар тизимини яратишни талаб қиласди. Агарда ҳалқаро хавфсизликга оид ҳамкорлик меъёрларининг амалий татбифи унинг қатнашчилари ёки учинчи бир ваколатли идоралар томонидан назорат қилинмаса, ҳар қандай ҳалқаро ҳужжат декларатив қўринишда намоён бўлади ва улар қоғозда қолиб кетади. Бундай ҳалқаро назорат институтининг универсал тарзда БМТнинг ЭКОСОС, ЮНЕП, ЮНЕСКО, ТМХИ, ЖССТ, ХДК, МАГАТЭ каби умумий ёки маҳсус масалалар бўйича тузилган ташкилотлар ёки регионал тарздаги — ОБСЕ, АДА, АБТ, АДТ, АСЕАН каби ташкилотлар томонидан олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Регионал жамият бошқаруви – минтақалар доирасида ҳамжамиятни универсал ёки фаолият йўналишлари бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун турли воситаларни танлаш, тегишли қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат этиш жараёни.

Регионал доирадаги назорат институтлари умумий ёки маҳсус масалалар бўйича тузилган ташкилотлар – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), Араб давлатлари лигаси (АДЛ), Африка бирлиги ташкилоти (АБТ), Америка давлатлари ташкилоти (АДТ), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН), Давлатлараро экологик Кенгаш (ДЭК), Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича Кенгаш ва шу кабилар томонидан олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Миллий жамият бошқаруви – давлат миқёсида жамиятни универсал ёки фаолият йўналишлари бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун турли воситаларни танлаш, тегишли қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат этиш жараёни.

Хуқуқий-демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятида барча ижтимоий муносабатлар қатори XФХ муносабатларининг бошқарилиши ва тартибга солиниши нафақат давлат органлари, балки жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари томонидан ҳам олиб борилади. ЎзР Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг II чақириқ 6-сессиясида жамиятни демократлаштириш масаласига алоҳида урғу бериб: «Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади», деган эди.

Маҳаллий жамият бошқарув – давлатнинг ўзини ўзи маҳаллий бўлинмалари (фуқаролар йиғини, маҳалла каби) доирасида жамоани универсал фаолият йўналишлари бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун турли воситаларни танлаш, тегишли қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат этиш жараёни.

Гарчанд Ўзбекистон АҚШ каби ўзининг эркин бозор муносабатлари ёки демократик институтлари, Германия каби қонун ёки Швеция каби фуқаролик жамиятининг устиворлиги билан донг чиқарган бўлмасада, лекин ўзининг “маҳалласи” билан улар олдида ғуурланиши мумкин. Чунки “маҳалла” каби нуфузли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бошқа юртларда йўқ. Абу Райхон Берунийнинг маълум қилишича, тарихан жамоанинг тўпланадиган жойи, яъни “маҳалла маскани”

жамоага тегишли масаллалар кўриб чиқилган, диний маросимлар ўтказилган, кўпчилик келиб овқатланадиган жой ҳисобланган⁷.

Локал-корпоратив бошқарув – корпоратив бирликлар доирасида жамоани фаолият йўналишлари бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун турли воситаларни танлаш, тегишли қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат этиш жараёни.

Корпорация - лотинчада “cijerulentia” - тўлалик деган сўздан олинган бўлиб (Словарь иностранных слов.-М.: «Русский язык», 1989. – С. 261.), у умумлаштирилган тарзда қўйидаги маъноларни англатади:


1. *Кишилар жамоасини тўлалигича бир мақсад сари уюштириши;*
2. *Бозор иқтисодиёти шароитида кишиларни акционерлик жамоасига тўлалигича уюштириши ёки бирлаштириши;*
3. *Касбий йўналишига қараб кишиларни давлат назорати остида тўлалигича уюштириши.*
4. *Муайян бир мақсадда уюшган кишилар жамоаси..*

Корпоратив бошқарув – муайян бир мақсадда уюшган кишилар жамоасини (муассаса, корхона, ташкилот доирасида) танлаш, тегишли қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат этиш жараёни.

Корпоратив бошқариш турли хил номларда аталувчи, лекин юридик шахс мақомида фаолият юритувчи кишилар жамоасидир.

⁷ Авесто.Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Махкам таржимаси.- Тошкент.:Шарқ,2001.

17-чизма. Ҳаёт, фаолият, хавфсизлик ва менежмент тушунчалари



Ҳаёт: 1. *Одам яшиши ва намоён бўлишининг энг мураккаб шакларидан бири* (Ҳаёт. Фалсафий лугат.-Т.:ЎМФЖН,2004.487-б.). Бу тушунчада, биринчидан, “одам” физологик характерга эга бўлиб қолган. Ваҳоланки одамларнинг халқаро хуқуқлари “инсон”га тегишлидир. У инсон руҳияти, онги, тафаккури билан узвий боғланган. Инсонларнинг қадр қиммати айнан шу ҳаётни қандай ўтказганлиги билан ўлчанади. Инсонлар ҳаёти нафақат кишилик жамиятига, балки атроф табиатга ҳам боғлиқдир. Иккинчидан, ҳаёт тушунчаси нафақат ижтимоий, балки табиий характерга ҳам эга. Зоро ҳаётни нафақат инсон, балки барча мавжудот(организм)лар ҳам кечирадилар. Улар ҳам ўз ҳаётларида муайян фаолият олиб борадилар.

2. *Организмлар(тирик мавжудотлар)нинг яшиши ва намоён бўлиши.* Чунки барча тирик мавжудотлар ҳам ҳаёт кечирадилар ва унда турли хавфларга дучор бўладилар. Лекин, мазкур

хавфларнинг турли жиҳатлари, даражалари ва бартараф этиш йўллари мавжуддир.

Хавф – ички ёки ташқи омиллар таъсирида объект ёки субъектнинг динамикаси, ривожланиши жараёни ва хусусиятларига зарар етказувчи фаолият ёки ҳолат (Реймерс, 1990; Яблоков, 1994; Сергунин, 2003).

Жаҳон адабиётида хавф, таваккалчилик (риск), хавфсизлик сўзлари нафақат инсон фаолияти балки барча тирик организмларнинг турли жабҳалари учун қўлланилади.

Таваккалчилик – олдиндан режалаштирилмаган, бугун ёки эртага тўсатдан содир бўлиши мумкин бўлган хавф (Kates, 1971; Альгин, 1989; Head, 1991; Медеу, 2002; Eldon, Bradley, 2004). Хавф ёки таваккалчиликни режалаштирилган тарзда олдини олиш ёки режалаштирилмаган ҳолда тартибга тушириш мумкин. Бу орқали хавфсизлик озми ёки кўпми таъминланади. Хавфларнинг тўлиғича олдини олишнинг имконияти йўқ, яъни доимо таваккалчилик қилинади, лекин таваккалчилик даражаси турлича бўлади.

Адаптация – организмларнинг нокулай муҳитга мослашиши. (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1 жилд.- Т.: “ЎзМЭ нашриёти”. 2000; Реймерс, 1990; Charles, 1978). Бу ҳолатда ҳам хавфсизлик таъминланиши мумкин.

Хавфсизлик: 1. Алоҳида шахс, жамият ва табиат обьектларини кучли даражадаги хавф-хатардан ҳимояланганлик даражаси бўлиб, унинг асосий мезони келажакда ёки ҳозирда содир бўлувчи табиий ёки ижтимоий хатардан келиб чиқувчи қўрқув ҳисси (Л.Ю.Хотунцев, 2002).

2. Кенг маънода ҳаёт, саломатлик, инсониятнинг асосий ҳуқуқлари, ҳаётий манфаатларини таъминловчи манбалар, ижтимоий тартибдаги ресурслар билан боғлиқ хавфларга чидамлилик даражаси (К.Я.Кондратьев, 1993; Т.Арошидзе, 1994).

3. Замонавий, ўзаро тартибли фан йўналиши бўлиб, инсоният, жамият, давлатни ҳаётий зарур манфаатларини техноген ва табиий фавқулодда холатлардан ҳимояланганлик даражаси (В.Н.Бурков, А.В.Шепкин, 2003).

4. Организмлар, жумладан инсонларнинг турли шакл ва қўринишдаги жамоасининг атроф-муҳитининг турли кўламда содир бўлувчи ва таваккалчиликни инобатга оловчи хавф-хатардан ҳимояланганлик даражаси (Нигматов, Матчанов, 2005).

5. Организмлар, жумладан кишилик жамияти атроф-мухитининг турли кўламда содир бўлувчи ва таваккалчилликни инобатга оловчи хавф-хатардан ҳимояланганлик даражаси.

Хавфсизлик нафақат инсонларга, балки барча организмларнинг ҳимояланганлик даражаси. Ваҳоланки, *хавфсизлик тушиунчаси «бехатар яшаи даражаси»ни* ифода этар экан, у маълум бир маънода ҳар қандай организмлар, яъни табиат биокомпонентларининг ҳам бехатар яшали демакдир. Негаки, биологик хилма-хиллик инсон хавфсизлигининг асосий элементи ва уни таъминлаш ҳозирги кунда бевосита ёки билвосита тарзда инсониятга боғлиқ бўлиб қолди.

Табиат компонентларининг ўзаро алоқаси натижасида юзага келувчи ҳар қандай жараён ёки ҳодиса табиий жараён ҳисобланиб, табиий танланиш босқичида туради. Аммо, ундаги айрим жараёнлар, масалан, чигирткаларнинг сон жихатдан кўпайиб кетиши ва уларнинг ўсимлик дунёси билан бўладиган муносабатлари, албатта, инсон хавфсизлигига таъсир этади. Бу илгари (инсониятнинг табиатга таъсири кам ёки деярли бўлмаган даврларда) ҳам учраб турган табиий жараён ҳисобланиб, озуқа майдонини инсоният томонидан қисқариши эвазига тезлашди. Табиатнинг эса инсондан хавфлироқ унсури йўқ. Шунинг учун ҳам хавфсизлик сўзига албатта гапнинг эгасини, яъни “*Инсон хавфсизлиги*”, “*Организмлар хавфсизлиги*”, “*Табиат мажмуалари хавфсизлиги*”, “*Ҳайвонот дунёси хавфсизлиги*” шу каби сўзлар бирикмасига қўйиб ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, *хавфсизлик нафақат техноген ёки табиий фавқулотда ҳолатлар ва жараёнлардан организмларнинг ҳимояланганлик даражаси, балки у кўзга кўринмас ҳамда билвосита таъсир этувчи ҳодиса ва жараёнлар орқали секин аста юзага келиши ҳам мумкин.* Масалан, иссиқхона самараси туфайли иқлимининг аста-секинлик билан исиб бориши ва унинг натижасида чўлланиш жараёнининг юзага келиши. Оқибатда чўлланган ерларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тур ва сон жихатдан камаяди, яъни биологик хилма-хиллик деградацияланади ҳамда инсонлар учун ноқулай атроф табиий муҳит ҳолати юзага келади. Албатта, бундай хавфсизлик экологик характердаги хавфсизликка киради. Лекин у ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва шу каби характерларга ҳам эга. Шунинг учун ҳам хавфсизликга унинг характеристига қараб

қўшимча, тўлдирувчи ва аниқловчи сўз ёки сўз бирималари билан ишлатиш зарур. Масалан “Экологик хавфсизлик”, “Маънавий хавфсизлик”, “Сиёсий хавфсизлик” ва ҳ.к.

Учинчидан, хавфсизликни таъминлашида таваккалчиликни эътиборга олиш, унинг даражасини аниқлаш ва бошқарии ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар бир исон фаолияти, у қандай юқори технологик хавфсиз даражада амалга оширилмасин, муайян бир таваккалчилик даражасига эгадир. Масалан, сув омборининг қурилиши, завод ёки фабрикаларнинг ишга туширилиши, табиатдаги аномал ҳолатлар ҳам организмлар ва уларнинг яшаш муҳитига доимо таҳлика солиб туради. Шунинг учун ҳам “Оптимал хавфсизик”, “Минимал хавфсизлик”, “Максимал хавфсизлик” деб ишлатиш керак.

Фаолият – 1. *Организмларнинг, жумладан инсонларнинг турли шакл ва қўринишда ҳаракат қилишилари.* Шунинг учун ҳам фаолият сўзини ишлатаётганда “Исон фаолияти”, “Ҳайвонот дунёси фаолияти”, “Ўсимлик дунёси фаолияти” дейиш мақсадга мувофиқдир. Инсон фаолияти эса бошқа организмларга нисбатан жуда мураккаблиги, бир пайтнинг ўзида уни тартибга солиш имкониятининг мавжудлиги билан ажралиб туради. Мураккаблиги шундаки у сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-социал, маърифий-маънавий, ва ҳаттоқи экологик характердаги фаолият турлари билан бошқа организмлардан тубдан ажаралиб туради. Шунинг учун ҳам фаолият сўзини “эгаси” билан қўллаш, яъни “Исон меҳнат фаолияти”, “Исон экологик фаолияти”, “Иносон сиёсий фаолияти” каби қўшимчалар билан ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Тартибга солиш эса инсонлар ўртасида юзага келадиган мураккаб турдаги ижтимоий муносабатларни улар ўз билимлари, қўникмалари ва малакалари, яъни онги ва маданияти билан турли даражада бошқарив турилишидир. Айнан турли даражада, чунки тартибга солувчи кишиларнинг бошқарув онги ва маданияти турличадир. У нафақат маконда, балки замонда ҳам турли мазмун ва моҳият касб этади. Ўзбекистон ва унинг маъмурӣ бирликлари ҳам бундан истесно эмас, албатта.

2. *Кишиларнинг ташқи оламга фаол муносабат шакли, инсоннинг ўзини-ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириши усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири.* (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-ж., 2005. 186-б.). Фаолият замиридагина инсон моҳияти намоён бўлиши, жамиятнинг, ҳар

қандай ижтимоий тузилманинг мавжудлиги таъминланиши мумкин. Фаолият шакллари асосан қўйидагича туркумлаштирилади: моддий, ижтимоий-сиёсий, маърифий-маънавий, иқтисодий, экологик ва ҳ.к.

3. *Киши ва унинг уюшган қисми - жамиятининг муайян яшаши муҳитдаги ҳаракати.* Масалан, корхона, ташкилот, муассасадаги кишилар фаолиятини назорат қилиш, тартибга солиш, бошқариш.

4. *Инсоннинг ташқи оламга фаол муносабат шакли, инсоннинг ўзини-ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириши усули, борлигининг муҳим хусусияти.*

Менежмент – 1. (*инглизча management –бошқарши, раҳбарият, дирекция*) бошқарувни ташкил этиши, раҳбарлик қилиши маъноларини англатиб, кўзланган мақсадларга эришиши учун фаолиятни, яъни инсонлар ёки уларнинг гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириши ҳамда бошқарши усуллари, шакллари ва воситалари мажмуи (Р.Х.Джураев, С.Т.Турғунов. Таълим менжменти, 2006. 6-б.).

2. *Махсус бошқарши фаолияти, бошқарши тўғрисидаги фан.* (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 5-ж., 2003. 593-б.) Менежмент фанининг мазмуни бошқарув тизими ва обеъкти ўртасидаги ўзаро муносабат бўлиб, унинг асосий вазифаси бошқарувнинг замонавий усулларини, раҳбарлик санъати сирларини ўрганишдан иборат.

3. *Ишлаб чиқаришни бошқарши* (Словарь иност.слов.1979. 311). Ишлаб чиқаришда бошқурвни тамойиллари, методлари, восита ва шакллар йиғиндиси бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва фойдани кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқилади ва қўлланилади.

4. *Ижтимоий-иқтисодий тизимда самарали бошқарувни ишлаб чиқши, ташкиллаштириши ва назорат қилиши.*

5. *Муайян бир мақсадда уюшган кишилар жамоасини корпоратив (муассаса, корхона, ташкилот доирасида) бошқаруви* (А.Н.Нигматов, 2014).

Менежмент ижтимоий категорияга эга бўлиб, унга ҳайвонот дунёсидаги тўдаларни бошқариш, инсоннинг ўзини ўзини бошқариш, халқаро ҳамжамиятни бошқариш, давлат ва жамоат бошқаришлар кирмайди ва улардан фарқли равишда у фақатгина корпоратив бошқарувга хос фаолиятдир.

18-чизма. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги менежментига (ХФХМ) кирувчи субъектлар

ҲФХМ таркибиға кирувчи субъектлар	Корхоналар
	Ташкилотлар
	Муассасалар

Корхона – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган иқтисодиётнинг хилма-хил тулари (маҳсулотлар ва товарлар ишлаб чиқариши, хизматлар кўрсатиш ҳамда ишларни бажарishi) билан шугууланиб мустақил хўжалик фаолиятини юритувчи ижтимоий муносабат субъекти.

Корхоналар давлат, муниципал, жамоа, қўшма, якка каби турларга ажратилади.

Ташкилот – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган гуруҳларнинг меҳнат ва мажбуриятлар тақсимоти ҳамда бошқарув тузилмаси асосида у ёки бу турдаги вазифаларни ҳал этиши учун тузилган ижтимоий муносабат субъекти.

Улар тижорат ёки нотижорат шаклда тузилади ҳамда ички тартиб-интизомга асосланган мувофиқлаштириш фаолиятини таъминлаш учун ташкиллаштирилади.

Муассаса – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ўзини ўзи тўла ёки қисман молиялаширадиган бошқарув, ижтимоий-маданий, жумладан таълим ёки бошқа нотижорат вазифаларни амалга оширувчи ижтимоий муносабат субъекти.


Муассаса унга биринчирилган мулкка бўлган ҳукуклари ЎзР Фуқаролик Кодексининг оператив бошқарувга оид нормаларда белгилаб берилади. Ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағлари билан жавоб беради. Мазкур маблағлар етишмаган тақдирда тегишли мулк эгаси унинг мажбуриятлари бўйича жавобгардир.

Ўюшма – маълум бир мақсадларда уюшган юридик шахслар иттифоқи.

Юридик шахс – ўз мол-мулкига эга бўлган, хўжаликни тўла равишда юритадиган, алоҳида мол-мулкни тезкорлик билан бошқарадиган, ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб бера оладиган ва судда жавобгар сифатида чиқа оладиган жамоа.

Юридик шахс муайян мақсадда уюшган жамоа бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқи субъекти тариқасида фаолият юритади. Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи) ёки қилиб олмаган (нотижоратчи) юридик шахс турлари мавжуд.


19-чизма. ҲФХМнинг ижтимоий муносабат йўналишлари




Менежмент йўналишлари – Киишилик жамоасининг муайян мақсадларда уюшган қисми ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабат жиҳатлари. Шунинг учун ҳам менежмент иқтисодий, экологик, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий ёки умумлаштирилган ҳолдаги йўналишларга ажратилади. Менежментга нисбатан фақатгина иқтисодий жиҳатдан ёндошув масаланинг туб моҳиятини очиб бермайди.

Айрим муаллифлар томонидан менежментнинг турларига: инновацион, молия, стратегик, инвестициявий, таваккалчилик, экологик каби йўналишларга ажратилади. Бундай турларга ажратиш, бизнинг фикримизча, ягона мақсад нуқтаи назардан туркумлашмагандир. Зоро, молиявий менежментга экологик, инвестицион, таваккалчиликнинг молиявий жиҳатлари ҳам киради. Шунинг учун ҳам менежментни йўналишларга ажратишда фалсафанинг таснифлаш қонуниятларига амал қилиниши лозим.

20-чизма. ХФХМ тизими



21-чизма. Менежментнинг таркибий қисмлари



Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги менежменти (ХФХМ) тизими – *муассаса, корхона, ташкилот, бирлашма каби уюшмалар доирасида иносонларни бехатар фаолият юритишларини таъминлаши бошқариши учун зарур бўлган қисмларни белгилаш ва уларни иерархик поғонага жойлаштириши.*

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш реал ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, сиёсий, маънавий-маърифий шароитдан келиб чиқсан тарзда турли қисмларга ажратилади ва уларни ваколат ёки аҳамият нуқтаи назардан босқичма босқич амалга ошириш учун тизимлаштирилади, яъни иерархик поғонага зинапоясимон қилиб жойлаштирилади. Мазкур чизмада берилган ХФХМ қисмлари умумлаштирилган тарзда олинган бўлиб, унга турли хил шароитда турли хилдаги бошқарув элементлари қўшилиши мумкин.

ХФХМ миссияси ёки роли – *муассаса, корхона, ташкилот, бирлашма доирасида инсонларни бехатар фаолият юритишларини таъминлаши бошқариши қандай функцияларни бажарии ёки уни глобал, регионал, миллий ва локал миқёсда тутган ўрни.*

ХФХМ мақсади ва вазифалари - *муассаса, корхона, ташкилот каби доирасида иносонларни бехатар фаолият юритишларини таъминлаши бошқаришдан мақсад ва вазифалар.*

Менежмент тизими - *менежмент таркибий қисмларининг маълум бир қонунуниятларга асосланган тарзда иерархик жойлашуви.*

Менежмент фан тариқасида тадқиқот қилиш, таълим тариқасида билим, кўниқма ва малакаларни бериш, амалиёт тариқаси эса ҳаётда қўллаш учун зарур бўлган институларни қисмларга ажратиш ва зинапоясимон қилиб жойлаштиради. Масалан, Менежмент фанининг назарий асослари биринчи навбатда унинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини аниқловчи қисмларни ажратишдан бошланади. Сўнгра, корпоратив бошқарув обьекти ва предметини очиб беради. Менежмент фанининг тарихий келиб чиқиши, ривожланиш босқичлари, улардан олинган сабоқлар алоҳида бир тарбий қисмлардан иборат бўлади.

Менежмент ҳолати, шу кундаги муаммолар ва уларнинг ечимлари тадқиқот предмети сифатида қаралади. Келажак

истиқболлари, концепцияси, тактик ва стратегик ривожлантириш режа ҳамда дастурлари унинг тизимидағи истиқболли қисмларини ташкил этади. Албатта, ҳозирги ҳолати ва келажак истиқболлари орасыда фалсафанинг мустақил фанларга қўйиладиган бир қатор талабларини ўзида акс эттиради.

Менежмент тизими ҳар бир муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларнинг ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиққан тарзда амалга оширилади. Таълим муассасида ажратиладиган қисмлар – педагогик кенгаш, ўқув ишлари бўйича директор ўринbosари, маънавият-маърифат бўйича директор ўринbosари, кафедра мудири каби бошқарув қисмлари ташкилот, корхона ва бирлашмаларда ажратилмайди. Аксинча корхоналарда цех бошлиғи, бош инженер, статистика бўлими каби бошқарув қисмлари таълим муассасаларида учрамайди. Ажартиладиган қисмларнинг иерархик поғоналарда жойлашуви ҳам реал шароитдан келиб чиққан тарзда турлича бўлиши мумкин.

ҲФХМ тизими қисмлари – иерархик зинапоясимон равишда жойлаштирилган корпоратив бошқарув элементлари. У умумлаштирилган тарзда корпоратив бошқарув самарадорлигига эришиш учун халқаро миқёсда эътироф этилган ташкилотлар қуйидаги қисмларни инобатга олишни тавсия этадилар:


- корхона, ташкилот, муассаса, бирлашманинг давлат ва жамиятнинг ҳаёт фаолиятини барқарор таъминлашдаги роли, яъни миссияси нимадан иборатлиги;
- корпоратив муносабат иштирокчиларининг оператив, тактик ва стратегик бошқарувнинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш;
- қўйилган мақсадга эришиш жараёнини мониторинг (кузатиб бориш ва тегишли чора-тадбирларни қўллаш) ҳамда таҳлил қилиш учун самарадорликнинг асосий қўрсатгичларини тўғри танлаш;
- ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таълим ва тарбия бериш каби жараёнларни ҲФХ нуқтаи назардан тузилишини аниқлаш;
- корпоратив муносабат субъектлари ва бошқарув қисмларининг ҲФХ нуқтаи назардан тузилмасини ташкиллаштириш;

- ҲФХга оди ахборот билан таъминлаш тизими ва сифатининг борлигини аниқлаш;
- тегишли қарорларни қабул қилиш ва иш юритишни тадқиқ қилишга доир методларни билиш;
- ҲФХни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб бориш;
- корпрациянинг моддий ва молиявий таъминот балансини ҲФХни инобатга олган тарзда ушлаб туриш ва х.к.

Юқорида келтирилган корпоратив бошқарув элементларини амалда қўллаш, албатта, замонавий ахборот-куммуникацион воситаларни менежментга кенг жорий этишини талаб этади. Ҳозирги кунда муассаса, ташкилот, корхона ва бирлашмаларда умумлаштирилган ёки фаолият йўналишлари бўйича яратилган компьютер дастурлари орқали бошқарув фаолияти йцўлга қўйилган. Лекин, ҲФХМни тўлиқ ёки комплекс равишда бошқаришнинг ягона бир интелектуаллашган дастури бор, дебайта олмаймиз. ҲФХМнинг фундаментал назарий асосларини ишлаб чиқиш, унинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ акс эттиришга кўмаклашади. У ўз навбатида тегишли комплекс бошқарув дастурини яратиш алгоритмларини танлаш ва амалда қўллаш имкониятини беради, деб ўйлаймиз. Ҳуқуқий демократик давлатда ҲФХМни амалдаги қонунчиликдан четга чиқмаган ҳолда ишлаб чиқиш зарурлигини уқтириш лозимдир.

Менежментнинг таркибий қисмлари – менежмент мазмунини акс эттирувчи ички тизимлашган тузилма.

22-чизма. ҲФХМ фанининг мақсад ва вазифалари



23-чизма. ҲФХМ муаммолари

Ҳ Ф Х М Е Н Е Ж М Е Н Т И М У А М М О Л А Р И	Хуқукий	<ul style="list-style-type: none">✓ хуқукий-норматив асосларини яратиш;✓ қонун устиворлиги таъминлаш ва уларни амалга татбиқ механизмини яратиш;✓ жавобгарлик ва рағбатлантиришнинг ягона норматив асосини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.
	Маърифий	<ul style="list-style-type: none">✓ приоритет тадқиқот йўналишларни аниқлаш ва уни кўллаб-куватлаш;✓ ҲФХМ ўкув курсининг ягона узвийлашган ва узлуксизлашган ДТСни ишлаб чиқиш;✓ тегишли соҳадаги кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга кўйиш ва ҳ.к.
	Маънавий	<ul style="list-style-type: none">✓ ҲФХМнинг амал қилиш мухитини яратиш;✓ хуқукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти негизида тегишли тарбиявий ишларни олиб бориш;✓ миллий ўзига хосликдан келиб чиқсан ҳолатда юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш ва ҳ.к.
	Сиёсий	<ul style="list-style-type: none">✓ ҲФХМ концепциясини ишлаб чиқиш;✓ ҲФХМ глобал, регионал, миллий ва локал миқиёсида ягона тизимлашган сиёсатга эришиш;✓ Миллий дастур, тактик ва стратегик ва режаларни ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ этиш ва ҳ.к.
	Иқтисодий	<ul style="list-style-type: none">✓ Макро ва микроиқтисодиёт даражасида ҲФХМнинг моддий базасини яратиш;✓ минтақавий иқтисодиётни инобатга олган ҳолда ҲФХМни шакллантириш;✓ ҲФХМ молиялаштиришни йўлга кўйиш ва ҳ.к.
	Ижтимоий	<ul style="list-style-type: none">✓ Ходимларни ҲФХ нуқтаи назаридан таъминлаш бошқарувини йўлга кўйиш;✓ ҲФХ менежментида инсонпарварлик тамойилини бирламчи кўрсаткич сифатида қарашни йўлга кўйиш ва ҳ.к.
	Инситутционал	<ul style="list-style-type: none">✓ ҲФХМ нуқтаи назаридан глобал ва регионал миқиёсида бирлашиш;✓ Рио-92 Барқарор ривожланиш Концепцияси нуқтаи назаридан ҲФХМни қайта кўриб чиқиш;✓ ҲФХМга толерантлик ёндашув ва ҳ.к.

24-чизма. Ўзбекистонда ҲФХМнинг айрим ҳуқуқий- норматив асослари

T/p	Ўзбекистон Республикаси ҲФХМга оид айрим ҳуқуқий-норматив асослар номи	Қабул қилинган вақти ва сони
<i>Қонунар</i>		
1.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	8.12.1992
2.	Мехнат кодекси	1.04.1996
3.	Фуқаролик кодекси	1.03.1997
4.	Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекс	1.04.1995
5.	Жиноят кодекси	1.04.1995
6.	Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида	9.12.1992
7.	Стандартлаштириш тўғрисида	28.12.1993
8.	Метрология тўғрисида	28.12.1993
9.	Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида	29.08.1997
10.	Таълим тўғрисида	29.08.1997
11.	Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида	20.08. 1999
12.	Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида	20.08.1999
13.	Экологик экспертиза тўғрисида	25.05.2000
14.	Фуқаро муҳофазаси тўғрисида	26.05.2000
15.	Радиациявий хавфсизлик тўғрисида	31.08.2000
16.	Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида	28.09.2006
17.	Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида	23.04.2009
18.	Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида ва ҳ.к.	29.09.2010
19.	Оилавий тадбиркорлик тўғрисида	26.04.2012
<i>ЎзР Президенти қарорлари</i>		
1.	Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида ва ҳ.к.	28.05.2012 1761-сонли
<i>ЎзР Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари</i>		
1.	Сертификланиши мажбурий бўлган маҳсулотлар рўйхати, сертификатлашни ўтказиш тартиби, ЎзР ҳудудида хавфсиз эканини тасдиқлаш талаб қилувчи	12.08.1994 409-сонли

	товарларни олиб кириш ва ўз ҳудудидан олиб чиқиши талабларини тасдиқлаш тұғрисида	
2.	Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар, шунингдек ядрөвий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобға олиш ва назорат қилиш тартиби тұғрисидаги низомларни тасдиқлаш тұғрисида	13.08.2009 231-сонли
3.	Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган ФВда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастури	19.07.2011 208-сонли
4.	Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тұғрисида	24.08.2011 242-сонли
5.	Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида юз берган табиий оғат (сел, сув тошқини) натижасида етказилған зарарни бартараф этиш чора-тадбирлари (илова) ва ҳ.к.	4.04.2012 89-сонли

Давлат – умумий муносабатларни ҳал этиши воситаси, яъни ҳокимият ва ҳалқ ўртасида юзага келадиган ўзаро алоқаларни тартибга соладиган аппарат.

Хуқуқ – давлат ҳокимияти томонидан ўрнатылған ва ҳимоя қилинадиган ёзма кўринишда ифода этиладиган умуммажбурий ижтимоий муносабат қоидалари тизими.

Норматив-хуқуқий хужжатлар – ваколатли давлат органининг белгиланған тартибда қабул қылған, умуммажбурий кучга эга бўлған ва ёзма тарзда ифода этилган юридик ҳужжати. Уларда хуқуқий нормалар белгиланади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади, қоидаларнинг мазмун ва моҳияти баён этилади.

Қонун – олий юридик кучга эга бўлған, даслатнинг қонун чиқарувчи муассаси томонидан ёки аҳоли томонидан түғридантүгри, референдум ўтказишнинг талабларига мувофиқ қабул қилинған ва ўзида қонуннинг амал қилиш ҳудуди, муддати ва шахслар доирасида хуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг умумий намунасини мужассамлаштирган норматив-хуқуқий ҳужжат.

Қарор – давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатлар.

Хуқуқий муносабатлар – хуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар. Хуқуқий муносабат

тузилишига кўра объект, субъект ва мазмун каби элментлардан иборат бўлади. Ушбу муносабат иштирокчиларнинг ҳаракати нимага қаратилган бўлса – объект, унинг иштирокчилари – субъект, уларнинг ҳуқуқ ва муажбуриятларини амалга ошириш йўлларини кўрсатувчи нормалар – мазмунидир.

Ҳуқуқбузарлик – ҳуқуқ нормаларида белгиланган ва жамият учун хавфли бўлган қилмиши.

Сертификат – маълум бир фактларни тасдиқловчи ёзма гувоҳнома.

Фармон – давлат бошлиги чиқарадиган муҳим ҳуқуқий ҳужжат. У мазмун ва моҳиятига кўра конституциявий нормаларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш воситаси сифатида намоён бўлади (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-ж.Т.: ДИН, 2005.191-б.).

Фармоиш – бошқарувга доир тез ҳал қилиниши керак бўлган жорий масалаларга оид қарорлар сифатида қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжат (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-ж.Т.: ДИН, 2005.191-б.).

Қарор – давлат органи ёки мансабдор шахснинг ўз ваколати доирасида муайян мақсадга эришиши йўлида қабул қиласидаги ва бирор оқибат келтириб чиқарадиган ҳужжат (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-ж.Т.: ДИН, 2005. 607-б.).

У одатда ижро этувчи ҳокимият томонидан қабул қилинади ва юридик ҳужжат сифатида эътироф этилади.

Устав (низом) – муайян муносабат доирасидаги фаолият ёки бирор давлат органи, муассаса, ташкилот, корхона тузилиши, мақсади, вазифасини йўналтириб турадиган асосий қонун-қоидалар мажмуи. Устав юридик шахсларнинг асосий таъсис ҳужжати ҳисобланади ва у шу ҳужжатга мувофиқ равишда фаолият юритади. Устав юридик шахс муассислари томонидан тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилади. (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-ж.Т.: ДИН, 2005.144-б.).

Йўриқнома – 1. Қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни тушунтириши мақсадида чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат.

2. Бироор нарсани, унинг амалга ошириши, бажарии тартиби, ва усулини белгиловчи қоидалар тўплами, кўрсатмалар. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-ж. Т.: ДИН, 2006. 282-б.)


Буйруқ – якка ҳокимликга асосланган ҳуқуқий ҳужжат. Давлат бошқарув органи, муассаса, корхона, ташкилот олдида

турган асосий ва кундалик фаолият вазифаларини ҳал этиш мақсадида қўлланилади (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-ж.Т.: ДИН, 2001. 239-б.).

25-чизма. ҲФХМ – комплекс фан соҳаси



26-чизма. ҲФҲМ фанининг приоритет тадқиқот йўналишдаги лойиҳалар



Приоритет – немис тилида “prioritet”, лотин тилида “prior” – бирламчи масала, бирламчи аҳамият касб этиш, деган сўзлардан олинган бўлиб, у бажарилиши лозим бўлган масала ёки ечимини кутаётган бирламчи муаммо.

Тадқиқот лойиҳаси ёки проект – (лотин тилида “projector” кўзда туитлган) - илмий ишларни олиб бориши режаси ёки гояси.

Фундаментал тадқиқотлар – фанлар соҳасида янги билимлар олишига ва қонуниятларни очишига, шунингдек амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантиришини таъминлайдиган илмий асос яратишга қаратилган илмий ишлар. Ўзбекистонда фундаментал тадқиқотлар узок (5 йилгача) муддатга мўлжаллаб ишлаб чиқилади ва унинг Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда давлат бюджети томонидан молиялаштирилади.

ҲФХМнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш айнан фундаментал тадқиқотлар жумласига киради.

Амалий тадқиқотлар – фундаментал лойиҳаларда олинган янги билимлар ва қонуниятларни иқтисодиёт тармоқларига тадбиқ этиши учун йўналтирилган илмий ишлар. Одатда республикамида амалий тадқиқотлар 3 йилгача бўлган илмий ишланмалар қабул қилинади ва давлат бюджетидан қопланади.

Инновацион тадқиқотлар – амалда қўлланилаётган ишланмаларнинг самарадорлигини оширишига қаратилган янгича ёндошув йўналтирилган изланишилар. Инновацион тадқиқотларни молиялаштириш, фундаментал ва амалий тадқиқотлардан фарқли равишда, давлат бюджетидан ва янгича ёндошув ишланмаларини тадбиқ этишга муҳтоҷ буюртмачилар томонидан амалга оширилади.

Фанларга қўйиладиган талаблар – фалсафада ҳар бир фан соҳаси ёки фанлар тизими мустақил равишда умумэътироф этилиши ёки амалда қўлланиши учун зарур бўлган мазмун ва моҳият.

27-чизма. Ер қуруқлиқ юзаси (педосфера) технотизимларини ХФХМ нүктаи назардан таснифлаш тажрибаси

Меготехнотизим (Техносфера)		
Технотизимлар	Типи	Тури
Макротехнотизимлар	Педосфера	Тупроқ юзаси
Мезотехнотизимлар	Минтақалар	Давлатлар
Микротехнотизимлар	Вилоят, тумавн ва катта шаҳарлар	Аҳоли яшайдиган пунктлар ва зоналар
Минитехнотизимлар	<p>Муассасалар ва уларнинг бино ҳамда худудлари</p> <p>Корхоналар ва уларнинг бино ва худудлари</p> <p>Ташкилотлар ва уларнинг бино ва худудлари</p>	Дам олиш хонаси
		Овқатланиш хонаси
		Ўйин хонаси ва ҳ.к.
		Спортзал
		Физика хонаси
		Кимё хонаси
		Кутубхона ва ҳ.к.
		Устахона
		Амалиёт цехи
		Лаборатория
	<p>Дала амалиёти ўтадиган хоналар</p> <p>Ресурс маркази</p> <p>Илмий тадқиқот хонаси ва ҳ.к.</p> <p>Бошқарув ва унга хизмат қилувчи хоналар</p> <p>Цехлар ва конвойерлар</p> <p>Дам олиш ва хордиқ чиқариш хоналари</p> <p>Лаборатория, синов жойлари ва ҳ.к.</p> <p>Конструктилик хоналари</p> <p>Тажриба-синов хоналари</p> <p>Дам олиш ва хордиқ чиқариш хоналари</p> <p>Комьютер, аналитик хоналар ва ҳ.к.</p>	Дала амалиёти ўтадиган хоналар
		Ресурс маркази
		Илмий тадқиқот хонаси ва ҳ.к.
		Бошқарув ва унга хизмат қилувчи хоналар
		Цехлар ва конвойерлар
		Дам олиш ва хордиқ чиқариш хоналари
		Лаборатория, синов жойлари ва ҳ.к.
		Конструктилик хоналари
		Тажриба-синов хоналари
		Дам олиш ва хордиқ чиқариш хоналари

Объект (лотин. *objektum*—нарса) субъектга (тадқиқотчи, изланувчи, ўрганувчи, амалга оширувчи...): 1. *Бизнинг онгимизга ёки бизларга боғлиқ бўлмаган ҳолда намоён бўлувчи ташқи дунё, моддий борлик.*

2. *Субъектга қарама-қарши бўлган ҳамда инсоннинг амалий ва билиши фаолияти қаратилган объектив реаллик.* Объект инсон ва унинг онгидан мустақил равишда намоён бўлади (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд.-Т.: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2003. 441-б.).

ҲФХМнинг обьекти: 1. *Технотизим, яъни корпоратив муносабат субъектларининг ҳаётий фаолият юритиши, жумладан меҳнат қилиши муҳити.* Лекин, инсон нафақат ишлаб чиқариш, таълим олиш ёки меҳнат фаолияти билан ҳаёт кечиради. Унинг корпоратив даражада дам олиш, саломатлигини тиклаш, маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш каби фаолият турига оид муҳитларда ҳам кечади. Бунда ҳам унинг фаолият хавфсизлигини таъминлаш зарур.

2. *Технотизим – инсонларнинг макон ва майдонга қараб иерархик позонага жойлаштирилган ҳаётий фаолият юритиши муҳити.* Техносфера эса глобал миқёсдаги технотизимdir.

Техносфера (грек тилида “*techne*” – санъат, маҳорат, “*sphaira* – шар, тўғрироғи қобиқ): 1. *Ўтмишда биосферага таалуқли бўлган, кейинчалик инсонларнинг ўзининг моддий ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини янада яхшилаш мақсадида тўғридан тўғри ёки сиртдан техник воситалар билан таъсир этган ҳудуддир* (БухДУ, 2012 й.).

2. *Кишилик жамиятининг Ер планетаси ва уни ўраб турувчи маконда ўз санъати ва маҳорати, яъни фаолиятини намоён қилаётган муҳити.*

Классификация (ёки ўзбекчада “*тасиф*”) – нарса, ҳодиса, ҳолат ва жараёнларни мақсадга йўналтирилган ва муайян кўрсатгичларига қараб қисмларга ажратиши ва тизимлаштириши. (Класс. Классификация. Краткий словарь иностранных слов. – М.: Гос.изд иностр. и нац. словарей, 1952. С.179; А.Нигматов. Табиий географик фанларнинг назарий асослари. Монография.-Т.:”Fan va texnologiya”, 2010).

Техносферанинг таснифланиши – инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаши нуқтаи назардан уни муайян

*қисмларга ажратиш ва иерархик позонага жойлаштириши
(тизимлаштириши).*

Техносферани таснифлашда:

- фалсафанинг фанлар методологиясига қўйиладиган талабларга жавоб бера олиши;
- муайян бир мақсадга йўналтирилганлиги;
- илмий ва амалий аҳамият касб этиши;
- ажратилган гуруҳларнинг қайтармаслиги;
- гуруҳларни номланиши оддий ва равон кўринишида ифода этилиши;
- методологик ва методик жиҳатдан уни тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлишлик каби қоидаларга риоя этилиши зуур.

Буюк рус эколог олими Н.Ф.Реймерс(1990) экотизимларни уларнинг майдон ва маконига қараб таснифлашни – микро, мезо, макротизимларни ажратишни олға суради. Бу мантиқан тўғри. Зоро, экотизимлар тури айнан организмларнинг қандай майдон ва макон бўйича яшаш муҳитни қамраб олишига боғлиқ. ҲФХМда кишилар фаолияти муҳитини майдони ёки макон нуқтаи назардан таснифланиш бирламчи аҳамият касб этади. Ушбу таснифланиш универсал кўринишига эга бўлиб, у фактатгина инсонларнинг фаолият кўрсатиши муҳити ёки маконининг табиий бўлинмалари жумласидан қаралган, холос. Мего-макро-мезо-мини-микротехнотизимларни ўз навбатида эгаллаган маконига қараб турли синфларга ажратиш учун уни нисбатан каттароқ тип ва нисбатан кичкироқ турларга таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир тадқиқотчи технотизимларни иқтисодий ёки ижтимоий, сиёсий ёки маърифий-маданий, экологик ёки институционал жиҳатларига кўра турлича таснифлаши ҳам мумкин.

Технотизим ўлчами – инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таъминланиши зарур бўлган муайян доирада чекланган ер майдони, сув акваторияси, ҳаво ва ер ости кенглигидаги жой.

ҲФХМда технотизим бўлиб муассаса, корхона, ташкилот каби корпоратив бўлинмаларнинг кадастрлаштирилган жойи.

28-чизма. ҲФХМнинг тадқиқот предмети

Минитехнотизимлар хавфсизлиги:		
Кўрсатгичлари	Дараҷалари	Оптималлаштириши йўллари
Фавқулодда вазиятлар: зилзила	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Олдини олиш ва бартараф этиш чораларини қўриш
Санитар – гигиеник ҳолат	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Жамоат назоартини йўлга кўйиш
Иқлим шароити	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Совутиш ва иситиш тизимини таъмирлаш
Ёруғлик билан таъминланиши	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Муқобил энергетика қурилмаларини ўрнатиш
Шовқинлиги	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Маъзуза хоналарини бинонинг ички томонидагиларга алмаштириш
Энергетик хавфсизлик	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Автоном энергия манбаларини ўрнатиш
Ахборот-коммуникацион хавфсизлик	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Интернет сайтларига киришни саралаш
Ижтимоий-психологик хавфсизлик	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Бошқарув тизимини қайта кўриб чиқиш
Сиёсий хавфсизлик	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Миллий сиёсатнинг устивор жиҳатларини очиб бериш
Маънавий	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Фуқароларга юксак маънавият енгилмас куч эканлигини сингдириш
Маърифий	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Фан ва илмнинг барқарор ривожланишдаги аҳамиятини кучайтириш
Террористик ва диний ақидапарастлик	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Барча ўчоқларни аниқлаш ва унга қарши туриш йўлларини ишлаб чиқиш
Экологик	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Аҳолининг экологик онги ва маданиятини кўтариш
Харбий ва қуроллий мужоравий	комфорт, хавфсиз, хавфли, фожиали	Харбий бўлинмаларнинг хавфсизлигини таъминлаш
ва ҳ.к.

ҲФХМнинг тадқиқот предмети – минитехнотизимларнинг инсонларнинг бехатар яшаши ва меҳнат қилишидаги хавфсизлик кўрсатгичлари, даражалари ва уни оптималлаштириши йўллари.

ҲФХМнинг хавфсизлик даражаси – минитехнотизимларни инсонларни бехатар яшаши ва меҳнат қилиши шароити. Ушбу қулайлилик ҳолати одатда 4 даражада намоён бўлади::

1. **Комформ** – минитехнотизимлар ҳолати инсон ҳаёт фаолияти учун энг қулай шароит.

2. **Хавфсиз** – минитехнотизимлар ҳолати инсон фаолияти учун салбий оқибатларни олиб келмайдиган шароит

3. **Хавфли** – минитехнотизимлар ҳолатининг давомийлиги инсон фаолияти учун салбий оқибатларни олиб келадиган шароит

4. **Фожиали** – минитехнотизимлар ҳолати қисқа муддатда инсон фаолияти учун оғир оқибатларни олиб келадиган шароит.

Таълим жараёнида кўпинча ҲФХМнинг тадқиқот предмети фақатгина фавқулодда вазият, сиҳат-саломатлик, техник-технологик каби алоҳида масалаларга эмас, балки инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча жиҳатларига бағишлиланганdir. Шунинг учун ҳам ҲФХМнинг тадқиқот предмети хавфсизликнинг:

1. **Маънавий** жиҳатларини, яъни инсонларга мафкуравий, ғоявий ва информацион хуруж кўрсатгичлари, даражалари ва оптималлаштириш йўлларига (И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., 2008. 13 – 14-б.).

2. **Маърифий** жиҳатларини, яъни инсонларнинг илмий ва ижодий фаолият устиворлиги руҳида таълим ва тарбиясига қилиниадиган хуруж кўрсатгичлари, даражалари ва оптималлаштириш йўллари.

3. **Террористик ва диний ақидапарастлик** жиҳатлари, яъни инсонларни кўрқитиш ва кўр кўrona “ёлғон” диний ғояларга эргаштириш кўрсатгичлари, даражалари ва оптималлаштириш йўллари (И.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.-Т., 2002. 62 б.).

4. **Экологик** жиҳатлари, яъни экотизимларни барқарорлик хуруж кўрсатгичлари, даражалари ва оптималлаштириш йўллари (И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 жилд.- Т., 1998. 39 б.).

5. **Ҳарбий ва қуроллий музоровий жиҳатлари**, яъни ҳарбий ҳаракатлар ва қурол ишлатиш орқали қилиниадиган хуруж

күрсатгичлари, даражалари ва оптималлаштириш йўллари (И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 жилд.- Т., 1998. 39 б.).

6. *Сиёсий* жихатлари, яъни миллий барқарорлик сиёсатига қарши қаратилган хуруж кўрсатгичлари, даражалари ва оптималлаштириш йўллари (И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 жилд.- Т., 1998. 39 б.)

каби жихатларини ҳам қамраб олиши лозим.

Оптималлаштириш йўллари – *ҲФҲ таъминлашда амалдаги ҳолатни замонавий ва илмий асослаган усулларни энг қулайини қўллаган тарзда инсон хавфсизлик даражасини ошириш чора-тадбирлари.*

29-чизма. ҲФҲМга юклатиладиган методологик талаблар

ҲФҲМнинг методологик талаблари

Фан, таълим, тарбия ва амалиётини муайян минитехнотизимлар дорасида олиб бориш

Амалдаги ҳукуқий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, экологик, маънавий-маърифий ва технологик шароитни инобатга олиш

Худудий, жумладан маъмурий –худудий фарқланишни инобатга олиш

Табиий, ижтимоий, ижтимоий-табиий, табиий-ижтимоий воқеа, жараён, ҳодиса ва ҳолатларни тадқиқ қилиш

Хавфсизликни белгилаш, даражасини аниқлаш ва оптималлаштириш йўллари қидириб топиш

Илмий билишни реал шароитдан келиб чиқкан тарзда таснифлаш

Методология (юононча “metodos”- билиш ёки тадқиқ қилиш “logos”- таълимот) - илмий билиш методларига оид таълимотлар тизимдиси, түғрироғи тизими. Чунки методологиянинг қуйида санаб ўтиладиган қисмлари, яъни тадқиқот методлари айнан муайян бир кетма-кетликда ва иерархик погонада тизимлаштирилади. Барча фанларга қўйиладиган асосий талаблардан бири у қандай тадқиқот методологиясига эга эканлиги. Зеро фанлар назариясининг бош масаласи унинг методологиясидадир. Шунинг учун бўлса керак файласуфларнинг мунозара марказида айнан мазкур масала кўндаланг бўлиб туради ва, афсуски, ҳамма фанларда ҳам бу ҳақда ягона бир фикрга етиб келинганича йўқ.


Методология метод эмас ва ундан фарқли равишда шароит ва замонга қараб, ё эволюцион ёинки ноэволюцион тарзда ўзгариши мумкин. Метод ўзгармайди, янгилари яратилади ва улар эскиларининг ўрнига илмий билишда қўлланилади, холос. Методларни тизимлаш эса муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, экологик, маънавий-маърифий ҳолатдан келиб чиқади. Масалан, Собиқ иттифоқ даврида деярли барча фанлар, жумладан табиий фанлар методологияси марксизм-ленинизмнинг утопик коммунизм қуриш ғоясига асосланган сиёсий тизимга мослаштирилган эди (Человек, общество и окружающая среда. Географические аспекты использования естественных ресурсов и сохранения окружающей среды.- М.:“Мысль”, 1973.- С.10-11).

ҲФҲМ методологияси – реал ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, экологик вазиятдан келиб чиқкан тарзда минитехнотизимларда кечаётган табиий, ижтимоий, ижтимоий-табиий ва табиий-ижтимоий ҳолат, жараён ва ҳодисаларни илмий билишга қаратилган методларни танлаш ва тизимлаштириши.

30-чизма. ҲФХМнинг айрим фан соҳаларига доир методлари

Фан соҳаси	Методлари
Биология	Биокимёвий, биотехнологик, биофизик, геоботаник, зоологик, фенологик, анатомо-физиологик ва ҳ.к.
География	Картографик, қиёсий географик, ландшафт-индикацион, ГАТ, геоморфологик, социал географик, гидрологик, метеорологик, геодемографик, гидролитодинамик ва ҳ.к.
Хуқуқ	Маъмурий, фуқаровий, маъмурий-фуқаровий
Иқтисодиёт	Макроиктисодий, микроиктисодий, қиёсий таҳлил, минтақавий иқтисодий ва ҳ.к.
Математика	Ретроспектив моделлаштириш, комьютер дастурлари орқали математик анализ қилиш, алгоритмли тизимлаш ва ҳ.к.
Геология	Геокимёвий, геофизик (радиометрик, сейсмоакустик, электроқидириув), гидрогеологик, палеогеологик, геокриологик, инженер-геологик ва ҳ.к
Космология	Аэрокосмик зондлаш, космик картографик, аэрокосмофотограмметрик, аэргаммаспектро-метрик ва ҳ.к.

31-чизма. ҲФХМ методларини ишлатиш жойи ва хусусиятларига қараб таснифланиши



Метод (герчада *methodos* – тадқиқот йўли) – *майян бир мақсадга эришиши йўли ёки усули*. Фанда уни тадқиқот усули деб ҳам аталади. Методлар бошқа турдош фан соҳаларида ҳам бор, лекин ҲФХМ ўзининг қонуниятлари, мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда уларни танлаб олади ва тизимлаштиради.

ҲФХМ методи – 1. *Минитехнотизимларнинг хавфсизлик кўрсатгичлари, даражалари ва оптималлаштириший йўлларини ўрганиши, аниқлаш ва амалга ошиши усули*.

ҲФХМ комплекс тадқиқотларни олиб борувчи фанлар тоифасига киргани учун ҳам унда деярли барча фанларга хос бўлган тадқиқот методлари қўлланилади. ҲФХМга оид методларни танлашда реал шароитни инобатга олишда

тадқиқотларни ижтимоийлашувига, яъни инсон томонидан жамиятда яшаш имкониятини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилишини инобатга олиш керак. Бу деган сўз “Фалсафа”нинг илмий билишдаги, “Социология”нинг ижтимоий уюшмаларнинг ривожланишдаги ва мамлакатлар тараққиёти уларнинг минитехнотизимларнинг хавфсизлик кўрсатгичлариға қараб жойлашувига бевосита боғлиқлиги, “Психология”нинг корпоратив субъектларнинг руҳий ҳолатидаги, “Тарих”нинг даврий ўзгаришдаги, “Этнография”нинг маҳаллий халқнинг турмушидаги қонун ва қонуниятларни ўрганиш усусларини ҳам инобатга олиш зарурлигини кўрсатади.

ҲФХМ тадқиқот методларини танлашда тизимлаш ёки тизимли ёндашувни қўллаш лозим. Тизимли ёндашув илмий билиш жараёни гипотеза, концепция, режадан бошлаб, назарий асосини ишлаб чиқиш ёки аниқлаштириш ҳамда амалий тадбиқига етиб бориши методларини муайян иерархияда (қисмлар зинопоясида) олиб боришни талаб этади.

ҲФХМ тадқиқотларга тегишли методларни олиб бориладиган жойи ва хусусиятига қараб қўйидагича гурухлаштирилади: лаборатория (лот. laboratorium – ишлайман), камерал (лот. kammer – маҳсус хона), дала, экспедиция (лот. ekspeditio – тартибга солиш, сайд қилиш) шароитида ўтказиладиган методлар.

2. ҲФХМда фойдаланадиган усуслар:

➤ гомосфера ва нососферани фазовий ва вақт бўйича ажратиб куйиш, буни ҳал қилиш учун масофадан бошқариш, автоматлаштириш, работлаштириш воситаларидан фойдаланиш;

➤ хавфларни йўқотиш йўли билан ноксосферани меъёрлаштириш. Бу усулга ходимларнинг шовқин, газ, чангдан жароҳатланишидан сақловчи шахсий ва биргаликдаги ҳимоя воситаларини қўллаш;

➤ ходимларни тегишли муҳитга мослаштиришга, уларни ҳимоялаш даражасини кўтаришга йўналтирилган ҳар хил воситалар ва усуслар: касбига қараб танлаш, руҳий таъсир ва (шахсий) ҳимоя воситалари қўллаш.

Амалда эса юқорида айтилган усуслар биргаликда қўлланилади.


Гомосфера – меҳнат фаолияти жараёнида бўладиган фазо – иши жойи (БухДУ ЎММ, 2012).

Ноксосфера – фазода доимий равишда ёки вақти-вақти билан содир бўладиган хавф (БухДУ ЎММ, 2012).


Табиатшунослик – табиатда содир бўлган, кечаётган ва кечиши мумкин бўлган ҳолат, жараён ва ҳодисаларни мустақил ҳамда уларни инсон ҳаёти билан боғлиқ равишдаги қонунлари ва қонуниятларини илмий билишга қаратилган фанлар мајсуси. Фанлар тизими эмас, чунки табиатшуносликка оид тизимлашган фанлар ажратилмайди. "Табиатшунослик" мустақил фан эмас, балки ўқув курси ёки таълим йўналиши сифатида ишлатилади. Табиатни илмий билишга тааллуқли фанлар эса – табиий фанлар грухига ажратилади (Фанлар. О.Файзуллаев. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-жилд. – 182 б.).

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб Табиатшунослик фанлари жуда оммалашиб кетди. Чунки табий ресурслардан фойдаланиш тобора ортмоқда. Ер юзида ҳозирда 100 млрд.т. ёқилги, 800 млн.т. ҳар ҳил металлар, 2,5 млрд.т. нефть, 20 млрд.т. кўмир, 100 млн. лаб автомобилар, самалёт, трактор двигателлари ишлатилди, 2 млрд m^3 ёгоч ва 1 млн.т. овланган гўшт ишлатилади. Дунё бўйича қишлоқ ҳўжалик экинлари билан қуруқликнинг 11%, ялов ўтлоқлар билан 17,5% банд.

32-чизма. Минитехнотизимларга таъсир этувчи омиллар



33-чизма. ҲФХМнинг ички ижтимоий-психологик салбий омиллари



34-чизма. Ижтимоий гурухлар бўйича ҲФХМга таъсир этувчи омилларнинг хавфлилиқ даражаси

(АҚШ сайловчи-аёллар Лигаси, университетлар, бизнесменлар берган маълумотлар ва социологик сўровномаларга кўра)

Эгал-лаган ўрни	Эркаклар	Аёллар	Бизнесменлар	Талабалар	Статистик кўрсатгич
1.	Автомобиллар	Атом энергетикаси	Ўқ отиш қуроллари	Атом энергетикаси	Чекиши
2.	Чекиши	Автомобил	Мотоцикл	Ўқ отиш қуроллари	Алкоголь
3.	Алкоголь	Ўқ отиш қуроллари	Автомобил	Чекиши	Автомобил
4.	Атом энергетикаси	Чекиши	Психологик босим	Пестициidlар	Ўқ отиш қуроллари
5.	Ўқ отиш қуроллари	Мотоцикл	Алкоголь	Антибиотик	Фавқулодда вазиятларда
6.	Урушларда қатнашиш	Алкоголь	Ёнгин	Мотоцикл	Мотоцикл
7.	Полицияда хизмат қиилиш	Авиация	Полицияда хизмат қиилиш	Алкоголь	Чўкиши
8.	Экологик вазиятлар	Полицияда хизмат қиилиш	Атом энергетикаси	Полицияда хизмат қиилиш	Хирургик операциялар
9.	Фавқулодда вазиятларда	Пестициidlар	Хирургик операция	СПИД	Рентген нурлари
10.	Пестициidlар	Хирургик операциялар	Ов қилиш	Ёнғинлар	Темир йўл транспорти

Омил ёки фактор (лотинчада “factor” – яратувчи, ишлаб берувчи) – ҳолат, жараён, ҳодиса ёки вөкөаларга таъсир этувчи кучлар.

Минитехнотизимларга таъсир этувчи омил ёки ҲФХМ омили – минитехнотизимларнинг инсонларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлик ҳолатига таъсир этувчи ва ўзаро таъсир доирасидаги ички ва ташқи кучлар.

ҲФХМ омилларини кишилик жамиятини амалий ҳаракатлари нуқтаи назардан икки ажратиш керак: ташқи ва ички. Бу мантиқан тўғри. Зоро, ички омилларни корпоратив миқёсда инсон бартараф этиш имкониятига эга бўлса, ташқи омилларга нисбатан унинг ҳаракати мослашишдан иборат бўлади.

ҲФХМ омиллар таснифи – келиб чиқиши нуқтаи назардан турлича таснифланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги қонуни омиллар табиий ва техноген турларга ажратилган. Лекин, уни келиб чиқиши ва инсонларга таъсири нуқтаи назардан фавқулодда вазиятлар омилларини: табиий, антропоген, табиий-антропоген, антропогентабииий омилларга ажратиш мантиқан тўғридир.

ҲФХМнинг ички омиллари – минитехнотизимларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлик ҳолатига таъсир этувчи ўзаро таъсир доирасидаги сиёсий, маърифий-маънавий, экологик, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар, технологик каби кучлар.


Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ички омиллар ҲФХМ қайси бир минитехнотизимлар тури ёки типига қараб олинади. Масалан, минитехнотизим, яъни корхона, ташкилот, муассаса ҳудудди ва биноларида ҲФХга таъсир этувчи кучлар. Ушбу омилларни ҲФХМ субъектлари ўз имкониятлари билан олдини олиш ёки аксарият ҳолларда бартараф этиш имкониятига эгадирлар.

ҲФХМнинг ташқи омиллари – минитехнотизимларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлик ҳолатига таъсир этувчи ўзаро таъсир доирасидаги сиёсий, маърифий-маънавий, экологик, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар, технологик каби кучлар.

Ташқи омилларга минитехнотизим, яъни корхона, ташкилот, муассаса ҳудудди ва биноларидан ташқарида ҲФХМга таъсир этувчи кучлар. Ушбу омилларни ҲФХМ субъектлари ўз имкониятлари билан шароитга мослашиш нуқтаи назаридан қаралади. Масалан, Қуёш радиацияси омили. Ундан Ер планетаси

технотизимларига келадиган радиациянинг 46% ёруғлик, 47% инфрақизил ва 7% ультрабинафша нурларни ташкил этади. Атмосферанинг юқори қисмига ҳар дақиқада 1 см^2 юзага 2 ккалория энергия келади. Унинг ўзгариши $0,07 \text{ кал}/\text{см}^2/\text{мин}$.ни ташкил этади. Ҳар йили Ер юзаси технотизимларининг 1 км^2 майдонига $2,6 \times 10^{15}$ Ккалория энергия келади. Бу эса 400 минг тонна кўмир энергиясига тенгdir. Ер юзидан қайтган қуёш радиацияси – альбедо қорли технотизимларда 70-90%, қумларда 30-35%, қора тупроқли ҳайдалган даштларда 5-14%, ўрмон ва ўтлоқли даштларда 10-25%, сув экотизимларида Куёш нурининг тушиш бурчагига боғлиқ равишда 2-78% гача боради. Ушбу табиий омилнинг кескин ўзгариши минитехнотизимларда тегишли мослашув тадбирларини олиб боришга чақиради.


35-чизма. ҲФХМни таъминлаш принциплари



36-чизма. ҲФХМни қоидалари ва қонуниятлари



37-чизма. ҲФХМга оид янги фанлар



Эргономика (грек. “ergon” – иш, меңнат ва “nomos” – қонун) – кишиларни машиналардан фойдаланиш орқали меңнат фаолиятини олиб бориши қоидалари ва қонуниятларини тадқиқ қилувчи фан соҳаси, унга оид билим, қўникма ва малакаларни (компетенцияларни) берувчи таълим йўналиши, уни оптималлаштириши йўлларини амалга қўлловчи амалиёт тармоги.

Эргономиканинг мақсади – “инсон-машина” тизимида меңнат шароитини оптималлаштириш. Эргономика инсонларни техника(асосан шахсий компьютер)лардан фойдаланиш ва унинг ишлаш ёки ишлатишнинг хавфсизлик талабларини ишлаб чиқади ва амалга ошириш йўллари, назорати ва бартараф этиш чораларини кўради. У:

- копьютер тугмалари,
- платалари,
- маҳсус қулай мебелларни лойиҳалаштириш,
- компьютерларни жойлаштириш,
- физик нокулайлик
- иш жойида саломатликни таъминлаш

каби жараёнларда кишилар учун комфорт шароитни яратиш, иш самарадорлигини ошириш ва хавфсизлик масалаларни кўриб чиқади.

Инженерлик психологияси – кишиларга ахборот таъсири ва лойиҳалаш техникалари, “инсон-машина” тизимини яратиш ва эксплуатация қилишининг ижтимоий психологик жиҳатларини тадқиқ қилувчи фан соҳаси, унга оид билим, қўникма ва малакаларни (компетенцияларни) берувчи таълим йўналиши, уни оптималлаштириши йўлларини амалга қўлловчи амалиёт тармоги.

Инженерлик психологияси инсонларни ахборотларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни ўрганади. У психик ва психофизиологик қонуниятлардан келиб чиқсан тарзда техник жиҳозлар ва “инсон-машина” тизимини жойлаштириш ҳамда техник операторлар учун хавфсизлик талабларини ишлаб чиқади.

Антрапометрия – инсонларнинг морфометрик кўрсатгичлари асосида унинг бошқарии органларини тўғри жойлаштириши ва иш жойлари ўлчамларини аниқлаш.

Биомеханика – инсонларни ўз жасади орқали машиналарга таъсир қилувчи кучларни ўрганиш. У инсон массасини, машиналардан фойдаланишда самарали ишлатиш йўлларини ишлаб чиқади.

Эргономика, Инженерлик психологияси, Антрометрия, Биомеханика фанлари машиналардан фойдаланиш, жумладан компьютерлар яратиш, ишлаб чиқиш ва самарали ишлатиш каби муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қиласди.

38-чизма. Ўзбекистонда “Хаёт фаолияти хавфсизлиги менежменти” таълими

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги 208-сон қарорига илова “Аҳолини зилзилалар оқибатидага юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишига тайёрлаши КОМПЛЕКС ДАСТУРИ”

Банди	Чора-тадбилар мавзуси	Амалга ошириш муддати	Масъуллар
4	«Хаёт хавфсизлиги», «Соғлиқ ва хаёт хавфсизлиги асослари» ва «Хаёт хавфсизлиги асослари» ўқув курсларини ишлаб чиқиш, уларни республика таълим муассасалари педагог кадрлар малакасини ошириши институтларининг ўқув режсаларига киритиши.	2012 йил сентябрь	ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ЎзР Халқ таълими вазирлиги
12	Вазирлар Маҳкамасига Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг марказий аппаратларида, шунингдек уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларида «Соғлиқ ва хаёт хавфсизлиги асослари», «Хаёт хавфсизлиги асослари» ва «Хаёт хавфсизлиги» курсларини ўқитишини яхшилашни мувофиқлаштириш ва методик ёрдам бериш мақсадида бир нафардан (ҳаммаси бўлиб 30 нафар) мутахассис лавозимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласи бўйича таклифлар киритиши.	2011 йил сентябрь	ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ЎзР Халқ таълими вазирлиги, ЎзР Молия вазирлиги, ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги
22	Республика газета ва журнallарида «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хабар беради», «Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш», «Хаёт хавфсизлиги» ва шу каби рукнлар ташкил этиш.	2011 йил 1 октябрдан	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги


39-чизма. Миллий таълим тизими таркиби

(Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги қонунининг 9-моддаси)



40-чизма. Узлуксиз миллий таълим турлари

(Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги қонунининг 10-17-моддалари)



41-чизма. Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассаси – ҲФХМ обьекти сифатида

Таълим муассаси	Таълим муассасидаги ҲФХМ обьектлари
Академик лицей	<ul style="list-style-type: none"> ● Муассаса худуди ● Ўқув хоналари ● Лаборатория хоналари ● Компьютер хоналари ● Техник хизмат кўрсатиш хоналари ● Ижтимоий хизмат кўрсатиш хоналари ва х.к.
Касб-хунар коллежи	<ul style="list-style-type: none"> ● Муассаса худуди ● Ўқув хоналар ● Компьютер хоналари ● Устахоналар ● Полигонлар ● Техник хизмат кўрсатиш хоналари ● Ижтимоий хизмат кўрсатиш хоналари ва х.к.

Таълим – 1. *Билим берши, малака ва қўниқмалар ҳосил қилиши жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси.* (Таълим ва узлуксиз таълим. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8 –ж.- Т.: ЎзМЭ, 2004. 307-б.).,

2. *Кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш учун унга тегишли тизимлашган билим, қўниқма ва малака (компетенция) берши воситаси.* Зоро, таълим узлуксизлиги тизимлашгандир.

Таълим тизими – кишининг ёши, психологик ҳусусиятлари, имкониятлари ва касбга мойиллигини инобатга олган тарзда уни қисмларга ажратиши ва иерархик погонага жойлаштириши.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қўйидагиларни ўз ичига олади: давлат стандартлариiga мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари; таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар; таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар. Улар ягона ва узлуксиздир.

Узлуксиз таълим – малакали ракобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва

унинг фаолият кўрсатиши муҳити (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 1997 йил 29 август).

Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига биноан миллий узлуксиз таълим тизими қуидаги турлардан иборат: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; мактабдан ташқари таълим; ўрта маҳсус, касб-хунар таълими; олий таълим; олий ўқув юргидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

Мактабгача таълим – болани соглом ва етук, мактабда ўқишига тайёрлаган тарзда шакллантириши мақсадини кўзда тутувчи билим ва кўникма бериши воситаси.

Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим – болага билим, кўникма ва малака (компетенция)ларнинг зарур ҳажмини бериши орқали ўқувчиларни мустақил фикрлаши, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиши, уларни касбга йўналтириши ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлаш воситаси.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим босқичлари қуидагicha: бошланғич таълим (I—IV синфлар); умумий ўрта таълим (I—IX синфлар).

Мактабдан ташқари таълим – болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб – эҳтиёжларни қондириши, уларнинг бўши вақти ва дам олишини ташкил этиши учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техниковий, спорт ва бошқа йўналишиларида тегишили билим, кўникма ва малакаларни бериши (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 1997 йил 29 август)..

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими – ўқувчиларни жадал интеллектуал ривожланиши, чуқур, соҳалашибирорган, табакалашибирорган, касбга йўналирилган билим, кўникма ва малакаларни бериши воситаси (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 1997 йил 29 август).

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишининг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш хукуқига эга. Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч

йил бўлган мажбурий таълим. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш хукукини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўлади.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстириши, уларнинг чукур, табакалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта маҳсус ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чукур ривожлантириши, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

Олий таълим – малакали мутахассисларни бакалавриат ва магистратура даражасида тайёрлайдиган таълим босқичи. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.

Бакалавриат – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал, амалий билим, кўникма ва малакаларни камидан тўрт йил давомида берадиган таянч олий таълим.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал, амалий билим, кўникма ва малакаларни камидан икки йил давомида берадиган, бакалавриат негизидаги олий таълим.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришига, шахснинг ижодий таълим – касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришига қаратилган бакалавриат ва магистратурадан кейинги катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчиликни олиб борувчи босқич. (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 1997 йил 29 август)

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилади. У олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида катта илмий ходим-изланувчи ёки мустақил изланувчи сифатида амалга оширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш:

1. Мутахассисларни касб-билимлари ва кўникмаларни янгилаш ҳамда чуқурлаширишга қаратилган таълим босқичи. (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 1997 йил 29 август).

2. Мутахассисни замон талабига мос равишда касбий билими, кўникмаси ва малакаси (компетенцияси) янгилаш ҳамда чуқурлаширишга қаратилган таълим босқичи

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш 86 та йўналиш ва 225 касб бўйича 42 та муассасаларда олиб борилади. Жумладан, 4 та минтақавий марказ, 10 та тармоқ марказлари, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимидағи кадрларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, 27 та олий таълим муассасаларидағи факультетлар.

42-чизма. ҲФХМ модулининг мақсади ва кутилаётган натижалар



Таълим модули – кишини ўқитиши жараёнида қўлланиладиган мустақил ўқув курси. У тингловчига аввалдан тегишли ўқув курсига оид тарқатма материалларни бериш, белгиланган ўқув соати тугаши билан семестр якунлашини кутиб ўтирумай баҳолашни якунлаш, тез мослашувчан ва алмашувчан таълим воситасидир.

Ўқув курси – фан ва унинг қисмларини ўқув дастурларига мос қилиб ўқитиши даври: ўқув йили, ўқиши даври, семестр.

Ўқув предмети – таълимда фанлардан ажратиб олинган қисмларнинг ўқитилиши.

Билим – кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари, воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2 – ж.- Т.: ЎзМЭ, 2004. 23-б.).

Кўникма – инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириши қобилияти. (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5 –ж.- Т.: ЎзМЭ, 2004. 182-б.).

Малака – муайян касб, ишни яхши ўзлаштириши натижасида орттирилган маҳорат. (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5 – ж.- Т.: ЎзМЭ, 2004. 419-б.).

Компетенция – кўзланган натижаларга эришиши учун билим, кўникма ва малакаларни қўллай олиш қобилиятини намойиш эта олиши.

Инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълими ўқув курсини ўқитишдан мақсад: 1. Киишилик жамиятининг барқарор ривожланишини таъминлай оладиган шахсни тайёрлаш учун уларга инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлигига оид билим берииш, кўникма ва малака (компетенция)ларни ҳосил қилиши.

2. Кенг маънода – маҳаллий ва миллий миқёсда бир маромда барқарор ривожланишини таъминлаш учун ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида инсон фаолияти хавфсизлиги бўйида раҳбар ходимларга билим, кўникма ва малакаларни берииш..


ҲФХ вазифалари – ҲФХ ўқув курсининг мақсадига эришимоқ учун қўйиладиган масалалар. Уларга қуйидагилар киради:

- миллий миқёсда ҲФХ учун таълим концепциясини яратиш орқали давлатнинг тактик ва стратегик режаларини ишлаб чиқиш;
- тизимлашган, яъни оддийдан мураккабга, регионаллик ва ихтисосликка томон йўналтирилган ҳамда иерархик поғонага


жойлаштирилган ДТС, ўқув режалари ва таълим дастурларини яратиш;

- таълим тизимининг барча поғоналарида педагогик тажриба-синовларни олиб бориш;
- мазкур соҳадаги фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;
- маҳсус жиҳозланган полигон, хона, аудитория ва лабораторияларни ташкил этиш ва унда ўқув машғулотларини олиб бориш;
- шу соҳага комплекс ёндаша оладиган кадрлар тайёрлаш, мавжудларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш ва х.к.

43-чизма. ҲФХМ таълими муаммолари



44-чизма. ҲФХМ тарбияси мезонлари



ҲФХМ таълими – кишиларни корпоратив миқёсда бехатар яшиши ва меҳнат қилиши учун унга ҲФХМдан билим, кўникма ва малака (компетенция) бериш воситаси.

ҲФХМ тарбияси – кишини корпроартив миқёсда бехатар яшиши ва меҳнат қилишини таъминлаш нақадар муҳим масала эканлигини англаган ҳолда фаолият юритишини таъминлаш.

ҲФХМнинг асосий вазифаларидан бири “мазкур йўналишдаги узлуксиз анъанавий ва ноанъанавий таълим тизимини яратиш”dir. Унда ҲФХМни таъминлашга қодир кадрлар тайёрлаш, раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Зеро тез ўзгарувчан замон талаблари мазкур муаммонинг ўз-ўзидан ечимини топади, дейиш хатодир.

45-чизма. Таълим муассасаларида ҲФХМни таъминлаш талаблари

ҲФХМ талаблари

Минитехнотизимларнинг хавфсизлик даражаси ва таваккалчилик ҳолати кадастрини юритиш

Минитехнотизимларнинг хавфсизлик ҳолатини мониторингини олиб бориш

Хавфсизликни таъминлашдаги жавобгарликнинг муқарралигини таъминлаш

Минитехнотизимлар ҳолатини сон ва сифат жиҳатдан баҳолаб бориш

Корпоратив фаолият минитехнотизимларга таъсир этишини экспертизадан ўтказиб бориш

Илм-таълим ва амалиёт бирлигини таъминлаш

Минитехнотизимларнинг хавфсизлигини доимий назоратда ушлаб туриш

Тегишли йўналишдаги ижобий ҳаракатларни рағбатлантиришни домий равища олиб бориш

ҲФХМ давлат бошқаруви – фуқароларни бехатар яшаши даражасини таъминловчи давлат органлари ваколатлари, функциялари ва уни амалга ошириши йўллари тизими.

Ўзбекистонда ҲФХ бошқаруви: 1. Кенг маънода – давлат ҳокимияти, органлари, бирлашмалари, ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг бехатар яшаши даражасини таъминлашдаги ваколатлари, функциялари ва методлари тизими.

2. Тор маънода – ҲФХ миллий бошқаруви – фуқароларни бехатар яшаши даражасини таъминлашга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситаси.

Давлатнинг ҲФХ бошқаруви — ўз ваколат доирасида давлат бошлиги, ҳокимияти, ижро этувчи давлат органлари ва уларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги муносабатларини тартибга солишдаги фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси худудида ҲФХ таъминлаш – давлатнинг марказий органларининг тегишили бошқаруви.

Муайян маъмурий-худудий бирликларда ҲФХ таъминлаш – умумий қўринишдаги маҳаллий ҲФХ бошқаруви.

Давлатнинг маҳсус ҲФХ бошқаруви – давлатнинг ихтисослаштирилган органларини ҲФХни таъминлашдаги ваколатлари, функциялари ва амалга ошириши усуллари тизими.

Жамоат бошқаруви – шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йигини (вакиллар йигилиши) ўз хавфсизлик манфаатларидан, урф-одат қоидаларидан ва бехатар яшаидан келиб чиқсан шҳолда, ваколат доирасида мустақил фаолият юртиши.


Нодавлат нотижорат ташкилотларида ҲФХМ – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) келишини ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқарши ташкилотининг инсонларни бехатар яшаши даражасини таъминлашдаги ваколатлари, функциялари ва уни амалга ошириши усуллари тизими.

ҲФХ ни бошқаришнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:


- Объект ҳолатининг таҳлили ва баҳоси.
- Объект ҳолатининг таҳлили ва ҳисоботи.

3. Бошқаришнинг тадбирлари.
4. Бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимларни ташкил қилиш.
5. Бошқаришнинг ташкилий ишларини назорат қилиш ва текшириш тизимини яратиш.
6. Тадбирларнинг таъсир қилишини, фойдасини аниқлаш.
7. Рағбатлантириш.


46-чизма. Халқаро миқёсда ҲФХМга доир принциплар



47-чизма. Халқаро ҲФХМ йўналишлари



48-чизма. ҲФХМ таъминлаш механизми



ҲФХМ халқаро бошқаруви – инсониятни Ер планетасида бехатар ва давлатларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи корпоратив муносабат субъектларига қўйилган халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ва муносабатлари тизими.

Ўзбекистоннинг ҲФХМ оид сиёсати — давлатнинг фуқароларни бехатар яшашини таъминлашга доир олиб бораётган ички ва ташқи фаолият мажмуи ва натижалари.

ҲФХМ принциплари — корпоратив миқёсда инсонларни бехатар яшаши ва меҳнат қилишиларини таъминлашнинг йўналтирувчи қоидалари.

Халқаро миқёсда ҲФХМ таъминлаш — минитехнотизимлар фаолият даражасини барча инсоният учун етарли даражада ушлаб турувчи халқаро муносабатлар қоидаларини глобал ва регионал миқёсда амалга ошириш.

Минитехнотизимларни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш манбалари — корпоратив миқёсда ҲФХМни инсонларни яшаши ҳуқуқини таъминлайдиган бутун дунё ҳамжамияти субъектларининг хоҳии ва иродалари акс этган халқаро ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тизими.

Халқаро универсал ташкилот — фаолият доирасига кўра комплекс, жумладан ҲФХМ хавфсизлик масалаларини глобал миқёсда хал этувчи халқаро ташкилот.

Халқаро регионал ташкилот — фаолият доирасига кўра комплекс, жумладан ҲФХМ хавфсизлик масалаларини минтақавий миқёсда хал этувчи халқаро ташкилот.

Халқаро иқтисодий жавобгарлик — технотизимларга етказилган зарарни қоплаш учун халқаро муносабат субъектларини халқаро жамгармаларга туширадиган бадал тўловлари.

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик — технотизимлардан фойдаланиши натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш юзасидан халқаро ҳуқуқ субъектларига қўлланиладиган ноқулай моддий ёки сиёсий шароитларнинг мажбурий кечинмаси.

49-чизма. Турли шаклдаги иш жойларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари



50-чизма. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ҲФХМни лойиҳалаш тизими

T/р	Лойиҳалаш ишлари	Олиб бориладиган тадбирлар
1	Техносферанинг хавфсизлик кўрсатгичларини ажратиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ иш буюмлари ➤ ускуналар ➤ иморатлар ➤ иншоотлар ➤ қувватлар ➤ маҳсулотлар ➤ технологик жараёнлар ➤ иқлим кўрсатгичлари ➤ флора-фауналар ➤ ишчилар ➤ иш жойлари ва х.к.
2	Хавфсизлик кўрсатгичларини идентификациялаш	Ажратилган кўрсатгичларнинг хавфлар руйхатини тузиш
3	ҲФХ омилларини аниқлаш ва хавфлар шажарасини тузиш	Хавфлийк сабабларини аниқлаш ва уларни тизимлаштириш
4	Хавфларнинг сон ва сифат жиҳатдан баҳолаш	Хавфсизликни таъминлаш лозим бўлган обьектларнинг рўйхати ва даражалари
5	ҲФХ мақсадини аниқлаш	Хавфсизлик даражаларини белгилаш

6	Хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича объектларни умумий баҳолаш	Интеграл(сон) баҳолаш ёки балл (сифат) кўрсаткичларининг умумий баҳоси
7	Асослаш, методларини белгилаш ва хавфсизлик воситалари	Хавфсизликни асослаш, уларни таъминлаш методларини белгилаш ва алтернатив йўлларини режалаштириш
8	Алтернатив йўлларнинг авзаллиги ва камчиликлари, салбий ва ижобий томонларни таҳлил қилиш	Хавфсизликнинг оптимал турларини танлаш
9	Қабул қилиниши мумкин бўлган асос, метод ва воситаларни таҳлил қилиш	Оптималлаштириш чораларини танлаб олиш
10	Иқтисодий таҳлил	Моддий ва молиявий имкониятларни чамалаш
11	Оптималлаштириш	Чора-тадбирларни техник, технологик, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини белгилаш

51-чизма. Минитехнотизимларда хотин-қизлар ва ўсмирлар меҳнат фаолияти хавфсизлиги

T/р	Хотин-қизлар	Ўсмирлар	Изоҳ
1.	3 ёшга тўлмаган болалари бор бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади. Лекин, уларга бошқа тоифадаги ишчиларга тўланадиган миқдордан кам бўлмаган иш ҳақи тўланиши белгилаб қўйилган.	Ўсмирларни иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунлари ишларга жалб этиш мумкин эмас (245-модда). 16-18 ёшдаги ўсмирлар учун ташийдиган юкнинг оғирлиги ўғил болалар учун 13 кг, қизлар учун 7 кг дан ортиқ бўлмаслиги керак. Ўсмирлар учун узлуксиз ташийдиган ва силжитадиган юкнинг оғирлиги 4,1 кг дан кўп бўлмаслиги лозим, 14-15 ёшдаги ўсмирлар учун эса меъёр 2 марта гача камайтирилади.	1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги қонунининг 228 ¹ -моддасида, Меҳнат кодексининг 241-моддасида кўрсатилган талабларга риоя этилган ҳолда бажарилади
2.	Аёллар туққунга қадар 70 календар кун ва туққанидан кейин 56	16 ёшдан 18 ёшгacha бўлган ўсмирлар учун бир иш ҳафтасидаги иш	Меҳнат кодексининг

	календар кун (туғишиң күйин кечган ёки иккіншінен ундан ортиқ бола туғилған ҳолларда етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сұғартаси бүйічі нафақа тұланади.	соати 36 соат, 15-16 ёшда әса 24 соаттағача қисқартылады. Үқув иили мобайнида ишлайдиган ўқувчилар учун, 14 дан 16 ёшгача бүлгелерге 2 соат, 16 дан 18 ёшгача бүлгелерге 3 соат иш соати белгіланған	242-моддасыда күрсатылған талабларға риоя этилған ҳолда бажарылады
3.	Ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга түлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розили-гисиз хизмат сафарларига юбориши мүмкін эмес ва ҳ.к.	18 ёшга түлмаган шахсларни оғир, зарарли ва хавфли мәхнат шароитларыда ишлатыши мүмкін эмес ва ҳ.к.	

Иш жойи – 1. мәхнат фаолиятини юритувчи ёки юритувчиларнинг ҳаракат қилиши зонаси.

2. Субъекттің мәхнат фаолиятини олиб боруш зонаси.

Лойиха – 1. Бирор инициативаның буюмни яратышын түзилген ҳужжаттар (хисоб-китоб ва чизмалар) мажмусасы.

2. Бирон бир ҳужжаттың аввалдан түзилген, лекин тасдиқланмаган матни.

3. Муайян бир ишни аввалдан түзилген бажарыш режаси.

Күрсатгич – маълум бир ҳолат, ҳаракат, жараён, ҳодиса, фаолият тури мезонлари.

Даража – муайян бир ҳолат, ҳаракат, жараён, ҳодиса ва фаолият туринің белгіланған күрсатгичларини сонда сифат жиһатдан баҳолашынан таснифлаш (классификациялаш).

Оптималлаштириш – муайян бир ҳолат, ҳаракат, жараён, ҳодиса ва фаолият туринің даражасынің (хавфсизлик, үнүмдорлик, ҳосилдорлик...) әңгамдарали ва мақбул методини танлаб олиши ҳамда тадбиқ этиши.

Альтернатива – мүмкін бүлгін иккіншінен ундан ортиқ қарор, үйлесім, метод, концепция, режа, дастур кабиларнің мүқобил варианти.

Шажара – муайян бир күрсатгичларнің көлиб чиқиши ва алоқадорлик қонуниятлари.

Идентификация – 1. Ҳолат, вазият, жараён, ҳодиса ва фаолият кўрсатгичларини таҳлил қилиш орқали энг муқобилларини танлаб олиш.


2. Умумий ва ҳусусий белгиларга қараб объект ёки шахснинг айнанигини аниқлаши.

Технология – 1. Маҳсулотлар ишлаб чиқариши жараёнида хомашё, материал ёки яримфабрикатга ишлов бериш, тайёрлаш ва уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартириши методлари мажмуи, тўғрироғи тизими.

2. Таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиши, бошқарии, тегишли фаолиятни олиб бориши методлари тизими.

Ишлаб чиқариш санитарияси – ишловчиларга ишлаб чиқаришидаги зарарли омилларнинг таъсир этишининг олдини олувчи ташкилий, гигиеник, санитар, техник тадбирлар ҳамда воситалар тизими.

52-чизма. Санитария назоратини амалга оширувчи давлат идоралари



53-чизма. Санитария назорати ва текширувини амалга оширувчи давлат идоралари ва муассасаларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош ва маҳаллий давлат санитария врачларининг ваколатлари

(“Давлат санитария назорати тўғрисида”ги ЎзРес Қонуни, 25-26-моддалар)

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари

- ❖ давлат санитария эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қиласи, давлат санитария назоратини амалга оширишнинг асосий вазифаларини ва устувор йўналишларини белгилайди;
- ❖ санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди;
- ❖ атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир Республика норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва нашр этади;
- ❖ авария вазиятларини йўқотиш чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш юзасидан мувакқат санитария нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
- ❖ вилоятлар ва Тошкент шаҳри, бош давлат санитария врачларини тайинлайди;
- ❖ санитария-эпидемиология хизмати муассасаси раҳбарларининг хатти-харакатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади;
- ❖ одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган яшаш ва хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган худудларни белгилайди;
- ❖ худудларни карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- ❖ санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган Республика ва маҳаллий эпидемияга қарши жамғармалардан ва моддий-техникавий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиётганини назорат қиласи.

Вилоят ва Тошкент шаҳри бош давлат санитария врачларининг ваколатлари


- ❖ ўз бўйсунувидағи санитария-эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қиладилар;
- ❖ ҳалқ хўжалиги объектларини куриш ва кайта куриш лойиҳалари юзасидан хулосалар берадилар;
- ❖ санитария эпидемия жиҳатидан хотиржамлик масалалари бўйича ЎзР қонунлари, Президент фармонлари, Президент хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг қарорлари асосида ва уларни бажариш юзасидан ҳужжатлар чиқарадилар;
- ❖ одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги хавфли бўлган, аҳолининг яшashi ва хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган худудларни белгилайдилар;
- ❖ вилоят ва шаҳар худудларига карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини амалга оширадилар;
- ❖ авария вазиятларини йўқотиш чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказадилар;
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг Бош санитария врачи билан келишган ҳолда шаҳарлар ва ноҳияларнинг бош давлат санитария врачларини тайинлайдилар.

54-чизма. Ўқув ва меҳнат фаолиятини олиб бориш хоналарида микроиқлим кўрсатгичлари

$$B = \frac{A}{M} \cdot 100\% , \frac{\Gamma}{m^3} \text{ ёки } \left(\frac{kg}{m^3} \right)$$


A – абсолют намлик, M – максимал намлик.

55-чизма. Намликни ўлчаш асбоблари ва ускуналари



а, б – Августъ психрометри. в – Асманннинг аспирацион психрометри. г – Гигрограф М-32

56-чизма. Ҳаво ҳаракат тезлигини ўлчовчи асбоблар



а – Парракли анимометрлар, б – Косачали анимометрлар.

57-чизма. Ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойлардаги ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракат тезлигининг энг қулай миқдорлари (ГОСТ 12.1.005-88 МХСМ)

<i>Йил даврлари</i>	<i>Иш тоифалари</i>	<i>Ҳаво</i>		
		<i>ҳарорати, °C</i>	<i>нисбий намлиги, %</i>	<i>ҳаракат тезлиги, м/с</i>
Совуқ давр	Енгил - I	20-23	60-30	0,2
	Ўртacha оғирликдаги II-а	18-20	60-40	0,2
	Ўртacha оғирликдаги II-б	17-19	60-40	0,3
	Оғир - III	16-18	60-40	0,3
Илиқ давр	Енгил – I	20-25	60-40	0,2
	Ўртacha оғирликдаги II-а	21-23	60-40	0,3
	Ўртacha оғирликдаги II-б	21-25	60-40	0,4
	Оғир – III	18-21	60-40	0,5
Иссик давр	Енгил – I	20-30	60-40	0,3
	Ўртacha оғирликдаги II-а	21-25	60-40	0,4-0,5
	Ўртacha оғирликдаги II-б	21-25	60-40	0,5-0,7
	Оғир - III	21-25	60-40	0,5-1,0

58-чизма. Йилнинг совуқ ва илиқ даврида ишлаб чиқариш хоналарининг ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракати тезлигининг йўл қўйиладиган миқдори

<i>Иш тоифалари</i>	<i>Ҳаво</i>			
	<i>Ҳарорати, °C</i>	<i>Нисбий намлиги %</i>	<i>Ҳаракат тезлиги м/с</i>	<i>Ташқаридағи ҳаво ҳарорати °C</i>
Енгил - I	19-25	75	0.2	15-30
Ўртacha оғирликдаги II- а	17-23	75	0.2	15-30
Ўртacha оғирликдаги II-б	15-21	75	0.2	15-30
Оғир – III	13-19	75	0.2	15-30

Микроиклим – ҳавоси ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракати тезлиги каби қўрсатгичларни мужассамлаштирувчи ўқув ва меҳнат фаолиятини олиб борувчи хоналардги иқлим. Хоналардаги иқлим кўрсатгичлари: ҳаво ҳароратини Цельцийда – термометр ёки термограф ёрдамида, нисбий намликни фоиз ҳисобида – гигрограф, гигрометр ёки псиromетрлар ёрдамида, ҳаво ҳаракати м/сек. – тезлиги эса анемометрлар орқали ўлчанади. Масалан, хоналарда ҳаво ҳаракати 0,2–1,5 м/сек. ошмаслиги гигиеник хавфсизлик талабларига мос келади. Таълим самараси ёки меҳнат самарадорлиги иссиқлик нурлари тезлиги, ҳаво намлиги ва атмосфера босими орқали оптималлаштирилади.

Инсон меҳнат фаолияти энергия сарфига кўра 3 турга ажратилади: 1-категория 173 Вт гача (енгил ишлар), 2-категория (ўртacha тоифадаги ишлар) 174-293 Вт, 3-категория (оғир ишлар) 293 Вт дан юқори.

Абсолют намлик – муайян ҳажмдаги атмосфера ҳавосида сув парлари массаси. У хона ҳароратига боғлиқ эмас.

Максимал намлик – муайян ҳарорат-температурада хонада максимал даражадаги ҳаво парлари .

Термогуляция – бу инсон аъзоларининг физиологик ва кимёвий жараёнлар таъсирида тана ҳароратининг бир хил даражада ($36\text{--}37^{\circ}\text{C}$) сақлаб туриши қобилияти.

Енгил жисмоний ишлар (I категория) – ўтириб, тик туриб ёки юриши билан боғлиқ ҳолда бажариладиган, бироқ мунтазам жисмоний, зўриқиши ёки юкларни кўтаришини талаб қилмайдиган ишлар, энергия сарфи соатига 150 ккал ни ташкил этади. Бунга тикувчилик корхонаси, аниқ асбобсозлик ва шу каби корхоналар киради.

Ўртacha оғирликдаги жисмоний ишлар (II категория) – соатига 151-250 ккал энергия сарфланадиган фаолият турлари. Бунга доимий юриш ва оғир бўлмаган (10 кг гача) юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган ишлар киради. Масалан, йигирувтўқиши ишлари, механик-йиғув, пайвандлаш цехларидаги ишлар шулар жумласидандир.


Оғир жисмоний ишлар (III категория) – мунтазам жисмоний зўриқиши, хусусан оғир юкларни (10 кг дан ортиқ) муттасил бир жойдан иккинчи жойга кўчириши ва кўтариши билан боғлиқ ишлар. Бунда энергия сарфи соатига 251 ккал дан

юқори бўлади. Бундай ишлар темирчилик, қуюв ва бошқа қатор цехларда бажарилади.


Заарли моддаларнинг иш ўрнидаги рухсат этилган миқдори (концентрацияси) деганда шу нарса тушиниладики ҳар куни 8 соат иш давомида ёки бошқача иш тартибида, лекин хафтасига 40 соатдан ошмайдиган иш куни билан таъминланганда бутун иш муддати давомида, ҳозирги замон текшириш методлари билан аниқланганда ҳозирги ва келгуси авлодлар соғлигига путур етказувчи заарли моддалар таъсир қилмайдиган миқдори тушунилади. Заарли моддаларнинг иш ўрнида ҳаводаги рухсат этилган миқдорлари (концентрациялари) ва хавфлилик синфлари маҳсус давлат стандартларига келтирилган (ГОСТ 12.1.005-88 МХСМ).

Давлат стандартлари талабларига кўра рухсат этилган ғалла чангининг миқдори (концентрацияси) $4 \text{ мг}/\text{м}^3$, ун чангининг миқдори - $6 \text{ мг}/\text{м}^2$, аммиак $-20 \text{ мг}/\text{м}^3$, марганец $-0,3 \text{ мг}/\text{м}^3$, кремний II оксиди $-4 \text{ мг}/\text{м}^3$ ва хоказолар.

59-чизма. Хоналарни ёруғлик билан таъминлаш турлари



60-чизма. Ўқув хоналарини сунъий ёруғлик билан таъминлаш турлари



Ёруғлик – атроф оламни кўриши учун Күёш ва сунъий манбаларнинг ёруғлик энергиясидан фойдаланиши. Ўқиши ва меҳнат шароитини ёритишида одатда уч турдаги ёритиш усулларидан фойдаланилади: табиий, сунъий, аралаш.

Табиий ёруғлик билан таъминлаш – Күёшнинг ёруғлик энергияси билан оптимал даражада инсон фаолият юритиши жойларини ёритиши.

Сунъий ёруғлик билан таъминлаш – сунъий манбаларнинг ёруғлик энергияси билан оптимал даражада инсон фаолият юритиши жойларини ёритиши.

Аралаш ёруғлик билан таъминлаш – Күёш ва сунъий манбаларнинг ёруғлик энергияси билан оптимал даражада инсон фаолият юритиши жойларини ёритиши

61-чизма. Ўқув ва меҳнат фаолиятини олиб бориш хоналарида шовқин кўрсатгичлари


Газ муҳити учун товушнинг тарқалиш тезлиги қўйидаги формула орқали аниқданади:

$$c_r = \sqrt{H\rho_{cm} / \rho} \text{ м/с}$$

Бу ерда:

H- адиабата кўрсатгичи бўлиб ҳаво учун $H=1,41$; ρ_{cm} ва ρ газнинг босими ва зичлиги Па ва г/см³ ларда.

62-чизма. Шовқин ўлчагич ИШВ-1 нинг соддалаштирилган чизмаси ва умумий кўриниши



Шовқин – ҳаво муҳитининг ҳар хил тақрорланма (частота) кучга эга бўлган товушларни ҳосил қиласидиган тебранма ҳаракати. Кучли ва узоқ давом этадиган шовқин, соғликга салбий таъсир қўрсатади. Натижада киши умумий толиқади, дикқат эътибори пасаяди, руҳий ҳис қилиши секинлашади ва ҷарчанини ошириб, иш қобилиятини ҳамда хавфларга нисбатан эътиборини пасайтирибгина қолмай, юрак-томир тизими ва овқат ҳазм қилиш аъзоларининг фаолиятига таъсир қилиб, касб касаллиги ҳамда асад бузилишининг аста-секин ривожланишига олиб келади. Масалан, озиқ-овқат саноати корхоналаридағи шовқин ҳосил бўлиш сабабларига кўра механик, аэрогазогидродинамик ва электромагнит шовқин турларига ажратилади. Нормал шароит учун товушнинг тарқалиш тезлиги - $C=344 \text{ м/с}$ ($t=200^\circ\text{C}$; $P=101330 \text{ Па}$).


Механик титраш – машина ва унинг қисмларини катта тақрорланма ва кичик амплитуда билан тебранини.

Механик шовқинлар – машина ва унинг қисмларини ҳаракатланишидан, ташиладиган маҳсулотлардан, ишланадиган деталлар ва транспорт воситаларидан чиқадиган (занжирли ва тасмали узатмалар, кесии натижасида ва ҳоказо) тебранма ҳаракати.


Аэргазогидродинамик шовқинлар – газлар ва суюқликларни қувурлар орқали ҳаракатланиши, шамоллатгичлар, насос, ичдан ёниш, юргизгичларни ишилаши натижасида ҳосил бўладиган тебранма ҳаракатлар.

Электромагнит шовқинлар – ўзгарувчан токда ишлайдиган электр машиналари ва трансформаторларда ҳосил бўладиган тебранма ҳаракатлар.

63-чизма. Маҳаллий электр токи жароҳати кўринишлари



64-чизма. Электр токининг уриш даражалари



65-чизма. Ўқув ва меҳнат фаолиятини олиб боришда ток кучини қийматига кўра инсонга таъсир этиш даражалари

Ток кучи, мА	Ўзгарувчан ток (50 Гц)	Ўзгармас ток
0,6-1,5	Ток таъсири сезилади, бармоқ учлари секин қимирлади	Сезилмайди
2-3	Бармоқ учлари тез-тез титрайди	Сезилмайди
7	Кўл бўғинлари шол бўлади	Қўлнинг қизиши сезилади
8-10	Кўлни ток манбаидан олиш қийинлашади, бармоқ ва бўғинларда қаттиқ оғриқ сезилади	Қизиш орта боради
10-15	Кўл бўйлаб кучли оғриқ сезилади. Кўп ҳолларда кўлни ток манбаидан олиб бўлмайди	Қизиш янада кўпроқ орта боради
15-20	Кўл шол бўлади, ток манбаидан кўлни олиш иложи бўлмайди, тўқималар ўта қизийди. Нафас олиш қийинлашади. Оғриқ кучаяди.	Организм ўта қизийди ва тўқималар бир оз
25-50	Кўл ва кўкракда кучли оғриқ пайдо бўлади. Кўлда қаттиқ оғриқ сезилади. Нафас олиш оғирлашади, токни кўп ўтиши натижасида нафас олиш йўлларини шол эҳтимоли бор	Кўлда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади
50-80	Нафас олиш тўхтайди ва юракнинг фибрилляцияси бошланади.	Кўл тўқималари қисқаради ва нафас олиш оғирлашади
90-100	Нафас олиш тўхтайди ва уч сониядан ортиқ ток ўтганда юрак тўхтайди.	Нафас олиш тўхтайди.
100 ортиқ	Терининг қўйиш жараёни бошланади	Одам қурбон бўлади

Маҳаллий электрожароҳатлар – организмларда яққол кўриниб турадиган маҳаллий тўқималарнинг бузилиши. Аксарият ҳолларда улар тери қаватининг жароҳати, айрим ҳолларда эса юмшоқ тўқималар, томирлар ва суякларда намоён бўлади.

Электр токидан куйиш – электр токининг кириши, чиқиши ва ҳаракат йўлидаги инсоннинг ток ўтказувчи қисми билан алоқаси натижасида юзага келадиган тўқималарининг жароҳатланиши.

Электр токидан жароҳатланиш белгилари – электр токи таъсирида инсон терисининг юза қисмida кулранг ёки оч сарик рангдаги аниқ чегараланган доғларнинг ҳосил бўлиши. У мазкур жароҳатланган кишиларнинг тахминан 20 фоизида учрайди.

Терининг металлашиши – терига электр ёйи таъсирида металлнинг устки қатламидаги зарраларни эриган қисмининг сингиши.

Электроофтальмия – кучли ультрабинафша нурлари оқими таъсирида организмлар ҳужайраларида кўзнинг устки қобиғини кимёвий ўзгаришини келтириб чиқарувчи яллиғланиши.

Механик шикастланиш – инсон танасидан ўтаётдан электр токи таъсирида мушакларнинг кескин, беихтиёр, титраб қисқарииши.

Электр токининг уриши – электр токини организмдан ўтиши натижасида мушакларни қисқаршиига олиб келувчи тўқималар ҳаракати.


Электр токидан куйишда биринчи ёрдам кўрсатиш – инсонни электр токи уриши натижасида инсонларни куйиши, титраши, ҳушидан кетиши каби ҳолатларда уларга кўрсатиладиган биринчи ёрдам. Улар қуидагилардан иборат:

- ✓ ёрдам кўрсатиш қоидаларига амал қилиш;
- ✓ электр манбаларини узиб қўйиш ва жабрланган инсонга яқинлашмаслик;
- ✓ ҳодиса содир бўлган жойда электр узатиш линияси ва симлари ётган тақдирда ўт ўчириш командаси ёки электриклар бригадаси кутиш;
- ✓ усти очик сим автомобиль корпусида ётган бўлса, машинадаги инсонларга жойларида қолишни талаб қилиш;
- ✓ жабрланувчини дастлаб кўздан кечиришда унинг нафас олишининг бузилиши ёки юракнинг тўсатдан тўхташи белгиларини дикқат билан кузатиш;
- ✓ жабрланувчини иккиласми кўздан кечиришда инсон жароҳатларини аниқлаш ва жароҳатларга стерилланган боғлам қўйиш;
- ✓ яшин уришидан жабрланган инсонда куйиш ташқари суюкларни синиши кузатилганда уларни жойидан қимирлатмаслик ва х.к.

66-чизма. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари

Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари			
Ижтимоий	Технологик	Табиий	ва бошқалар
Инсон олов ва енгил ёнувчи буюмлардан фойдаланганда	Машина ва ускуналарни носозлиги, ишдан чиқиши, материал ва моддаларнинг қайта ишлаш технологиялар такомиллаштирилмаганида	Табиий тусдаги фавқулотда вазиятларда	Таълим, тарбия ва турли синов ишларини олиб бориш кабиларда

67-чизма. Ёнғиннинг хавфли омиллари




68-чизма. Ёнғинни ўчириш методлари ва воситалари



69-чизма. ОВП-10 русумидаги кимёвий-кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаси



70-чизма. Ёнғин доскаси ва жиҳозларнинг жойланиши



Ёнгин — одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соглигига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш.

Чақнаш — ёнувчи модда буги билан ҳаво ёки кислород аралашмасининг аланга, электр учкуни ёки қизиган нарсаларга унинг тегиши натижасида юзага келадиган бир лаҳзали ҳолат.

Портлаш — модданинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга жадал суръатда ўтиши бўлиб, ундан кўп миқдорда энергия чиқади ва сиқилган газлар ҳосил бўлади. Портлаш натижасида сиқилган газлар турли шаклдаги вайронагарчилкларга олиб келади.

Ўз-ўзидан алангаланиш — моддани маълум бир ҳароратгача қизиши натижасида билвосита аланганинг содир бўлиши ҳолати. Ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати модданинг ёниш хавфининг белгиловчи муҳим қўрсаткичидир.

Ёнгин назорати — ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилинини текшириш ва текширув натижалари бўйича чоратадбирлар кўриши тизими.

Ёнгинлар профилактикаси — ёнгинлар келиб чиқиши эҳтимолини истисно этишига ва уларнинг оқибатларини камайтишига қаратилган огоҳлантириш чора-тадбирлар тизими.

Ёнгиндан сақлаш хизмати — инсон ҳаёти ва соглиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, атроф табиий муҳитни ёнгинлардан ҳимоя қилиши ҳамда турли обьектлар, аҳоли пунктлари ва ҳудудларда ёнгин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриши мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи.

Ёнгин хавфсизлиги — инсон, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ёнгиндан ҳимояланганлик ҳолати.

Ёнгин хавфсизлиги талаблари — ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва (ёки) техник хусусиятга эга бўлган маҳсус шартлар.

Ёнгин хавфсизлиги талабларининг бузилиши — ёнгин хавфсизлиги талабларини етарли даражада бажармаслик.

Ёнгиннинг хавфли омиллари – инсонларни ҳалок бўлиши, заҳарланиши, жароҳатланиши ва моддий талофат келтирувчи ёнгин кучлар.

Ёнгин-техник маҳсулоти — ёнгин хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган маҳсус техник, илмий-техник ва интеллектуал каби маҳсулотлар.

Ёнгинга қарши режим — ёнгин хавфсизлиги талаблари бузилишининг олди олинини ва ёнгинлар ўчирилишини таъминлаш юзасидан кишиларнинг хатти-ҳаракат қоидалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиши ва (ёки) биноларни (ҳудудларни) сақлаш тартиби.

Ёнгинга қарши алоҳида режим — ёнгин хавфи юқори бўлган даврда муайян ҳудудларда қонун ҳужжатларига мувофиқ ёнгин хавфсизлигининг қўшимча талабларини белгилаш тартиби.

71-чизма. Ҳаракат хавфсизлиги



72-чизма. Пиёдалар учун ҳаракат хавфсизлиги



Ҳаракат таркиби – транспорт оқимида турли транспорт воситаларининг нисбатини белгиловчи кўрсаткич. Бу кўрсаткич фоизда ёки улушда ўлчанади ва транспорт оқимининг тезлигига ва зичлигига катта таъсир кўрсатади.

Ҳаракат оқимининг тезлиги – йўл бўлаклари бўйича турли транспорт воситаларининг тезлигини алоҳида ва умумий ҳаракатланиши тезлигини белгиловчи кўрсаткич. У м/с ёки км/соат ўлчов бирлигida берилади.

Транспорт оқимининг зичлиги – бир километр узунликдаги йўлнинг муайян ҳаракатолосасидаги транспорт воситалари сони. У км/дона ўлчов бирлигida берилади. Мазкур кўрсаткич ҳаракат таркиби, унинг тезлиги ва йўл шароитига қараб ўзгаради. Енгил автомобиллардан иборат максимал транспорт оқимининг

зичлиги $q_{max} = 200$ авт/км, бунда $V=0$ км/соат. Транспорт оқимининг оптималь зичлиги $q_{opt}=15\text{-}25$ авт/км.


Транспорт ҳаракатининг ушланиши (пробка) – муайян йўл участкасида транспорт ҳаракатининг ўрнатилган тезликка нисбатан пасайиши.

Пиёдаларнинг ҳаракат микдори – маълум йўл кесимида муайян вақт бирлигига ўтган пиёдалар сони. У пиёда/соат ёки пиёда/сутка ўлчов бирлигига белгиланади.

Пиёдалар ҳаракат тезлиги – пиёдаларнинг ёши, психологик ҳолати, ҳаракатланиши мақсади, қатнов зичлиги кабиларга боғлиқ инсонларнинг ҳаракат қилиш тезлиги. У ўртача $1,8\text{-}5,7$ км/соат тезликни ташкил этади.

Пиёдалар оқимининг зичлиги – пиёдалар сонини ҳаракатланиши йўлакчасининг $1m^2$ майдонига тўғри келадиган нисбат. Пиёдалар оқимининг зичлиги тротуарнинг энига ва пиёдаларнинг ҳаракат микдорига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, уларнинг нисбати пиёдаларнинг ҳаракатланиш қулайлигини белгилайди. Масалан, Вилнюс шахри марказий проспектидаги пиёдалар зичлиги $0,6\div1,2$ пиёда/ km^2 ташкил этади, катта шаҳарларда эса бу қўрсаткич $3\div4$ пиёда/ m^2 . Санкт-Петербургдаги Невский шоҳ кўчасида пиёдалар ҳаракат микдори 20.000 пиёда/соат.


73-чизма. Шошилинч биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизими




Дисмургия – боғламлар ҳар хил жарохатларда ва касалликларда уларни түгри ишилатиши, бойлаши түгрисидаги таълимот.

Терминал ҳолат – бу ҳаёт билан ўлим орасидаги чегара.


74-чизма. Туризм турлари



75-чизма. Туризмдаги баҳтсиз ҳодисаларнинг кўринишлари



76-чизма. Саёхат хавфсизлигини таъминлашда арқондан фойдаланиш усуллари



а-арқонни дарахтларга мустаҳкамлаш усуллари; б-арқондан фойдаланиш усуллари; в-арқонни танага боғлаш усуллари; г-тоғли жойларда арқонда осилиб ўтиш; д-арқонни боғлаш усуллари; е-чукур сувдан ўтиш усули

Сайр қилиш – кенг, оммага қулай бўлган пиёда, чангида, велосипед, қайиқ ва бошқа воситалар ёрдамида юриб соглиқни яхшилаш, организмни чиниқтириши мақсадида уюштириладиган қисқа муддатли оммабон туризм шаклидир.

Экскурсия – жамоа бўлиб бирор обьектга (музей, стадион, ўрмон ва ҳоказо) илмий қидирув ёки ўқув мақсадида, умумий маданий дам олиши учун ўтказилалиадиган тадбирлар ҳисобланади.

Походлар – ташкилий равишда гуруҳ бўлиб пиёда, велосипед, чанги, қайиқ ва шу каби воситалар ёрдамида жисмоний чиниқиши, ўлкани ўрганиши, ижтимоий-фойдали меҳнат қилиши мақсадида уюштирилади.

Экспедиция – туристик саёҳат бўлиб, у бирон обьектни (географик, геологик, ўлкашунослик, тарихий ва бошқалар) ўрганиши мақсадида уюштирилади.

Хаваскорлик саёҳатлари – жисмоний маданият жамоалари кенгашилари, спорт клублари, туристлар клуби, маданият клублари, туристлар оромгоҳлари, базалари, болалар туристик станциялари, мактаблар, ўқувчилар уйлари ва алоҳида туристлар гуруҳлари томонидан уюштирилади.

Туристик жамоа – саёҳатчиларнинг бошлангич ташкилоти ёки уюшимаси тушунилади. Яъни таълим муассасалари ва ишлаб чиқарии корхоналарининг таркибида жамоатчилик асосида мазкур жамоа тузилади.

Саёҳатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш – инсонни саёҳат вақтида жароҳатланиши, шикастланиши, суякларни синиши ёки дарс кетиши каби ҳолатларда уларга кўрсатилалиадиган биринчи ёрдам. Улар қўйидагилардан иборат:

✓ енгил яраларни артиб-тозалаб (спирт ёки одекалон) боғлаш.

✓ қон томирларидан қоннинг отилиб ёки тўхтовсиз оқиб турган жойнинг юқори қисмини қисиб (жугут ёки рўмол билан) боғлаш.


✓ қўл ёки оёқларнинг бўғини чиқса ёки суяклар синса ёғочлардан мослама (шина) ясаб уни кўшиб боғлаш.

✓ юриш ҳолига эга бўлмаганларни 2-3 киши бўлиб қўлда ёки таёқлардан ясалган замбилларда (носилка) кўтариб тегишли жойга олиб бориш.


✓ куйишнинг даражаларига қараб ёғ (вазелин) суртиш ва боғлаш.

✓ сувда чўкиб ёки йиқилиб ҳушсиз бўлганларга сунъий нафас олдириш, оғзига пуллаш. Ичидан сувни чиқариш учун уни қорни билан тиззага ётқизиб, белидан (орқасидан) босиш, оғзини очиб рўмолни (қошиқ ёки бирорта буюм) тишлатиши.

77-чизма. Терроризм турлари



78-чизма. Террорчилик кўлами ва уни амалга оширишда фойдаланиладиган воситалар



Терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиши учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф түгдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишига ёки содир этишидан тийилишига мажбур қилишига, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришига, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишига, хавфсизлигига путур етказишига, қуролли можаролар чиқаришини кўзлаб извогарликлар қилишига, аҳолини қўрқитишига, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришига қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиши билан қўрқитиши ёки бошқа жиноий қилмислар.

Террорчи — террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс.

Террорчилик гурӯҳи — олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишига суиқасд қилган шахслар гурӯҳи.

Террорчилик ташкилоти — икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гурӯҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириши учун барқарор бирлашуви.

Террорчиликка қарши операция — террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириши, шунингдек жисмоний шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчиларни зарарсизлантиришига қаратилган, келишилган ва ўзаро боғлиқ маҳсус тадбирлар мажмуи.

Террорчилик фаолияти — террорчилик ҳаракатини уюштириши, режалаштириши, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундаидан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириши ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият.

Террорчилик ҳаракати — гаровда ушлаб туриши учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриши, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гурӯҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг


ҳаётига тажсуз қилиши, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик обьектарни босиб олиши, шикастлантириши, йўқ қилиши, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиши қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиши ёки ишлатиши билан қўрқитиши, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиши, олиб қочиши, шикастлантириши, йўқ қилиши, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариши ва мартибсизликлар келтириб чиқариши, аҳоли ҳаётига, соглигига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиши йўли билан зарар етказиши ёки хавф түғдериши, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиши тарзида террорчилек тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилек тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиши.

Ҳалқаро терроризм — бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм.

79-чизма. Фавқулодда вазиятларни тарқалиш тезлигига қўра гурухлаш



80-чизма. Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларнинг амалдаги худудий таснифи



81-чизма. Ўзбекистонда амалдаги фавқулодда вазиятлар таснифи

ФВлар келиб чиқиши манбасига кўра гурухланиши

<i>Табиий</i>	<i>Техноген</i>	<i>Экологик</i>
<p>1) экологик хавфли ҳодисалар: зилзилалар, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқалар</p> <p>2) гидрометрологик хавфли ҳодисалар: сув тошқинлари, шеллар, қоркўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқалар</p> <p>3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар; алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, саргайма, иситма) юкумли касалликлар, терлама, Брил касаллиги, Сибир яраси, қутуриш, вирусли инфекциялар- СПИД;</p>	<p>1) Транспортлардаги авария ва ҳалокатлар (кема, самолёт, темир йўл, вокзал,)</p> <p>2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар;</p> <p>3) Ёнгин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар;</p> <p>4) Энеретика ва коммунал тизимдаги авариялар; (ГЕС, ГРЕС)</p> <p>5) Бино ва иншоатларнинг бирдан қулақ тушуши билан боғлиқ авариялар;</p> <p>6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар;</p> <p>7) Гидротехник иншоатлардаги ҳалокатлар ва авариялар; сув омборлари, каналлар</p>	<p>1) Куруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар (фойдали қазилмаларни қазиш чоғида, ҳалокатли кўчкилар);</p> <p>2) Атмосфера таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар (ҳаво муҳитининг заарли газлар билан ифлосланиши);</p> <p>3) Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар (Ер юзаси ва ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари).</p>

Вазият - муайян бир ҳолатни юзага келитирувчи шароит.

Фавқулодда вазият — 1. Одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соглиги ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиiddий моддий талафотлар келтириб чиқаришига ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқшишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа оғат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат. 1999 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуанининг 2-моддаси.

2. Табиий, антропоген ёки аралаши турдаги воқеа, жараён ва ҳодисалар натижасида технотизимларда кутмалмаган тарзда юзага келган салбий ҳолат.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш — 1. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиши ва уларни бартараф этиши чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи. 1999 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуанининг 2-моддаси.

2. Технотизимларда аҳоли ва унинг яшаши муҳитини кутмалмаган табиий, антропоген ёки аралаши турдаги воқеа, жараён ва ҳодисалар натижасида юзага келиши мумкин салбий ҳолатлардан саклашига оид чора-тадбирлар тизими.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш — 1. Олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтишига, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиши ва соглигини саклашига, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтишига қаратилган тадбирлар комплекси. 1999 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуанининг 2-моддаси.

2. Технотизимларда аҳоли ва унинг яшаши муҳитини кутмалмаган табиий, антропоген ёки аралаши турдаги воқеа, жараён ва ҳодисалар натижасида юзага келиши мумкин салбий

ҳолатлардан сақлаш профилактикасга оид чора-тадбирлар тизими.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш — 1. фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиши ва соглигини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтишига, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайшишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишига қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар комплекси. 1999 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуенинг 2-моддаси.

2. Технотизимларда аҳоли ва унинг яшаши муҳитини кутмалаган табиий, антропоген ёки аралаши турдаги воқеа, жараён ва ҳодисалар натижасида юзага келиши мумкин салбий ҳолатларни қайта тиклашга оид чора-тадбирлар тизими.

Локал фавқулодда вазият – бирор обьектга талуқли бўлиб, унинг миқёси ўша обьект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан зиёд бўлмаган одам жабрланади ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорини ташкил этган ҳисобланади.

Маҳаллий тавсифидаги фавқулодда вазият – аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10дан ортиқ, бироқ 500дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойликиши ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорини ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги фавқулодда вазият – фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойликиши ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортигини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги фавқулодда вазият - оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига даҳлдор ҳолат тушунилади. Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тутатилади.

82-чизма. Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

ФВда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари*

(ЎзР Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза йилиш тўғрисидаги Қонунининг 15 – 16-моддаларига мувофик)

Ҳуқуқлари	Мажбуриятлари
<ul style="list-style-type: none"> ▪ ФВ рўй берганда хаётлари, соғлиқлари ва шахсий мол-мулклари муҳофазаланиши; ▪ Умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан, маҳаллий ҳокимият органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ФВда аҳолини муҳофаза қилиш учун мўлжалланган бошқа мол-мулкидан фойдаланиш. ▪ Мамлакат худудининг муайян жойларида бўлганда улар дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражаси тўғриси-да ҳамда зарур хавфсизлик чоралари ҳақида хабардор бўлиш. ▪ ФВ рўй берган зоналарда ишлаганлиги учун бепул тиббий хизмат, компенсациялар ва бошқа имтиёзлар олиш. ▪ ФВни бартараф этиш мобайнида мажбуриятларини бажариш чоғида соғлиғига етказилган зарар учун компенсациялар ҳамда имтиёзлар олиш. ▪ Аҳоли ва худудларни ФВдан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида орттирган касаллиги муносабати билан меҳнат қобилиятини йўқотганда, ногиронлиги меҳнатда майиб бўлиш оқибатида келиб чиқсан ходимларга белгилangan тартибда пенсия олиш. ▪ Давлат ижтимоий суғуртаси тартиби ва шартлари, компенсациялар ва имтиёзлар турлари ҳамда миқдорлари қонун хужжатлари билан белгиланади. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Хавфсизлик чораларига риоя этишлари, ишлаб чиқариш ва технология интизоми, экологик хавфсизлик талаблари ФВлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузилишига йўл кўймасликлари. ▪ Муҳофазаланишнинг асосий усусларини, жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўлларини ўрганишлари ҳамда ўз билим ва амалий кўникмаларини такомиллаштиришлари. ▪ ФВ рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган авариялар, оғатлар ва ҳалокатлар таҳдидидан дарак берувчи аломатлар борлиги тўғрисида тегишли органларга хабар беришлари; ▪ ФВ таҳдид солған ва бошланган шароитларда огоҳлантириш белгиларини, юриш-туриш қоидалари ва ҳаракат қилиш тартиби, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш усусларини билишлари; ▪ зарурат бўлганда авария-қутқарув ишлари ва кечикириб бўлмайдиган бошқа ишларни ўтказишида ёрдамлашишлари шарт.

* Миллий конунчиликка мувофик улар бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

83-чизма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатлари

(ЎЗР Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза Йилиш тўғрисидаги Қонунининг 7 – 8-моддаларига мувофиқ)

Вазирлар Маҳкамаси

- ФВни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар давлат резервлари яратилишини таъминлайди Йамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.
- ФВнинг олиш ва уларни бартараф этишга оид кучлар ва воситаларни молия Йамда ресурс жиҳатидан таъминлашни, уларни маҳсус техника ва бошга моддий-техника воситалари билан жиҳозлашни амалга оширади.
- Вазирликлар, идоралар, ижро йоғимияти мағаллий органларининг ағолини ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза Йилиш соласидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади.
- ФВ таснифини тасдиқлайди Йамда уларни бартараф этишда ижро йоғимияти органлари иштироки даражасини белгилайди;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги


- ФВнинг олдини олиш, бундай вазиятларда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини сақлаш, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек ФВ оқибатларини бартараф этиш ва зарарини камайтириш юзасидан чоралар ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш.
- аҳолини ва худудларни ФВдан муҳофаза қилиш соҳасида маҳсус дастурлар ишлаб чиқилиши ва илмий тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этади
- ўз ваколати доирасида вазирлик ва идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар кабул қиласи
- бошқарув органларининг, аҳолини ва худудларни муҳофаза қилиш кучлари ва воситаларининг ФВ шароитида ҳаракат қилишга тайёр бўлишини ташкил этади;
- ФВни бартараф этиш кучлари ва воситалари бошқарувини амалга оширади, бошқарув пунктлари, хабар бериш ва алоқа тизимларини тузади
- ФВ шароитида авария-кутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар ўтказилишини ташкил этади
- аҳолини ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий обьектлар бўйича лойиҳалар ва қарорлар юзасидан давлат экспертизаси ўтказилишида иштирок этади.

* Миллий қонунчиликка мувофиқ улар бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар

84-чизма. Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари




85-чизма. Фавқулодда вазиятлар натижасида вайрон бўлган ҳудудларда шикастланган кишиларни қидириш усуллари



**86-чизма. АҚШда фавқулодда вазиятлар натижасида
инсонларнинг қурбон бўлиши**

T/p	Халокатли фавқулодда вазиятлар тури	Қурбонлар сони, <u>кишиндан</u> <u>нафар</u>
1	Йўл транспорти ходисаси	<u>10 000</u> 3
2	Электр токининг уриши	<u>100 000</u> 6
3	Ёнғиндан куйиш	<u>100 000</u> 4
4	Захарланиш	<u>100 000</u> 2
5	Ишлаб чиқариш воситаларининг носозлиги	<u>100 000</u> 1
6	Яшин уриши	<u>10 000 000</u> 5
7	Бошқа фавқулодда вазиятлар	<u>100 000</u> 4

**87-чизма. Бирлашган миллатлар ташкилоти(БМТ)нинг
Қидирув ва қутқарув ташкилоти**



88-чизма. Фавқулодда вазият давлат тизимининг (ФВДТ) асосий вазифалари

Фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг асосий вазифалари

ФВДТ тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.12.1998 йилдаги 558-сонли қарорига 1-илова), қуий тизимлар тўғрисидаги низомлар (ҳар бир қуий тизим ўзининг низомини Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлайди)

1. Тинчлик ва харбий даврда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқий ва иқтисодий меъёрий хужжатларнинг ягона контсептсиясини белгилаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
2. Республика ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган техноген ва табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларни прогнозлаш, уларнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини баҳолаш.
3. ФВларнинг олдини олишга, одамлар хавфсизлигини таъминлашга, хавфли технологиялар ва ишлаб чиқаришларнинг тавакқлчилигини пасайтириш, мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, иқтисодиёт тармоқлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолият кўрсатишининг барқарорлигини оширишга қаратилган мақсади ва комплекс илмий-техник дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
4. Бошқарув органлари ва тизимларнинг ФВнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун мўлжалланган куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш.
5. Аҳоли ва ҳудудларни ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги аҳборотларни йигиш, ишлаб чиқиш, алмашиш ва бериш.
6. Аҳолини, бошқарув органларининг, мансабдор шахсларини, ФВДТ кучлари воситаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш.
7. ФВларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш.
8. Аҳолини ва ҳудудларни ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат экспертизаси, назорати ва текширувини амалга ошириш.
9. ФВлар оқибатларини бартараф этиш.
10. ФВлардан заарар кўрган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга ошириш.
11. ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасида аҳолининг, шу жумладан уларнинг оқибатларини бартараф этишда бевосита қатнашган шахслар-нинг ҳуқуқий ва мажбуриятларини амалга ошириш.
12. Аҳоли ва ҳудудларни ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасида халқаро хамкорлик қилиш.

89-чизма. Фавқулодда вазият давлат тизимнинг ташкилий тузилмаси



ФВДТнинг ҳудудий қуий тизимлар – *Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилади ва тегишили равишда туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар миқиёсидаги бўғинлари.*

ФВДТнинг функционал қуий тизимлар – *вазирликлар, давлат қўмиталари, корпаратциялар, концернлар, уюшимлар ва компаниялардаги тузилмаси.* Битта идора битта ёки бир неча тизимга эга бўлиши, ёки умуман қуий тизим ташкил этмаслиги, ёки бир неча вазирлик ва идоралар битта қуий тизим ташкил этишлари мумкин. Ушбу масала ФВДТ тўгрисидаги Низомнинг З-иловасида (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларнинг аҳолини ва ҳудудлари фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича функциялари) баён этилган. Функционал қуий тизимларнинг асосий вазифаси атроф табиий муҳит ва кучли хавфли объектлар ҳолатини кузатиш ва назорат қилишни амалга ошириш, шунингдек идорага қарашли обьектларда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан bogлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар оқибатларини бартараф этишдан иборат.

90-чизма. ФВДТнинг ташкилий ҳимояланиш даражалари



ФВДТ раҳбар органлари – аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви, маҳаллий хокимият органлари тизими.

ФВДТнинг кундалик бошқарув органлари – бу ФВДТнинг тегишли ҳудудий ва функционал қуий тизимларига ҳамда унинг бўғинларига бевосита кундалик бошқарувни амалга оширувчи бошқарув органлариdir.

91-чизма. Зилзила ҳақида маълумот

Рихтер бўйича магнитуда	Дунё бўйича бир йилда зилзилаларнинг ўртача сони	Ернинг қимирилаш давомийлиги, секунд	Ернинг қаттиқ қимирилаши қамраб олган майдон радиуси, км
8,0-8,9	1	30-90	80-160
7,0-7,9	15	20-50	50-120
6,0-6,9	140	10-30	20-80
5,0-5,9	900	2-15	5-30
4,0-4,9	8000	0-5	0-15

92-чизма. Зилзила оқибатларини камайтириш тадбирлари

- | Зилзила оқибатларини камайтириш тадбирлари |
|---|
| → Зилзилага бардош берадиган уйлар ва саноат иншоатларини қуриш |
| → Зилзила бўлган холда аҳоли ўзини қандай тутиши ва ҳатти-харакат қилишини тушунтириш |
| → Сейсмик станцияларда узлуксиз навбатчиликни ташкил қилиш ва олиб бориш |
| → Зилзилалар ҳақида аниқ хабар ва алоқа тизимини ташкил қилиш |
| → Куткарув, куч ва воситаларни тайёр ҳолга келтириб қўйиш |
| → Аҳолини хавфсизлигини таъминлашга доир ва ўз вақтида эвакуация қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш |
| → Моддий техник таъминот (плакатлар, озиқ-овқат, дори-дармон) захираларни ташкил қилиш |
| → Зилзила ҳақида хабар берувчи белгиларни аҳолига тушунтириш ва ўз вактила кўплапш |

Зилзила - Ер ички энергиясининг ўзгариши, вулқон отилиши жараёнлари ва инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли юзага келадиган табиий оғат.

Энг кучли зилзила Ўзбекистонда 1902 йилда (8-9 балл) Андижонда, 1946 йилда Наманганда (Чотқол зилзиласи номи билан), Тошкентда 1868 ва 1966 йилларда (7-8 балл), Газлида 8-10 балл, Тожикистонда 1907 йилда, Ҳисорда (9-10 балл), 15га яқин қишлоқлар хонавайрон бўлган, 1000га яқин одам нобут бўлган.

1911 йилда 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси 9 баллик кучли зилзила туфайли Помир тоғида Муғроб водийси ёнбағирларида тарихда мисли кўринмаган тоғ ўпирилиб, кўчки рўй берди. Кўчки Муғроб дарёсини бутунлай тўсиб қўйган ва “Учсой” тўғони ҳосил бўлиб, натижада жаҳонда энг йирик тоғ кўли пайдо бўлган. Сарез қишлоғининг ўрнида пайдо бўлган бу кўл, шу сув босган қишлоқнинг номи билан “Сарез” кўли деб

аталган. Бугунги кунда ушбу тоғ кўлининг юзаси 80 км^2 , узунлиги 60 км, чуқурлиги 500 м, умумий сув микдори 17 млрд. м^3 ни ташкил этади.


93-чизма. Сейсмик магнитуда, сунами магнитудаси ва асосий тўлқин баландлиги орасидаги боғланиш

Зилзила магнитудаси, балл	Сунами магнитудаси, балл	Асосий тўлқин баландлиги, м
7,5	1	2-3
8	2	4-6
8,25	3	8-12
8,5	4	14-20

94-чизма. Сувости зилзила магнитудасидан сунамини пайдо бўлиш эҳтимоли

Сувости зилзила магнитудаси, балл	Сунамини пайдо бўлиш эҳтимоли, %
7,5 юқори	100
7,0-7,2	65-70
6,7-6,9	15-20
5,9-6,2	1-2

95-чизма. Сув тошқинларининг масштаби ва талофат келтириш бўйича таснифланиши



Сунами – асосан сув ости силкинишлари вақтида денгиз туби катта майдонларининг пастга ёки юқорига силжисиши натижасида юзага келадиган, денгиз тўлқинидан иборат ҳавфли табиий ҳодиса.

Тошқин - асосан жала ёмғир, қор эриши, сув босими орқали дарё, кўл ва сув омборларда сув ҳажмининг кўтарилиши натижасида юзага келадиган табиий оғат. У биноларнинг бузилиши, иншоатлар, йўллар, алоқа тармоқлари, электр узатиш иншоатлари, ўсимлик, ҳайвон ва инсонларни нобуд бўлишига олиб келади.


Кичик сув тошқинлари – асосан текисликдаги дарёларда содир бўладиган ва аҳолининг яшашига кескин таъсир этмайдиган, унча кўп бўлмаган моддий зарар етказадиган сув тошқини.

Катта сув тошқинлари – дарё ҳавзасининг катта қисмини қамраб оладиган, аҳолининг хўжалик ва ҳаёт турмушини бузадиган сув тошқини.

Мисливиз сув тошқинлари – дарё ҳавзасининг ҳамма қисмини қамраб оладиган, аҳолининг хўжалик ва ҳаёт турмушини бузадиган ҳамда оммавий эвакуация қилишига олиб келадиган сув тошқини.

Ҳалокатли сув тошқинлари – бир ёки бир неча дарё ҳавзаларини қамраб оладиган, аҳолининг хўжалик ва ҳаёт турмушини бузадиган ҳамда жуда катта миқдорда моддий ва молиявий зарар етадиган, аҳолининг ўлимига сабаб бўладиган, оммавий эвакуация қилишига олиб келадиган сув тошқини.

96-чизма. Довул, тўфон ва қуюн вақтида аҳоли ҳаракатлари.



97-чизма. Сел ҳавфи бор худудларда хавфсизлик тадбирлари

X
A
B
F
C
I
Z
L
I
K
T
A
D
B
I
R
L
A
R
I

1. Оммавий ахборот воситалари орқали тоғли худудардаги об-ҳаво шароити билан боғлиқ хабарларни доимо кузатиб бориш.
2. Тинимсиз ёмғир ёки жала ёғиши давом этса, селга хавфли юқориги худудлардан тезда ҳавфсиз жой томон ҳаракат қилиш.
3. Ҳаракатдаги сел оқими томон яқинлашмаслик, ундан 50-70 м масофада туриш.
4. Кўчки ҳавфи бор жойлар яқинида тўхтамаслик.
5. Сел ҳавфи бор худудларда дам олиш учун тўхташ ва кўл дамбалари бўйига палаткалар ўрнатмаслик.
6. Сел ҳавфи белгилари сезган тақдирда тоғ ёнбағир бўйлаб янада юқорироққа кўтарилиш.
7. Сел ҳавфи ўтгандан сўнг, сел оқими ўйиб кетган жойлардан жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш.
8. Сел ҳавфи ўтгандан сўнг қор кўчкиси ёки муз қўчиши юзага келиши мумкинлигини инобатга олиб, хавф мавжуд жойлардан узоқроқ юришга ҳаракат қилиш.

Сел – тоғ дарёлари ўзанларида түсатдан юзага келувчи катта ҳажмдаги тоғ жинслари бўлаклари, ҳарсанглар, органик моддалар ва сув аралашмасидан иборат вақтингчалик юзага келувчи шиддатли оқим. Сел оқимларини узоқ давом этган кучли жала, қор ёки музликларининг жадал эриши, зилзила ва вулқон отилишлари келтириб чиқаради.

Қор кўчкиси – тоғларнинг тик ёнбагирларида қор массасининг ағдарилиб ёки сирпаниб тушиши. Бундай ҳолатда қорнинг устки қисми бироз музлаган бўлиб, қалин қор ёғиши ёки бошқа геодинамик сабабларга қўра пастга қараб силжиши натижасида қуруқ кўчки ҳосил бўлади. Баҳор ойларида қор эриган сувининг шимилиб, қорнинг тагини намланиши натижасида қор массасининг турғунлиги камайиб, пастга томон ағдарилиб тушишидан хўл кўчки ҳосил бўлади.

Қуруқ кўчилар 100-300км/соат тезликда, хўл кўчилар эса - 30 км/соат гача тезликда ҳаракатланади.

Кўчилар ва ўпирилишлар – асосан кучли ёмғир ёғиши, қорнинг тез эриши, зилзила содир бўлиши, ерга ишлов беришдаги агротехник хатоликлар ва бошқа омиллар натижасида тоғнинг устки тупроқ қатламишинг пастга томон сирпаниши. У ахоли яшаш жойлари, алоқа тармоқлари ва тўғонларга жиддий заарар етказиши мумкин.

Ер сурилиши (кўчки) – қиялиги катта бўлган тоғ ва тоғолди ҳудудларда тупро ва юмшоқ тоғ жинсларининг пастга томон ҳаракати.

Тўфон – ер устки иншоатларини жиддий заарлайди, денгиздан 10-12 метр баландликда тўлқинни юзага келтиради ва тоғлардаги қорли бўрон ва шамол, ҳаво массасини 12 ва ундан юқори балларда (1 балл – 2,5 м/с) ҳаракатлантиради. Океанда юзага келадиган (50 м/с) тўфон тайфун деб аталади.

Бўрон – бу тезлиги 20 м/с дан ортиқ ва узоқ давом этувчи кучли шамол. У сиклон даврида кузатилади ва денгизда катта ўлқинларни, қуруқликда эса вайроналикларни келтириб чиқаради.

Қуюн – бу момоқалдироқ булутида юзага келувчи ва кўпинча ер юзасигача диаметри ўнлаб ва юзлаб метрга етувчи хартум шаклида чўзилувчи шамол. У узоқ муддат давом этмайди, булат билан биргаликда ҳаракат қиласи.

98-чизма. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган асосий талаблар

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган асосий талаблар

- ✓ гидротехника иншоотлари хавфининг йўл қўйиладиган даражасини таъминлаш;
- ✓ гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияларини тақдим этиш;
- ✓ гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни лицензиялаш хавфлилик даражаси юқори бўлган обьектлар жумласига кирувчи;
- ✓ гидротехника иншоотларидан фойдаланишнинг узлуксизлиги;
- ✓ гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан уларнинг хавфсизлиги мезонларини белгилаш, гидротехника иншоотларининг ҳолатини доимий назорат қилиш мақсадида уларни техника воситалари билан жиҳозлаш, гидротехника иншоотларига зарур малакага эга бўлган ходимлар хизмат кўрсатишини таъминлаш;
- ✓ гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш хавфини энг кўп даражада камайтириш бўйича тадбирлар мажмуини олдиндан ўtkазиш.

Гидротехника иншоотлари — *тўғонлар (плотиналар), гидроэлектр станциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиши, сув ўтказиши ва сув чиқарии иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиши учун мўлжассалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар).*

Фойдаланувчи ташкилот — *тасарруфида (балансида) гидротехника иншооти бўлган корхона, муассаса ва ташкилот.*

Гидротехникада фавқулодда вазият — *муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соглигига ёки атроф табиий муҳитга зарар етказилишига, жиодий моддий талафотларга ва*

одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган вазият.

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги — гидротехника иншоотларининг одамлар ҳаёти, соғлиги ва қонуний манфаатларини, атроф табиий муҳит ва хўжалик обьектларини муҳофаза қилишини таъминлаш имконини берувчи ҳолати.

Гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларацияси — гидротехника иншоотининг хавфсизлиги асослаб бериладиган ҳужжат.

Гидротехника иншоотининг хавфсизлиги мезонлари — гидротехника иншооти ҳолатининг ва ундан фойдаланиши шартларининг гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражасига мувофиқ миқдор ва сифат кўрсаткичларининг чекланган қийматлари.

Гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражаси — гидротехника иншооти аварияси хавфининг норматив ҳужжатлар билан белгиланган қиймати.

99-чизма. ҲФХМни таъминлашда раҳбарларнинг асосий вазифалари кетма-кетлиги


- 1 ─ Турли вазиятларда корпоратив муносабат субъектларига ҲФХни таъминлаш заурлигини тушинтириш
- 2 ─ Корпоратив муносабат субъектларига ҲФХни таъминлашдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини етказиш
- 3 ─ Корпоратив муносабат субъектларига турли ҳолатларда, жумладан фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш қоидаларини ўргатиш
- 4 ─ ҲФХга доир миллий ва халқаро миқёсда эришилган илгор тажрибаларни кенг тарғиб қилиб қилиш
- 5 ─ ҲФХни таъминлаш талабларини муайян кетма-кетликда, яъни тизимли тарғиб қилиш

100-чизма. Таълим муассасалар раҳбарларининг фавқулодда вазиятларда корпоратив муносабат сұйектларини мухофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Таълим муассасалар раҳбарларининг ФВ корпоратив муносабат сұйектларини мухофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

- ходимлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш бўйича зарур чораларни режалаштириш, молиялаш ва амалга ошириш;
- хавф манбаи юқори бўлган объектлар хавфсизлиги тўғрисида белгиланган тартибда декларация тақдим этиш;
- ходимларни фавқулодда вазиятлар шароитида кутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари таркибида мухофазаланиш усулларига ва ҳаракат қилишга ўргатиш;
- хабар бериш маҳаллий тизимларини яратиш ва доимо шай ҳолатда сақлаб туриш ҳамда фавқулодда вазиятлар таҳди迪 борлиги ёки рўй берганлиги тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- фавқулодда вазиятлар шароитида объектлар иши ҳамда ходимлар ҳаёт фаолияти барқарор кечишини таъминлаш;
- муҳандислик-ҳимоя иншоотларини, заруратга қараб, олдиндан барпо этилишини таъминлаш ҳамда уларни доимо шай ҳолатда сақлаб туриш;
- фавқулодда вазиятлар рўй бериши эҳтимолини назарда тутиб, белгиланган тартибда моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратиш;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш куч ва воситалари яратилишини, тайёргарликдан ўтказилишини ҳамда шай бўлиб туришини таъминлаш;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш режаларига мувофиқ ўз тасарруфидаги объектларда авария-кутқарув ишлари ўтказилишини таъминлаш;
- белгиланган тартибда ихтисослашган хизматлар ва тузилмаларни яратиш, уларни шахсий таркиб, техника ва анжом билан тўлдириш;
- белгиланган тартибда эвакуацияга оид тадбирларни ўтказиш ва одамларни жойлаштириш учун олдиндан базалар тайёрлаб қўйиш;
- белгиланган тартибда фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш соҳасида ахборотлар тақдим этиш.

101-чизма. Таълим муассасаларида ҲФХМнинг поғоналиқ назорати



Таълим муассасаларида ҲФХМнинг поғоналиқ назорати – таълим тизимидағи барча муассасаларда ҲФХни таъминлаш учун ҳар ойда режлаштириладиган текширув. Барча таълим муассасаларида ҲФХни таъминлаш учун уч поғонали назорат амалга оширилади:

I поғона – ҳар куни педагоглар навбатчи ўқитувчи билан иш жойларини айланиб чиқиб, учраган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрадилар ва тегишли соҳа бўйича директор ўринbosарига хабар беради.

II поғона – ҳар ҳафтада бўлим бошлиқлари директор ўринbosари билан биргаликда таълим муассасидаги иш жойларини айланиб чиқиб, учраган камчиликларни тузатиш чораларини кўрадилар.

III поғона – ойда бир маротаба муассаса директори ва унинг ўринbosарлари ўзига қарашли йўналишлар бўйича ҲФХни таъминлаш нуқтаи назардан АЛ ва КҲКга тегишли барча ҳудуд, бино ва иншоатларни айланиб чиқиб, ёзма далолатнома тайёрлайдилар ва уни алоҳида бир масала сифатида таълим муассасининг Педагогик Кенгashiда мұжокама қиладилар ва тегишли қарорни чиқарадилар.

102-чизма. Таълим муассасаларининг ўқув хоналари, ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари машғулотлар ўтказишида меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари

(2013 йил 1 апрелдаги “Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиши қоидаларини тасдиқлаши ҳақида” 20-б-сонли, 2013 йил 1 мартағи “Таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар ўтказишида меҳнатни муҳофаза қилиши қоидаларини тасдиқлаши ҳақида” 14-б-сон Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг бўйруклари асосида)

Ўқув хоналари	Ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари
Умумий қоидалар	
<p>1. Машғулотлар ўтказиладиган барча таълим муассасаларига тааллуқли.</p> <p>2. Ишлаб чиқариш биноларини ва иншоотларини лойихалаш, қуриш ва қайта қуришда, техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.</p> <p>3. Техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.</p> <p>Таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича хавфсизликка оид норматив-хукуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга маҳсус ваколат берилган давлат органлари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси, таълим муассасалари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.</p>	<p>1. Ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида амалиётларни ўтказиш билан шуғулланувчи барча таълим муассасаларига тааллуқли.</p>
Меҳнатни муҳофаза қилиши хизматини ташкил этиши	
<p>1. Таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>2. Таълим муассасаларида қўйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига олган жамоавий шартнома; тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услугига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари; меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари; ходимлар ва мухандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари; меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат); ходимларга ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техниковий минимум машғулотларини ўтказиш дастури; ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари. <p>3. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган таълим муассасаларида маҳсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган таълим муассасаларида эса бундан ташқари йўл ҳаракати</p>	

хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра таълим муассасасининг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбарига бўйсунади ҳамда таълим муассасасининг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас.

6. Таълим муассасаларида меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июнданги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ходимларни ўқитиши, уларнинг билимларини синовдан ўтказиши ва уларга йўл-йўриқ берини ташкил этиши

1. Таълим муассасаси ходимлари ўз касблари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, уларнинг билимлари синовдан ўтказилиши ва уларга йўл-йўриқлар берилиши керак.

2. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиши Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

3. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда таълим муассасаси ходимларини ва иш жойларини ушбу йўриқномалар билан таъминлаш таълим муассасаси раҳбарияти зиммасига юклатилади.

Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариши омиллари

1. Таълим муассасалари ГОСТ 17.2.3.02 бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ходимларга таъсир қилиш хусусиятлари, саломатлик учун хавфлилик даражаси ҳамда келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

2. Иш жойларидағи ишлаб чиқариш мұхити ҳамда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш мұхитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроиқлим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнат шароитларини аттестация қилиш орқали белгиланиши лозим.

3. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгарганда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги маълумотларга таълим муассасаси раҳбари томонидан тегишли ўзgartиришлар киритилиши лозим.

Ўта хавфли касблар ва ишлар рўйхати

1. Таълим муассасаси ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув мұхитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юқ кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сигимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

2. Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажариш топшириғини олишдан олдин, меҳнат мухофазаси бўйича йўл-йўриқ олиши ва ишларни бажариш усулларини ўзлаштириб олиши шарт.

3. Ўта хавфли ишларни бажариш фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган наряд-руҳсатномага мувофиқ амалга оширилиши лозим.

4. Таълим муассасаси раҳбарияти ўта хавфли ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва хавфсиз бажариш белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилишига жавобгардир.

Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш

1. Ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоя қилиш жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

2. Жамоавий ҳимоя воситаларига қўйидагилар киради:

ўқув ва лаборатория хоналарининг ҳаво мұхитини меъёрлаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

ўқув ва лаборатория хоналарининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқиндан, тебранишдан, электр токлар уришидан ҳамда ускуналар юзасини юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

3. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари барча ходимларга таъсир қилганда қўлланилиши шарт ва таълим муассасасини қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

4. Жамоавий ҳимоя воситалари ёрдамида хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини рухсат этилган миқдоргача камайтириш имкони бўлмаган ҳолларда якка тартибдаги ҳимоя воситалари қўлланилиши лозим. Бундай ҳолларда якка тартибдаги ҳимоя воситаларисиз ходимларнинг ишга жалб қилиниши тақиқланади.

5. Якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланадиган ходимлар уларнинг қўлланилиши, ҳимоя хусусиятлари ва амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши лозим.

6. Таълим муассасасида қўйидагилар таъминланиши шарт:

якка тартибдаги ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатуроси;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назорат амалга оширилиши;

ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлиги текширилиши;

хавфли ва заҳарли моддалар билан ишлашда фойдаланилган якка тартибдаги ҳимоя воситаларининг дезинфекция қилиниши (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

7. Турли агрессив моддалар билан ишлаётганда тери касалликларининг олдини олиш учун профилактик паста ва мазлардан фойдаланиш лозим.

8. Ходимлар маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситалари билан белгиланган тартибда бепул таъминланиши лозим.

Касбий танлов

1. Таълим муассасаларида танлов ўtkазилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

2. Ўқитувчилар, таълим муассасаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

3. Босим остида ишловчи асбоб-ускуналарда, шунингдек хавфи юқори бўлган ишларда хизмат кўрсатувчи ходимлар маҳсус курсларда тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномага эга бўлиши шарт.

4. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай

мехнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар заарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

5. Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) мувофиқ аёллар заарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмайди.

Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиши

1. Таълим муассасаларида ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 35-сон, 407-модда) асосида амалга оширилиши лозим.

2. Таълим муассасаси раҳбарияти касаба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаши лозим.

3. Тиббий кўриклар таълим муассасасининг тиббий муассасаларида, улар мавжуд бўлмаган ҳолларда даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилиши лозим.

4. Ходим тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий кўрик натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда ушбу ходим ишга қўйилиши мумкин эмас.

5. Даврий тиббий кўриклар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсияларни бажарилиши учун жавобгарлик таълим муассасаси раҳбарияти зиммасига юклатилади.

6. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

Санитария ва гигиенага қўйиладиган талаблар

1. Таълим муассасаларининг хоналари ва иш ҳудудидаги ҳарорати, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар ГОСТ 12.1.005-88 «Иш ҳудудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблари» га мувофиқ бўлиши керак.

2. Таълим муассасасининг ишлаб чиқариш хоналари қўйидаги санитария қоидаларига мувофиқ сақланиши лозим:

хоналарнинг ҳарорати, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги, иш жойларидаги ортиқча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси йил мавсуми хисобга олинган ҳолда белгиланиши;

ишлаб чиқариш, санитария-маиший, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарининг ёруғлиги ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш. Лойихалаштириш меъёрлари»га мувофиқ бўлиши ҳамда меҳнат шароитларини яратиш учун етарли ёруғлик кучини таъминлаши;

хоналарда ёритиш асбоблари чанг тўпланишига имконият бермайдиган конструкцияга эга бўлиши, шунингдек синган тақдирда унинг парчалари сочилиб кетмаслиги учун ёпиқ бўлиши.

3. Ноқулай омиллар таъсирига қарши химоя тадбирларини тузишда самарали ҳаво алмашинуви тизимини ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабига мувофиқ ташкил қилиш лозим.

4. Ишлаб чиқариш, санитария-маиший, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарини гигиеник жиҳатдан тоза сақлаш ва ходимларнинг шахсий гигиенасига қўйиладиган талаблар қонун хужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

Таълим муассасаси майдонларига бўлган ҳавфсизлик талаблари

- Таълим муассасаси майдонлари ва биноларининг жойлашуви ҚМҚ II 89-80 «Саноат ташкилотларининг бош плани» талабларига мос бўлиши керак.
- Таълим муассасаси майдонлари кўкаламзорлаштирилган ва сув қўйиш қувурлари тармоғи билан таъминланган бўлиши лозим.
- Таълим муассасаси майдонидаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сувлар оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозланган бўлиши керак.
- Ёз мавсумида йўлаклар ва ўтиш жойларига сув сепилган, қишида қордан тозаланиб, кум сепилган бўлиши лозим.
- Қишки мавсумда биноларнинг томлари қордан, карниزلари музлардан тозалаб турилиши зарур.
- Таълим муассасаси худудида ҳар куни тозалаб ва дезинфекция қилиб туриладиган ахлат ташланадиган идишлар бўлиши шарт.
- Ҳовлидаги ҳожатхоналар озода сақланиши, мунтазам дезинфекция қилиниши, сутканинг коронги пайтида эса ёритилиши керак.
- Таълим муассасаси жойлашган майдон бутун чегара бўйлаб тўсилган бўлиши, унинг худудига бегоналарнинг кириши чекланган ва назорат остига олинган бўлиши лозим.

Бино ва иншоотларга бўлган хавфсизлик талаблари

- Ёрдамчи бинолар ва хоналар ҚМҚ 2.09.04-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва миший бинолари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.
- Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарнинг микроқлими (харорати, нисбий намлиги, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар) ГОСТ 12.1.005-88 талабларига жавоб бериши керак.
- Мунтазам ишлашга мўлжалланган иш жойларининг нам хоналарида ҳамда иссиқ ўтказувчи полларида (бетонли, гиштли, плитали ва бошқалар) ёғоч тўшамалар ва панжаралар ётқизилган бўлиши керак.
- Пол тўшамалари заарли моддалар, ишлаб чиқаришдаги чиқиндилар ва чанглардан осон тозаланадиган бўлиши керак.
- Бинога транспорт воситаларининг кириш жойлари дарвозалар ва сигнал асбоб-ускуналари билан таъминланган бўлиши лозим.
- Дарвоза тавақалари ёпиқ ва очиқ ҳолатида маҳсус мосламалар билан мустаҳкам тутиб турилган бўлиши керак.
- Таълим муассасаларида бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш ҳолатини мунтазам кузатиш ташкил этилган бўлиши керак.
- Бинолар бир йилда бир марта таълим муассасаси раҳбари тасдиқлаган комиссия томонидан техник кўриқдан ўтказилиши лозим. Техник кўриқ хуносалари уларда топилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ва муддати кўрсатилган далолатномалар орқали расмийлаштирилиши керак.
- Ходимлар учун хавф туғдирувчи ҳалокат тусидаги бузилишлар тезда бартараф этилиши керак. Хавфли худудларда ишлаб чиқариш жараёнлари ҳалокат бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилиши, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсиз жойга кўчирилиши керак.
- Кириш ва чиқиш йўллари, коридор, тамбур, нарвонлар турли жисмлар ва асбоб-ускуналар билан тўсиб қўйилмаслиги лозим. Эвакуация чиқиш йўлларининг барча эшниклари бинодан чиқиш йўналиши бўйича очилиши лозим.

Таълим муассасасининг ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналари ёнғиндан хабар берувчи ва ёнғинларни бартараф этувчи автоматик қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Шамоллатии ва иситии тизимига қўйиладиган талаблар

	<p>1. Шамоллатиш ва иситиши тизими ҚМК 2.04.05-97 «Иситиши, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.</p> <p>2. Оқимли шамоллатишларни ташқи ҳаво тизимидан олиш ердан камида 2 м баландликда бажарилиши лозим.</p> <p>3. Ўтиш жойларида жойлашган иситиши жиҳозлари рухсат этилган ўтиш йўлакларининг энини камайтирмаслиги лозим.</p> <p>4. Иш жойларида ҳаво харорати енгил жисмоний ишда 21° С, ўртача оғир ишда 17° С ва оғир ишда 16° С дан паст бўлмаслиги керак.</p>
	<p>5. Ходимларнинг исиниши учун хоналардаги ҳарорат 22° С дан кам бўлмаслиги керак.</p> <p>6. Исиниши хоналаригача бўлган масофа биноларда жойлашган иш жойларидан 75 м дан, бино ташқарисидаги иш жойларидан эса 150 м дан кўп бўлмаслиги лозим.</p>

Шовқин ва тебранишига қўйиладиган талаблар

1. Иш жойларида, хоналарда ва таълим муассасаси ҳудудида шовқин ва тебранишнинг дарражаси СанҚвАМ 0120-01 «Иш жойларида шовқиннинг йўл қўйилган даражасининг санитария меъёрлари», СанҚвАМ 0122-01 «Иш жойларида умумий ва локаль тебранишнинг санитария меъёрлари», ГОСТ 12.1.003-89 «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари» ва ГОСТ 12.1.012-90 «Тебранма. Умумий хавфсизлик талаблари» талабларига мувофиқ бўлиши керак.

2. Иш жойларида шовқин ва тебраниш дарражаси мунтазам назорат қилиб турилиши керак. Агарда у белгиланган меъёрлардан юқори бўлса, уни пасайтириш учун қуидаги тадбирлар қўлланиши лозим:

деталларнинг зарбали ҳаракатларини зарбасиз ҳаракатларга, илгарилама-қайтма ҳаракатларни айланма ҳаракатларга ўзгартириш;

шовқин чиқарувчи агрегат ёки унинг айрим қисмларига шовқинни тўсувчи қобиқлар ўрнатиш;

агрегатдан чиқаётган аэродинамик шовқинларга қарши самарали товуш сўндиргичлар қўллаш;

шовқинли ускуналарни (парраклар, компрессор) тўсилган хоналарда ёки ишлаб чиқариш хоналаридан ташқарида жойлаштириш;

тебраниши камайтириш учун, унинг манбалари (электр двигателлар, парраклар ва бошқалар) полдан ва бинонинг бошқа конструкцияларидан изоляцияланган мустақил пойдеворларда ёки маҳсус ҳисоблаб чиқилган амортизаторларга ўрнатилиши керак.

3. Ишлаб чиқариш хоналарида шовқинни техник воситалар билан бартараф этишнинг иложи бўлмаса, эшлиши аъзоларини якка тартибда ҳимоя қилувчи воситалардан ва шовқинга қарши каскалардан фойдаланиш керак.

Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган талаблар

1. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМК 2.04.01-98 «Биноларнинг ички сув қувури ва канализацияси» талабига мос келиши керак.

2. Ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув қувурига уланган фавворачалар бўлиши керак. Сув қувурлари йўқ бўлганда маҳсус идишларда қайнатилган сув бўлиши лозим.

3. Ичимлик сувининг ҳарорати 8° С дан 20° С гача бўлиши керак.

4. Таълим муассасаси ҳудудидаги ҳожатхоналар иссиқ сув ва канализация тизимига уланган бўлиши лозим.

5. Таълим муассасасида канализация тизими йўқ бўлганда давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда таълим муассасасида ер қатламини ифлослантиргмаган ҳолда душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган курилмали ахлат ўраларининг мавжуд бўлишига рухсат этилади.

Ёритишга қўйиладиган талаблар

1. Ўқув ва лаборатория хоналарини табиий ва сунъий ёритиш ҚМК 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мос бўлиши лозим.
2. Ёритиш воситалари тоза ва соз ҳолатда бўлиши керак. Ёруғлик тушувчи ойналарни йилида камидаги икки маротаба тозалаш лозим.
3. Ёруғлик тушадиган дераза ва эшикларни турли предметлар (ускуна, тайёр маҳсулот ва бошқалар) билан тўсиб қўйишга рухсат этилмайди.
4. Сунъий ёритиш умумий ва бирлашган тизим орқали амалга оширилади. Биргина маҳаллий ёритишни қўллаш тақиқланади.
5. Участка ва хоналарда портлаш бўйича хавфли газ ва чанглар концентрацияси йиғилиб қолиши эҳтимоли бўлса, электр ёритиш тизими портлашдан алоҳида бажарилиши керак.
6. Хавфлилик даражаси юқори бўлган хоналарда кучланиши 36 В дан юқори бўлмаган кўчма электр ёритқичлар ишлатилиши керак. Ускуналар ва иншоотлар (бункерлар, кудуклар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)нинг ички сиртини ёритиш учун ишлатиладиган кўчма электр ёритқичларнинг кучланиши 12 В дан ошмаслиги керак.
7. Кўчириб юрилувчи ёритқичлар шишли химоя қопқоқлари ва металл тўр билан қопланган бўлиши лозим. Ушбу ёритқичлар ва бошқа кўчириб юрилувчи аппаратлар учун мис толали эгилувчан кабель ва электр ўтказгичлар қўлланиши лозим.
8. Эвакуация йўлаклари ва зинапояларда авария ёритқичлари бўлиши лозим.
9. Авария ёритқичлари бошқа ёритқичлардан тури, ўлчамлари ва маҳсус туширилган белгилари билан ажралиб туриши ва вакти-вақти билан чангдан тозалаб турилиши лозим.
10. Авария ёритиш тармоқларига электр энергия истеъмолчиларининг уланиши тақиқланади. Авария ёритқичларининг созлиги ҳар чоракда камидаги бир марта текширилиши лозим.

Маиший иморатларга қўйиладиган талаблар

1. Таълим муассасалари маиший ва овқатланиш хоналари, тиббий пунктлар билан жиҳозланган бўлиши керак.
2. Кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари, ичимлик суви таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва шу каби қурилмаларнинг сони таълим муассасаларининг умумий контингент сони ҳисобига олинган ҳолда белгиланиши лозим.
3. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишида тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишига бўлган талаблар

1. Таълим муассасаси атроф табиий муҳитнинг (ҳаво, тупроқ, сув ҳавзалари) ифлосланишига ва зарарли омилларнинг тегишли нормалардан ортиқ даражада тарқалишига олиб келмаслиги лозим.
2. Таълим муассасаларида ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда атроф табиий муҳитни чиқиндилар (окова сувлар, шамоллатиш тизими чиқиндилари ва бошқалар) билан ифлосланиши эҳтимолини истисно этадиган шароитлар таъминланиши лозим.
3. Таълим муассасаларида чиқиндиларни йиғиш учун атрофи ўралган маҳсус жой ажратилиши ва чиқиндилар учун маҳсус идишлар билан таъминланиши ва ушбу идишлар бўшатилгандан сўнг хлорли оҳак эритмаси билан дезинфекция қилиниши ва ювилиши керак.

Ёнгин ва портлашга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Ўқув ва лаборатория хоналари ёнгин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва олиб боришда ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнгин хавфсизлиги. Умумий талаблари» ва ГОСТ 12.1.010-90 «Портлаш хавфи. Умумий талаблари»га ва мазкур Қоидаларга мувофиқ таъминланиши лозим.

<p>2. Шамоллатиш тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган бўлиши керак.</p> <p>3. Ёнғин сув манбаи йўлаклари ҳамда ёнғинни ўчириш воситаларига борадиган йўлаклар доимо бўш бўлиши керак.</p> <p>4. Портлашнинг олдини олиш учун машина ва агрегатларнинг ишқаланувчи қисмларини қизиб кетишига йўл қўймаслик лозим.</p> <p>5. Аралашганда портловчи модда ҳосил қилиши лозим бўлган газларни умумий коллекторга чиқариш тақиқланади.</p> <p>6. Архив, омборхона ва ҳаво алмаштириш ускуналари ўрнатилган хоналарнинг эшиклари ёнғинга чидамли қилиб ишланган бўлиши керак.</p> <p>7. Таълим муассасаси биноларининг ҳар бир қаватида ёнғин содир бўлганида ходимларни, ўқувчи-талабаларни ва моддий бойликларни кутқариш чизмаси ўрнатилиши шарт. Чизмада хоналар, йўлаклар, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, телефон жойлашуви, ходимлар ва ўқувчи-талабаларнинг фавқулодда ҳолатда захира чиқиш йўлларидан ҳаракат қилиш йўналишлари кўрсатилиши лозим.</p> <p>8. Биноларда қўйидагилар тақиқланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ертўлада ёнувчи суюқликлар, газ сифимлари, портлаш хавфи бўлган моддаларни саклаш; чордоқларда, техник қаватларда, венткамераларда асбоб-ускуналарни саклаш; захира чиқиш йўллари деворларига, шифт ва полларига енгил ёнувчи материаллар билан ишлов бериш, бўяш, шунингдек зинапоялар ва улар олдидағи хоналарга ёнувчи қурилиш материалларидан ишлов бериш, ёғоч панеллар билан безаш, турли қўшимча хизмат хоналарини қуриш; хоналардаги электр иситкич асбоблари, компьютер ва ёрдамчи асбоб-ускуналарни электр тармоғига уланган ҳолда қолдириш; электр асбоб-ускуналар ва жиҳозлардан фойдаланишдан аввал уларни қўллаш бўйича техник йўриқномада келтирилган фойдаланиш қоидалари билан танишиб чиқмасдан ишлатиши. <p>9. Ёнғин ўчириш воситаларидан хўжалик ишларини бажариш мақсадларида фойдаланиш тақиқланади.</p> <p>10. Ёнғинга қарши сув ҳавзалари доимо соз ҳолатда бўлиши, ичидаги сув ҳажми ёнғинни ўчириш учун етарли бўлиши керак. Сув ҳавзаларининг ишга яроқлилиги йилига камида икки маротаба, баҳор ва куз мавсумларида текширилиши лозим.</p>	<p>11. Йишлаб чиқаришда синалмаган ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд ҳамда токсик хусусиятларга эга бўлган моддалар ва материалларни қўллаш тақиқланади.</p> <p>12. Ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда ёнғинлар, портлашлар, авариялар, заҳарланишлар содир бўлиши ҳамда атроф мухит унинг чиқиндилари (оқова сувлари, шамоллатиш чиқиндилари ва бошқалар) билан ифлосланиши эҳтимолини истисно этадиган шароитлар таъминланиши лозим.</p> <p>13. Ишлаб чиқариш бинолари ва хоналари дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.</p> <p>14. Ўқув-ишлаб чиқариш хоналари учун худудий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнғин хавфсизлиги</p>
--	---

<p>таъминланиши лозим.</p> <p>15. Ўқув ва лаборатория хоналари дастлабки ёнгинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.</p> <p>16. Ўқув ва лаборатория хоналари учун худудий ёнгин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнгин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши ва кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.</p> <p>17. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан ёнгин хавфсизлиги бўйича машғулотлар ўтказилиши ва уларга ёнгиннинг олдини олиш бўйича йўл-йўриқлар берилиши керак.</p> <p>18. Таълим муассасасининг барча хоналарида, омборхонада ва ёрдамчи биноларнинг кўринарли жойларида ёнгин хавфсизлиги хизматининг телефон рақамлари ёзилган эслатма ёзувлари бўлиши керак.</p> <p>19. Таълим муассасаси биноларида ўрнатилган ички ёнгин ўчириш жўмраклари сув тармоғига уланган бўлиб, маҳсус ёнгин қутилари ичидаги жойлаштирилиши керак. Дастаклар ёнгин ўчириш ички жўмрагига улаб қўйилган бўлиши керак</p>	<p>бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши ва кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.</p> <p>15. Ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар билан ёнгин хавфсизлиги бўйича машғулотлар ўтказилиши ҳамда уларга ёнгиннинг олдини олиш бўйича йўл-йўриқлар берилиши керак.</p> <p>16. Ўқув-ишлаб чиқариш хоналари, омборхона ва ёрдамчи биноларнинг кўринарли жойларида ёнгин хавфсизлиги хизматининг телефон ракамлари ёзилган эслатма ёзувлари бўлиши керак.</p> <p>17. Таълим муассасаси биноларида ўрнатилган ички ёнгин ўчириш жўмраклари сув тармоғига уланган бўлиб, маҳсус ёнгин қутилари ичидаги жойлаштирилиши керак. Енг ва дастаклар ёнгин ўчириш ички жўмрагига улаб қўйилган бўлиши керак.</p>
--	---

103-чизма. Таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория, информатика хоналари ва спорт залида бажариладиган ишларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

Ўқув лаборатория хоналарига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Таълим муассасаси биносига туташ ҳолда қурилган ўқув лаборатория хоналари бошқа хоналардан товуш ютувчи воситалар билан ҳимояланган бўлиши лозим.
2. Ўқув лаборатория хоналаридағи чиқиндилар ҳар доим йиғишириб олиниши лозим.
3. Ўқув лаборатория хоналарининг поли иссиқ, текис ва тозалаш учун қулай бўлиши лозим.
4. Ўқув лаборатория хоналарининг деворлари силлиқ бўлиши, бўёқ билан қопланиши ва намлаб тозалаб туриш учун қулай бўлиши лозим.
5. Ўқув лаборатория хоналари ичимлик суви билан таъминланиши лозим.
6. Ўқув лаборатория хонасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун тибиёт қутичаси (аптечка) билан таъминланган бўлиши лозим.
7. Ўқув лаборатория хоналарида ўқувчиларнинг устки кийимларини сақлаш учун алоҳида шкаф ажратилган бўлиши лозим.

Физика ўқув лаборатория хоналарида ишлашда хавфсизлик талаблари

1. Ўқитувчи физика ўқув лаборатория хонасида ишлаш қоидалари, иш жараёнида юзага келадиган хавфли вазиятлар ва эҳтиёт чоралари бўйича ўқувчиларга тушунча бериши лозим.
2. Ўқитувчи физика ўқув лаборатория ишини бажариш жараёнида иш жойини тўғри ташкил этиши, ишни хавфсиз ҳолда бажаришга эришиш ва химоя воситаларидан

фойдаланиши керак.

3. Физика ўқув лабораторияда тажриба намойишларини бажариш жараёнида ўқувчининг хатти-харакатларини доимий равишда ўқитувчи ва лаборант томонидан кузатиб борилиши лозим.

4. Физика ўқув лаборатория ишлари ва тажриба намойишлари хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда тайёрланиши лозим.

5. Синфда поллар зич, линолиум қопланган, иссиқни сақлашга мослашган бўлиши керак.

6. Физика ўқув лаборатория хонасида мунтазам равишда ҳарорат $18^{\circ}\text{C} - 21^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг намлиги 40 – 60 фоиз бўлиши керак.

Кимё ўқув лаборатория хоналарида ишлашда хавфсизлик талаблари

1. Кимё хонасида машғулотлар ўтказилаётганда ҳар бир ўқувчи меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномаси талаблари билан таништирилган бўлиши ва танишганлиги ҳақида журналга қайд қилиниши лозим.

2. Кимё ўқув лаборатория хонасида ўқитувчи ёки лаборант тажрибаларни бажаришдан олдин мўрили шкафнинг ишга яроқлилигини текшириб кўриши лозим.

3. Кимё ўқув лаборатория хонасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт қутичаси (аптечка) билан таъминланган бўлиши керак, (унинг таркибида: бинт, пахта, жгут; 5 фоизли йод, 10 фоизли натрий гидрокарбонат, 1 фоизли калий пермонганат, борат кислотаси (3 фоизли 10 мл.), 5 фоизли аммиак эритмаси (ампулада), валерианка таблеткаси, антисептик препаратлар (перекис-водород), фурацилин таблетка, оғрик қолдирувчи таблеткалар, қайчи ва пинцет бўлиши лозим).

4. Кимё хонасининг поллари зич линолиум билан қопланиши ва иссиқни сақлашга мослашган бўлиши керак.

5. Кимё хонаси электр токи, сув ва оқова сув таъминоти билан таъминланган ҳамда давлат стандарти талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Биология ўқув лаборатория хоналарида ишлашда хавфсизлик талаблари

1. Биология ўқув лаборатория хонасида машғулотларни ташкил этиш жараёнида ўқувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари бўйича йўриқнома талаблари билан таништирилган бўлиши ва танишганлиги ҳақида журналга қайд қилиниши лозим.

2. Биология ўқув лаборатория хонасидаги асбоблар, мосламалар, приборлар носозлиги аниқланганда ва ёнғин хавфсизлиги бўйича ҳар қандай хавф туғилганда ўқитувчи ушбу таълим муассасасининг раҳбариятига хабар бериши лозим.

3. Биология ўқув лаборатория хонасида машғулотлар ўтказилаётганда иш жойини тоза сақланиши ва шахсий гигиена талабларига қатъий риоя қилиниши шарт.

4. Биология ўқув лаборатория хонасининг ҳавосини тозалаб туриш учун дераза ойналарини вақти-вақти билан очиб туриш лозим.

5. Шиша идишлар синган пайтда кўл билан йиғиштирмаслик, чиқиндиларни йиғиш воситаларидан ёки супургидан фойдаланиш керак.

6. Биология ўқув лаборатория хонасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт қутичаси (аптечка) билан таъминланган бўлиши лозим.

7. Машғулот тугагандан сўнг биология ўқув лаборатория хонасида ишлатилган жиҳозларни тартибга келтириш лозим.

Информатика ўқув хоналарида ишлашда хавфсизлик талаблари

1. Информатика ўқув хонасида қуйидагилар тақиқланади:

хонага қишики устки кийимда кириш;

компьютер ва унинг қурилмаларини электр тармоғига рухсатсиз улаш ёки ўчириш;

компьютер экранига кўл ва бошқа нарсаларни теккизиш;

компьютер қурилмаларининг уланиш жойларига ва электр тармоқ манбаларига тегиши;

компьютер курилмалари яқинида иситиш асбобларидан фойдаланиш;
компьютер курилмаларининг яқинида тез ёнувчи моддали идишларни очиш ва ишлатиш;
компьютер ва унинг бошқа курилмалари устига турли буюм ва кийимларни кўйиш;
нам кўл билан компьютер қурилмаларига тегиши ва уларни улаш;
компьютер курилмаларнинг тешикларига авторучка, чизғич ва бошқа нарсаларни тиқиши;
компьютер клавишиларини босишида куч ишлатиш;
компьютер ишлаб турганда қаровсиз қолдириш;
компьютер ишлаб турган ҳолатда тозалаш ишларини олиб бориши.

2. Компьютер мониторига табиий ёруғликнинг асосий оқими чапдан тушиши керак.

3. Информатика ўкув хонасининг кенглиги 6 м дан ортиқ бўлган хоналарни икки томонлама ёритишида баландлиги 2,2 – 2,9 м дан ошмайдиган дераза бўлиши лозим.

4. Информатика ўкув хонасида табиий ёруғликнинг асосий оқими компьютерда ишловчининг орқа ва олд томонидан йўналган бўлиши мумкин эмас.

5. Информатика ўкув хонасининг доскаси сунъий ёритишида икки томондан бир хил узокликда ва бир текисда жойлаштирилган, шифтда қотирилган ёки осилган люминесцент ёритқичлар асосидаги умумий ёритиш тизими кўлланилиши лозим. Ёритқичлар ва деразалар компьютер экранида акс этиши мумкин эмас.

6. Информатика ўкув хоналарида сунъий ёритишида ўкувчи столи сатхининг ёритилиш даражаси 300 – 500 lk оралиғида бўлиши керак.

7. Информатика ўкув хоналарида ҳавонинг органик табиатли антропоген моддалар ва диоксид углерод билан ифлосланиши сабабли ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳарорат ва намликтин оптималь ҳолатда бўлишини таъминлай оладиган ҳаво ҳайдовчи шамоллатиш воситалари бўлиши лозим.

8. Информатика ўкув хонасининг электр таъминоти электротехника ҳавфсизлиги талаблари асосида бўлиши лозим.

9. Компьютер столларига электр манбаининг тортилиши қўзғалмайдиган ва кўринмайдиган бўлиши лозим.

10. 166. Электр манбаини улаш ва ўчириш қурилмасининг жойлашиши ўқитувчига электр токини зудлик билан ўчириш имкониятини бериши лозим. Уни синф доскасининг чап ёки ўнг томонига ўрнатиш тавсия этилади.

11. Информатика ўкув хонасида ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланиш муддати кўрсатилган ва тўлдирилган ўт ўчиргич бўлиши лозим.

12. Деворларни бўяшда очик рангли бўёқлардан фойдаланиш лозим. Бўёқ таркибида оҳак кукунлари бўлмаслиги лозим.

13. Информатика ўкув хонасидаги синф доскаси, иш столлари ва жавонларнинг сатхи нур қайтармайдиган бўлиши лозим.

14. Пол юзаси текис, сирпанмайдиган, тозалашга қулай ва ток ўтказмайдиган бўлиши керак.

15. Информатика ўкув хонасидаги заарли кимёвий моддаларнинг ҳаводаги миқдори ҳаво атмосферасининг суткалик концентрациясидан ошмаслиги лозим.

Спорт залида ишлашда ҳавфсизлик талаблари

1. Спорт залидаги жихозларнинг барчаси гигиеник, стандарт талабларига ҳамда ҳавфсизлик техникаси талабларига жавоб бериши лозим. Электр тармоқлари ҳавфсизлик қоидаларига жавоб берадиган ҳолда ўрнатилган бўлиши, сунъий шамоллатиш воситаларидан тўғри фойдаланиш керак.
2. Спорт зали ва қўшимча хоналар (юваниш, кийиниш) тозалашга қулай бўлиши лозим.
3. Спорт залининг деворлари полдан 1,75 см баландликда, бир хил рангга бўялган бўлиши ёки полдан 1,75 см баландликда бўлган текис тахтали панель билан қопланган

бўлиши керак.

4. Спорт залининг пол юзаси текис бўлиши ҳамда ёриқ жойлари бўлмаслиги керак.
5. Спорт залининг шифт қисми мойли бўёқда бўялган бўлиши лозим.
6. Спорт залининг иситиш тизими девор сатҳида текис ўрнатилиб маҳсус ёғоч панжаралар билан қопланган бўлиши керак.
7. Спорт залида мунтазам равишда ҳарорат $18^{\circ}\text{C} - 20^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг намлиги 50 – 60 фоиз бўлиши керак.
8. Спорт залининг деразаси полдан камида 1,5 м баландликда жойлашган бўлиши лозим.
9. Спорт залидаги электр таъминоти белгиланган талаблар асосида бўлиши ҳамда спорт залини бир текис ёритиб (200 lk) туриши керак.

104-чизма. Таълим муассасаларининг ўқув устахоналарида бажариладиган ишларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

Умумий талаблар

1. Ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ГОСТ 12.3.002-75 «Ишлаб чиқариш жараёнлари. Умумий хавфсизлик талаблари»га мувофиқ бўлиши лозим.
2. Ишлаб чиқариш хоналаридаги технологик жараёнларининг хавфсизлиги қўйидаги талабларни амалга ошириш орқали таъминланади:
 - ишлаб чиқариш ускуналарига хизмат кўрсатиш тартибидаги технологик жараёнларни (иш турларини), иш усуллари ва режимларини қўллаш;
 - хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларининг тарқалишини чекловчи воситаларни қўллаш;
 - ишлаб чиқариш жараёнлари атроф мухитнинг (ҳаво, тупроқ, сув ҳавзалари) ифлосланишига ва заарли омилларнинг тегишли меъёрларидан ортиқ даражада тарқалишига олиб келмаслиги шарт.
3. Технологик жараёнларни амалга оширишда иш бажариладиган дастгоҳ ва механизмлар кетма-кетлиги блокировка тизими билан таъминланган бўлиши зарур. Авария ҳолатида бирор бир механизм тўхтаб қолса, барча дастгоҳ ва механизмларнинг тўхташи назарда тутилган бўлиши керак.
4. Ускуна ва автоматлаштирилган тармоқларда улар ишга туширилганлигини билдирувчи овозли ва ёруғлик сигналлари бўлиши керак. Сигнал элементлари (электр қўнғироқ ва ўчиб-ёнувчи лампа) механик бузилишлардан ҳимояланган бўлиб, хизмат кўрсатувчи ходимлар эшитадиган даражада бўлиши лозим.
Линияни тўхтатгандан сўнг, овозли ва ёруғлик сигнални бермасдан уни ишга тушириш тақиқланади.
5. Технологик жараёнлар соз асбоб-ускуналар ва назорат-ўлчаш асбоблари, ҳимоя тўсиқлари, блокировкалар ҳамда ишга туширувчи аппаратлари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши лозим.

Ўқув устахоналарида ишлашда хавфсизлик талаблари

1. Ўқув устахонасида ишлатиладиган барча жиҳозлар соз, ишчи ҳолатда ва ишончли ўрнатилган бўлиши лозим.
2. Ўқув устахонасидаги жиҳоз ва механизмлар ўз жойига ўрнатилиши, барча зарурий ҳимоя воситаларига эга бўлиши керак.
3. Ўқув устахонасидаги жиҳоз (станок, машина, механизм, дастгоҳ)ларнинг жойлаштирилиши ўрнатиш меъёрлари ва иш шароити талабларига жавоб бериши керак.
4. Детал ва материаллар маҳсус ажратилган жойларда, ўтиш жойларини тўсмайдиган ва хизмат кўрсатишга халақит бермайдиган қилиб жойлаштирилиши лозим.
5. Арқонли, тишли ва занжирли узатмалар яхлит тўсиқлар билан тўсилиши керак. Технологик ускуналарни тўсиқларсиз ишга тушириш тақиқланади.
6. Ҳаракатланадиган ёки айланадиган буюмларнинг ускунадан чиқиб турувчи қисми

тўсилиши ва мустаҳкам тутиб турувчи мосламага эга бўлиши керак.

7. Мўрт металлга ишлов беришга мўлжалланган барча станоклар ва фрезалаш станоклари амалий машғулот жараёнида улардан учиб чиқадиган қириндилардан химояланиш учун мустаҳкам тўсиққа эга бўлиши керак.

8. Жиҳозлар яшил рангга, тўсиб қўйилиши керак бўлган жойлар қизил рангга бўялган бўлиши керак.

9. Қиринди, чанг ва чиқитлар фақат илгак, маҳсус мослама (щётка) ва бошқа ёрдамчи воситалар билан тозаланиши лозим.

10. Жиҳоз ёки ускуналарни ишлаб турган пайтда таъмирлаш тақиқланади.

11. Ёғоч ва металлга ишлов бериш устахонасида сунъий ёритилганлик даражаси люминесцент лампа – 300 lk, чўғланма лампа – 200 lk, тикувчилик устахонасида люминесцент лампа – 400 lk, чўғланма лампа – 300 lk бўлиши лозим.

105-чизма. Таълим муассасаларининг амалиёт хоналарида бажариладиган ишларга (технологик жараёнларга) қўйиладиган хавфсизлик талаблари

Қурилиш (турлари бўйича) тайёрлов йўналиши касблари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Дастакли асбоблар (арра, болта, теша, исказа, ранда, омбир, очқич, белкурак, эгов, лом, андава ва бошқалар) соз ҳолда дастаси бутун ва мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керак.

2. Амалиёт вақтида ишлатиладиган асбоблар фойдаланишга ярокли, кесувчи қисмлари маҳсус текширув ва синашдан ўтган, чарх дастгоҳлари муҳофаза соябонлари ва муҳофаза экранлари билан таъминланган бўлиши зарур.

3. Механизациялаштирилган ҳар қандай асбобни оддий ва икки оёқли нарвонларда туриб ишлаш тақиқланади. Электр тармоғига ёки сиқилган ҳаво тармоғига уланган механизациялаштирилган асбобни назоратсиз қолдириш тақиқланади.

4. Ҳар бир механизациялаштирилган жиҳозга хавфсизлик техникаси талаблари, энг кўп юклама ва тезлиги, қўшимча бажариши мумкин бўлган операциялар ва сигналлар тизимиига оид маълумотларни йўриқнома тарзида ёзib қўйилиши керак.

5. Бетон қоришмасини тайёрлаш, ётқизиш ва зичлаш ишларини бажаришда амалдаги меъёрларга мувофиқ ўқувчи-талабаларга маҳсус кийим ва маҳсус пойабзал билан таъминланган бўлиши керак.

6. Сувоқ ишларини бажараётганда сувоқчи оҳак ёки қоришка зарраларидан кўзини асрashi лозим. Қоришка таркибида организмга заарли таъсир этувчи омиллар бўлса, ўқувчи-талабалар улардан муҳофазаланиш учун доимо қўлқоп ва бошқа шахсий химояланиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

7. Бино ичida пардозлаш ишларини бажараётганда ўқувчи-талабаларга бўёқдан чиқадиган кимёвий ва заҳарли моддаларнинг хидларидан химояланиш учун улар респиратор, кўзойнак ва зарур ҳолларда противогазлар билан таъминланган бўлиши шарт.

8. Дастгоҳнинг кесиши асбоблари ва ҳаракатланувчи қисмларини кўлда ёки бирор бир буюм билан тўхтатиш тақиқланади.

9. Дастгоҳни бошқариш қисмлари (босиши тугмалари, ричаглар, дасталар) полдан 0,8-1,2 м баланд жойлашиши ва дастгоҳидан узоғи билан 0,6 м масофада унга қўл bemalol кирадиган бўлиши керак. Уларнинг тасодифан ишга тушиш ҳолатларидан олди олинган бўлиши шарт.

10. Дастгоҳ ишлаб турганда уни тузатиш, тозалаш ва мойлаш тақиқланади.

Тўқимачилик саноати ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси тайёрлов йўналишлари касблари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Асосий меҳнат операцияларининг бажариши кўриш, эшитиш ва ҳаракат анализаторларининг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, тик ҳолатда узоқ турishни ва диққатни

талаң этади.

2. Заарли факторлар ўқувчи-талабалар организмига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида машғулотларни ҳаво тортгичлари мавжуд бўлган устахоналарда ўтказиш лозим.

3. Иш ўринларида заарли факторларнинг миқдори белгиланган миқдордан ошмаслиги керак.

Озиқ-овқат технологияси (турлари бўйича) тайёрлов йўналиши касблари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш амалиёти санитария-гигиеник талабларига жавоб берадиган нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлиб чиқариш маҳсус хоналар (цехлар)да, технологик жиҳозлар билан жиҳозланган устахоналарда олиб борилиши керак.

2. Заарли факторлар ўқувчи-талабалар организмига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида машғулотларни ҳаво тортгичлари мавжуд бўлган устахоналарда ўтказиш лозим.

3. Ўқувчи-талабаларнинг жароҳатланишларини олдини олиш мақсадида ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш амалиётлари меҳнат ва техника хавфсизлиги талабларига мувофиқ ташкил қилинган бўлиши лозим.

4. Технологик жиҳозларнинг жойлашуви (ўрнатишда) оралиғи камидаги 1 м дан, алоҳида жиҳозлар оралиғи эса 0,8 м дан кам бўлмаслиги лозим.

5. Ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш амалиёти хоналарининг микроиқлими ГОСТ 12.1.005-76 «Иш зонаси микроиқлими» талабларига асосан таъминланган бўлиши керак.

6. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлиб чиқариш билан боғлиқ амалий машғулотларда қатнашувчи мұхандис-педагог, ўқувчи-талабалар тиббий қўриқдан ўтиши шарт.

Қишлоқ хўжалиги йўналиши касблари амалиётларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш амалиёти санитария-гигиеник талабларига жавоб берадиган маҳсус хоналар (кичик технологик цехлар)да, технологик жиҳозлар билан жиҳозланган устахоналарда олиб борилиши керак.

2. Ўқувчи-талабаларнинг амалиётларини ўтказишга мўлжалланган лаборатория-амалиёт хонаси механик шамоллатиш тизимиға эга бўлган, йилнинг совуқ кунларида ҳарорат 14°C дан паст бўлмаган алоҳида бинода жойлаштирилиши лозим.

3. Қишлоқ хўжалик мавсумий иш даврида ишлиб чиқариш амалиёти иккита сменада ташкил қилиниши, бунда ҳар бир агрегатга иккита ўқувчи-талаба бириктирилади ва иш вақти бир сменада олти соатдан ошмаслиги керак.

4. Фермер хўжаликларида ўқувчи-талабаларнинг ишлиб чиқариш амалиёти гурухларга ажратилган ҳолларда иш жойи ва техника билан таъминланган шароитда ташкил қилиниши ва улар билан доимий равишда ишлиб чиқариш устаси шуғулланиши шарт.

Металларга ишлов бериш механизми касби амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш устахоналари, цех ва бўлимларда дастгоҳлардан фойдаланишда паст бўйли ўқувчи-талабалар учун бўйига мос ҳолда баландлиги камидаги 5–15 см бўлган оёқ остига қўйиш учун таглик бўлиши лозим.

2. Дастгоҳларни жойлаштиришда ўтиш жойининг қулайлиги кўзда тутилган бўлиши, дастгоҳлар орасидаги масофа 0,8 м дан ва қаторлар орасидаги масофа эса 1,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

3. Ишлов бериладиган деталларнинг оғирлиги 8 кг дан ва мосламаларнинг оғирлиги 20 кг дан ортиқ бўлганда маҳсус юқ кўтарувчи мосламалардан фойдаланиш керак.

4. Металларга совуқ ҳолда ишлов беришда мойлаш-совутиш суюқликлари қўлланганда ўқувчи-талабаларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

мойлаш-совутиш суюқликлари сачрашини олдини олиш, дастгоҳ, ишлов берилувчи деталлардан ва ишчи асбоблардан оқиб тушишидан ҳимояланиш учун дастгоҳлар экран, шит ва бошқа мосламалар билан жиҳозланган бўлиши;

дастгохларни тозалаш материаллари ювилган ва дезинфекцияланган бўлиши ва ундан ўқувчи-талабалар қўлларини артмасликлари;
қўлни минерал мойлардан тозалашда органик эритувчилардан фойдаланмаслик;
мойлаш-совутиш суюқликлари таъсирида терининг яллиғланишини олдини олиш мақсадида рухсат этилган юувучи воситалардан фойдаланиш;
ишдан сўнг устки ва ички кийимларни алмаштириш, душ қабул қилиш ва иш кийимларида уйга кетмасликлари.

Электроника ва радиотехника тайёрлов йўналиши амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни ўкув ва ўқув-ишлиб чиқариш амалиёти санитария-гиgienик талабларига жавоб берадиган ҳамда технологик жиҳозлар билан жиҳозланган устахоналарда олиб борилиши керак.
2. Иш жойини тоза тутиш мақсадида қотишма ва канифоллар маҳсус идишларга солиниши керак.
3. Ўкув ва ўқув-ишлиб чиқариш амалиётида ўқувчи-талабаларнинг ҳар бири маҳсус иш столи билан таъминланиши лозим.

Кимёвий технология, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси йўналишлари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Ўкув ва ўқув-ишлиб чиқариш амалиётларида ўқувчи-талабалар қўйидаги заарли кимёвий моддалар билан ишлаши тақиқланади:
 - 1-тоифага тегишли (ўта хавфли) моддалар;
 - концероген моддалар (анил бўёқлари, баъзи металлар – хром, никель, улар бирикмалари, бензол, винилхlorид ва бошқалар);
 - комулятив моддалар (симоб, қўрғошин ва бошқалар);
 - узоқ вақт ишлаш натижасида мутаген, эмбриотроп, гонадотроп ва тератоген таъсирини келтириб чиқарадиган моддалар (бензол ва унинг гомологи, мишақ, хлоропрен ва бошқалар);
 - тери ва шиллиқ пардага салбий таъсир этувчи ва ўткир ҳидли моддалар (меркаптанлар, акролеин, ацетальдегид ва бошқалар);
 - аллергияни қўзғатувчи моддалар (урсол, нитро ва нитрозо аралашмалари ва бошқалар) билан ишлаши.
2. Диплом олди амалиёти чоғида иш ҳажми қўйидагича олиб борилиши лозим:
 - биринчи ойда конвейрда ишлагандан иш (нормаси) меъёри катталарнидан 75-80 фоиздан кам бўлиши;
 - тунги сменадаги ишдан озод этилиши.
3. Иш жойларининг ҳавосини янгилашни назорат қилиб туриш лозим.
4. Ишлиб чиқариш амалиётида ўқувчи-талабалар турли таъмирлаш ишларида иштирок этиши ва газ портлаши хавфи бор жойларда ишлаши тақиқланади.

Кончилик иши тайёрлов йўналиши касблари амалиётига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1. Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни ўкув ва ўқув-ишлиб чиқариш амалиёти санитария-гиеник талабларига жавоб берадиган ҳамда технологик жиҳозлар билан таъминланган устахоналарда ҳамда ўкув ва ўқув-ишлиб чиқариш шахта полигонларида олиб борилиши керак.
2. Ишлиб чиқариш амалиёти даврида иш берувчилар ва ишлиб чиқариш таълим усталари томонидан ўқувчи-талабаларнинг организми ишлиб чиқариш шароитларига кўнишишларини таъминлашлари лозим.
3. Ишлиб чиқариш амалиётининг биринчи ойда ўқувчи-талабаларнинг ишлаш меъёри, ишчининг ишлаш меъёрининг 60 фоизини ташкил этиши, бунда битта ишчи ўрнига иккита ўқувчи-талаба жойлаштирилиши лозим.
4. Шахталарда ишлиб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчи-талабалар шахсий ҳимоя воситалари, маҳсус кийим ва маҳсус пойабзал билан таъминланиши лозим.

106-чизма. ЎзР ОЎМТВ Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг лавозимлари ва тоифалари

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг лавозимлари ва тоифаларининг норматив ва методик асослари	Академик лицейда (АЛ) ходимларнинг лавозими ва тиофалари	Касб-хунар коллежида (КХК) ходимларнинг лавозими ва тоифалари
ЎзР Президентининг 30.07.2008 й. ПҚ-929-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори	<ul style="list-style-type: none"> • Директор • Ўқув ишлари бўйича директор ўринbosари • Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари • Маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринbosари • Чакирувгача тайёргарлик раҳбари • Жисмоний тарбия раҳбари • Бош ўқитувчи • Етакчи ўқитувчи • Катта ўқитувчи • Олий маълумотли ўқитувчи • Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи • Психолог • Тарбиячи • Ишлаб чиқариш таълими устаси • Услубчи • Тўграк раҳбари • Маданият ва санъат академик лицейи концертмейстри • Академик лицей концертмейстри 	<ul style="list-style-type: none"> • Директор • Ўқув ишлари бўйича директор ўринbosари • Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosари • Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринbosари • Маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринbosари • Чакирувгача тайёргарлик раҳбари • Жисмоний тарбия раҳбари • Катта уста • Ўқув ишлаб-чиқариш устахонаси мудири • Бош ўқитувчи • Етакчи ўқитувчи • Катта ўқитувчи • Олий маълумотли ўқитувчи • Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи • Психолог • Тарбиячи • Ишлаб чиқариш таълими устаси • Услубчи (Методист) • Тўграк раҳбари • Олимпия захиралари коллежи тренер-ўқитувчиси • Спорт коллежи тренер-ўқитувчиси • Олимпия захиралари инструктор-услубчиси • Маданият ва санъат КХК концертмейстри • КХК концертмейстри
ЎзР Вазирлар Махкамасининг 01.08.2008 йил 1 августдаги 165-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори		
ЎзР Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, ЎзР ВМ Давлат тест марказининг 2008 йил 25 августдаги 39, 36/КҚ, 01-275-сон қарори қўшма қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 29.08. 2008 й. 1845-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди		
“Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими асосий лавозимлари малака тавсифларини тасдиқлаш ҳақида” ЎзР ОЎМТВ Ўрта махсус, касб-хунар таълими Марказининг 30.12.2012 й. 41-сонли бўйруғи		
ЎзР ОЎМТВ Академик лицей ва Касб-хунар коллежларининг раҳбар ходимлари, ўқитувчилари, муҳандис педагоглари ўртасида мансаб вазифаларини тақсимлаш тартиб қоидалари. Услубий қўлланма. Самарқанд, 2014.-60 б.		

**107-.чизма. Академик лицей ва касб-хунар коллекти
директорининг лавозим функциялари ва ҲФХ
таъминлашдаги вазифалари**

Т/р	Лавозим функциялари	ҲФХни таъминлаш вазифалари
1.	ЎзР Таълим ва кадрлар тайёрлашга оид қонун ҳужжатларининг АЛ ва КҲҚда бажарилишини таъминлайди	ҲФХ оид қонун ҳужжатларини АЛ ва КҲҚда бажарилишини таъминлайди
2.	Таълим муассасаси фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади,	ҲФХ менежментини ташкил этади
3.	Педагогик кенгашни бошқаради	Ҳар ойда камида бир маротаба Педагогик кенгаш кун тартибига ҲФХ оид масалани киритади ва тегишли қарорни қабул қилиниши ҳамда амалда бажарилишини назорат қилади
4.	Таълим сифатини яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, ривожлантириш ва мукаммаллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди	ҲФХ таълимини унинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан тарзда олиб борилишини таъминлайди
5.	Ўқув-тарбия жараёнининг барча босқич ва бўлимлари фаолиятини ташкиллаштиради	Ўқув-тарбия жараёнининг барча босқичларида корпоратив субъектларининг хавФСИЗ фаолият юритиш-ларини ташкиллаштиради
6.	Ўқув жараёнига ДТС, ўқув режалари ва дастурларини киритишини таъминлайди, уларни татбиқ этиш назоратини амалга оширади	Ўқув жараёнига ҲФХ бўйича ДТС, ўқув режа ва дастурларни тадбиқ этилишини назорат қилади
7.	Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси Устави талабларига риоя қилишини таъминлайди	Таълим муассасаси Уставида ҲФХ талабларини кириши ва унга риоя қилишини таъминлайди
8.	Давлат ва жамоат ташкилотларида ўрнатилган тартибда таълим муассасаси манфаатларини ҳимоя қилади	Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларида таълим муассасасида бехатар фаолият кўрсатишига оид масалаларни кўтариб чиқади ва уни амалга оширишда бош-қош бўлади
9.	Таълим муассасасининг йиллик ва ойлик иш режаларини тасдиқлайди ҳамда педагоглар йиллик иш режаларининг бажарилишини назорат қилади	Таълим муассасасининг йиллик ва ойлик иш режаларига ҲФХни ҳам ўқув, ҳам амалиёт нуқтаи назардан киритилишига эришади ва унинг бажарилишини назорат қилади
10.	Ўқувчилар томонидан тизимли билимлар олиш ва уларга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш, базавий ўқув, илмий ва умуммаданий билимлар, ижодий, мустакил фикрлашни шакллантириш, меҳнат кўнкимлари, танланган касбга ва атроф-муҳитга онгли муносабатни юзага келтиришни таъминлайди	Ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларидан келиб чиққан тарзда уларга ҲФХдан тегишли билим, кўникма ва малакалар берилшини, унинг регионал жиҳатлари ва ихтисосликга томон йўналтирилган таълимни юзага келтиришни таъминлайди

11.	Ўкув жараёнига мукаммалашган ва самарали педагогик технологиялар ва таълим воситаларини киритади	ҲФХ таълимига педагогик технологиялар ва воситаларни тегишли полигон, лаборатория ва жиҳозланган хоналарда ўтилишини таъминлайди
12.	Ўз ваколати доирасида таълим муассасасининг молия хўжалик масалаларини ҳал этади, бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий маблағларни шакллантиради ва улардан самарали фойдаланишини таъминлайди	ҲФХ таълими ва амалиётини йўлга қўйишда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишини таъминлайди
13.	Ўкув жиҳозлари ва бошқа ўқитиши воситаларининг сақланишини таъминлайди, моддий-техник базасини ривожлантириш ишларини ташкил этади	Таълим муассасасида бор ўкув жиҳозлари ва воситаларининг ҲФХ ўкув курсини талаб даражасида ўтилишига жалб этади ва бир пайтнинг ўзида ҲФХни моддий-техник базасини ривожлантириш ишларини ташкил этади
14.	Педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларни аниқлайди, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, штат жадвалини белгиланган хизмат доирасида тасдиқлайди	ҲФХ ўкув курсидан ким ва қандай дарс беришини, унинг тегишли малака ошириш ёки қайта тайёрлаш курсларидан ўтиб келишини таъминлайди
15.	Педагогик ходимлар аттестациясини ташкиллаштиради	Педагогларни ҲФХ бўйича аттестациядан ўтишиини ташкиллаштиради
16.	Ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузади	Ходимлар билан шартнома тузишида ҲФХга оид йўриқномалар билан таништиради
17.	Меҳнат, ишлаб чиқариш, ижро интизоми ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини таъминлайди	Педагог ва ходимларни меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини таъминлайди
18.	Ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича маҳсус комиссияга бошчилик қиласи, комиссия қарори асосида ходимларга кўшимчалар, бир маротабалик мукофотлар ва моддий ёрдамни тайинлайди	ҲФХни таъминлашда ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича маҳсус комиссияга бошчилик қиласи, комиссия қарори асосида ходимларга кўшимчалар, бир маротабалик мукофотлар ва моддий ёрдамни тайинлайди
19.	Ўқувчиларнинг билим сифатини ДТСга мувофиқлиги, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини таъминлайди ва назорат қиласи	Ўқувчиларнинг ҲФХ бўйича билим сифатини ДТСга мувофиқлиги, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини таъминлайди ва назорат қиласи
20.	Педагог ходимларни рағбатлантириш учун ДТС талаблари бажарилишини холис ҳисобга олинишини ташкиллаштиради	Педагог ходимларни рағбатлантириш учун ҲФХ бўйича ДТС талаблари бажарилишини холис ҳисобга олинишини ташкиллаштиради
21.	Ўқитувчилар фаолияти самарадорлиги ва сифатини баҳолаш учун ўқувчилар ўртасида танланма тестларни ташкил этади	ҲФХдан дарс берадиган ўқитувчилар фаолияти самарадорлиги ва сифатини баҳолаш учун танланма тестларни ташкил этади

22.	Ўқувчиларни дарслик ва ўқув кўлланмалари билан таъминланишини ташкил этади	Ўқувчиларни ҲФХ оид ўқув, ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашни ташкил этади
23.	Васийлик кенгаши, ота-оналар, маҳалла қўмитаси, жамоат ва ҳомий ташкилотлари билан ўқув-тарбия ишларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ишларини ташкил этади	Васийлик кенгаши, ота-оналар, маҳалла қўмитаси, жамоат ва ҳомий ташкилотлари билан ҲФХга оид ҳамкорликни ташкил этади
24.	Ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этади, корхона, ташкилот ва муассасалар билан ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш бўйича шартномалар тузади	Ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш амалиёти вақтида ҲФХ оид корхона, ташкилот ва муассасалар билан шартномалар тузади ёки умумий шартномада уни акс эттиради
25.	Ўсмирларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ва муҳофазалаш бўйича талабномаларга амал қилинишини таъминлади, меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини олиб боради	Ўқувчилар ўртасида меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини олиб боради
26.	Таълим муассасаси фаолияти ҳақида ҳисоботлар тайёрлайди	Таълим муассасаси фаолияти ҳақидаги ҳисоботларга ҲФХга доир ишларни киритади
27.	Буйруқлар чиқаради	ҲФХни таъминлашга оид буйруқлар чиқаради
28.	Ходимлар учун ижтимоий-маиший шароитлар яратади	Инсон хукуклари нуқтаи назардан ходимлар учун барча шароитларни яратиб беришга бошчилик қиласди
29.	Малака ошириш учун шароитлар яратади	ҲФХ бўйича малака ошириш ва уларни тегишли билим, кўнукма ва малака ҳосил қилишини талаб этади ва у учун шароитлар яратади
30.	Ходимларнинг мажбуриятлари, вазифаларини белгилайди ва улардан алоҳида ўrnak кўrsatgancharini muhofotlash va raғbatlanтириш учун tавсия beradi	Ходимларнинг муассасадаги хавfсизlikni таъминлашга доир мажбуриятлари ва вазифаларини белгилайди, улардан алоҳида ўrnak kўrsatgancharini muhofotlash va raғbatlanтириш учун tавсия beradi
31.	Ўз ваколати доирасида жазо чораларини кўллайди	Мехнат муҳофазаси ва техника хавfсизligiga riоя қilmagan xodimlararga nisbatan, ўз ваколати доирасида, жазо чораларини кўллайди
32.	Жамоа аъзолари ва ўқувчилар контингенти хукуқларини ҳимоялашга, ҳаёти ва соғлигини муҳофazalaшга fамxўrlik қиласdi	Таълим муассасаси жамоаси ва ўқувчиларни ҳаётини муҳофazalaшга fамxўrlik қиласdi

108-чизма. Академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқув ишилари бўйича директор ўринбосарининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари

Т/п	Лавозим функциялари	ҲФХни таъминлаш вазифалари
1.	Ўқув жараёнини ташкил қиласи, ДТСда белгиланган ўқув, режа ва дастурларнинг бажарилишини таъминлайди	ҲФХ оид ДТСда белгиланган ўқув режа ва дастурларнинг бажарилишини таъминлайди
2.	Педагогик кадрларни танлаш ва ишга жойлаштиришда қатнашади, педагогик жамоанинг ўқув-услубий ишларини бошқаради	ҲФХ ўқув курсини ким ўтиши, қандай билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишини аниқлайди, унинг ўқув-методик ишларини бошқаради.
3.	Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарининг илғор тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришни ташкил қиласи, замонавий педагогик технологияларни татбиқ этади	ҲФХни таъминлашга оид ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштиришни ташкил қиласи, ва ушбу курсни ўтишда замонавий педагогик технологияларни татбиқ этишда бошқош бўлади
4.	Педагог ходимларга методик ёрдамни ташкил қиласи ва амалга оширади	Педагог ходимларга ҲФХ бўйича методик ёрдамни ташкил қиласи ва амалга оширади
5.	Жамоа ва алоҳида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини таҳлил қиласи	Жамоани ва ҲФХ ўқитувчисининг педагогик фаолиятини таҳлил қиласи
6.	Ўқитувчиларнинг йиллик, чорак ва ойлик иш режаларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қиласи.	Ўқитувчиларнинг йиллик, чорак ва ойлик иш режаларида ҲФХга оид бандларни киритилишини таъминлайди ва тасдиқлайди
7.	Ўқитувчиларнинг тасдиқланган иш режалари асосида иш вактини ҳисоблайди ва бажарилишини назорат қиласи	ҲФХ ўқитувчисининг тасдиқланган иш режа бандалрини бажарилишини назорат қиласи.
8.	Дарс жадвали, тестлар, имтиҳонлар ва бошқа ўқув тақдимотлари графигини ишлаб чиқади	ҲФХ бўйича тадбирлар графигини ишлаб чиқади
9.	Ўқув жараёни назоратини ташкил қиласи, таълим стандартлари талабларининг бажарилиши, ўқувчиларнинг хулқи ва ўзлаштиришининг мониторингини амалга оширади	ҲФХ ўқув жараёни олиб бориш назоратини ташкил қиласи, ДТС талабларининг бажарилиши, ўқувчиларнинг ушбу ўқув курсини ўтиш жараёнидаги хулқи ва ўзлаштиришининг мониторингини амалга оширади
10.	Факультатив дарслар ва фан тўгаракларини ташкил этади	ҲФХ факультатив дарс ва тўгаракаларни ташкил қиласи
11.	Ўқув хоналарини кўргазмали ва техник ўқув қуроллари билан, ҳамда ахборот ресурс марказларни китоблар,	Ўқув хоналарида меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлик бўйича кўргазмали қуроллар билан

	журналлар ва бошқа ахборот материаллари билан таъминланиши ва расмийлаштирилишини бошқаради	таъминланиши ва расмийлаштирилишини бошқаради
12.	Фанлар бўйича услугбий (методик) қўлланмалар ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларга услугбий (методик) ёрдам ташкил этиш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратлари ва малакаларини ошириш бўйича ишларни олиб боради, ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини такомиллаштиради	ҲФХ бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларга методик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, турли фан ўқитувчиларининг ҲФХни таъминлашдаги касбий маҳоратлари ва малакаларини ошириш бўйича ишларни олиб боради, ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини такомиллаштиради
13.	Гурух журналларининг юритилиши ва сақланишини таъминлайди, гурух раҳбарлари фаолиятини бошқаради ўқув ишларининг ҳолати ва натижалари бўйича хисботлар тайёрлайди, отаоналар билан ҳамкорлик ишларини ташкил қиласди	Гурух журналларида меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлик қоидаларини юритилишини таъминлайди
14.	Педагог ходимлар меҳнатини муҳофазалаш талаблари, санитария-гигиена режими ва техника хавфсизлигига амал қилинишини таъминлайди	Педагог ходимлар меҳнатини муҳофазалаш талаблари, санитария-гигиена режими ва техника хавфсизлигига амал қилинишини таъминлайди
15.	Жамоа аъзолари ва ўқувчилар хукуқларини ҳимоялаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофазалашга ғамхўрлик қиласди	Таълим муассасаси жамоаси ва ўқувчиларни ҳаёти ва соғлигини муҳофазалашга ғамхўрлик қиласди
16.	Директор йўқлигига унинг лавозим мажбуриятларини амалга оширади	Директор йўқлигига унинг ҲФХга доир лавозим мажбуриятларини амалга оширади

109-чизма. Академик лицей ва касб-хунар коллежи маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринbosарининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари

Т/п	Лавозим функциялари	ҲФХни таъминлаш вазифалари
1.	Таълим муассасасида маънавий-маърифий ишларни ташкил қиласди	Таълим муассасасида инсонларни бехатар яшаши энг олий қадрият эканлигига доир маънавий-маърифий ишларни ташкил қиласди
2.	Тарбиявий ишлар бўйича йиллик, ойлик иш режаларини ишлаб чиқади, гурух раҳбарларининг тарбиявий ишлар бўйича иш режаларининг бажарилишини назорат қиласди	Гурух раҳбарларининг иш режаларида ўқувчилар меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлик қоидаларига риоя қилётганлигини назорат қиласди
3.	Миллий истиқбол ғояси ва маънавият асосларига кирувчи фанлар бўйича таълим стандартлари талабларининг бажарилишини назорат қиласди, бу фанларнинг ўзлаштирилиши	Миллий истиқбол ғояси ва маънавият асосларига кирувчи фанларда ҲФХнинг маънавий-маърифий хавфсизлик талабларининг бажарилишини назорат қиласди ва

	мониторингини олиб боради	мониторингини олиб боради
4.	Ўқувчиларнинг тартиб-интизоми ва давомати, тарбиявий ишлар самарадорлигининг назоратини амалга оширади	Ўқувчиларнинг хавфсизликни таъминловчи тартиб-интизоми ва давомати, унга оид тарбиявий ишлар самарадорлигининг назоратини амалга оширади
5.	Ётоқхоналарда ўқувчиларнинг яшашига муқобил шароитлар яратади, уларни ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилишини ташкил этади	Ётоқхоналарда ҲФХ талабларига мос мухитни яратади
6.	Спорт секциялари ва қизиқиши бўйича тўгаракларнинг доимий фаолиятини таъминлайди	Тўгаракларда ҲФХ талабларини бажарилишини таъминлайди
7.	Миллий урф-одатлар, тарихий қадриятлар ва буюк аждодларимиз мисолида ўқувчиларнинг ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларини ташкиллаштиради ва назорат қиласди	ҲФХни таъминлашда миллий урф-одатлар, тарихий қадриятлардан келиб чиқкан тарздаги тарбиявий ишларини ташкиллаштиради ва назорат қиласди
8.	Ўқувчиларнинг маънавий-маърифий тарбияси масалаларини ечишга йўналтирилган тарғибот ва ташвиқот кўргазмали воситалари билан жиҳозлашни ташкил этади	Ўқувчиларнинг маънавий-маърифий хавфсизлиги бўйича тарбиясига доир масалаларни ечишга йўналтирилган тарғибот ва ташвиқот кўргазмали воситалари билан жиҳозлашни ташкил этади
9.	Гурух раҳбарлари услубий бирлашмасининг фаолиятини ташкил этади, илғор педагогик тажрибалар алмашиб жараёнини мувофиқлаштиради, тарбиявий ишлар сифати ва натижаларини таҳлил қиласди	ҲФХ таъминлашга тегишли бўлган ишларни гурух раҳбарларининг методик бирлашмаси фаолиятини ташкил этади, хавфсизликни таъминловчи илғор педагогик тажрибалар алмашиб жараёнини мувофиқлаштиради, унинг сифати ва натижаларини таҳлил қиласди
10.	Педагог кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда қатнашади, юқори малакали устозларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганади, умумлаштиради ва тарқатади	Педагог кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда қатнашади, юқори малакали устозларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганади, умумлаштиради ва тарқатади
11.	Тарбиявий ишлар бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларга услубий ёрдамни ташкил этади	ҲФХнинг маънавий-маърифий тарбиясига доир ишларнинг услубий қўлланмаларини ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларга тегишли ёрдам кўрсатишни ташкил этади
12.	Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ва малакасини ошириш ишларини олиб боради	ҲФХ ўқитувчиларининг маънавий-маърифий кўрсатгичлари бўйича ҳам касбий маҳоратини ва малакасини оширишни талаб этади
13.	Санъаткорлар, жамоат арбоблари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ва ижодий кечалар ўтказилишини ташкил қиласди	ҲФХни таъминлашда жонбозлий кўрсатаётган давлат ва жамоат арбоблари, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ва ижодий кечалар ўтказилишини ташкил қиласди

14.	Гурух раҳбарларининг тарбиявий фаолиятини бошқаради, таълим муассасасида тарбиявий ишларнинг ҳолати ва натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлайди, ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этади	Гурух раҳбарларининг хавфсизликга тегишли тарбиявий фаолиятини бошқаради, муассасадаги тегишли тарбиявий ишлар ҳолати ва натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлайди, ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этади
15.	Хуқук-тартибот ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари билан ўқувчилар ўртасида хуқуқбузарликнинг олдини олиш масалалари бўйича ҳамкорлик қиласди	Хуқук-тартибот ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари билан ўқувчилар ўртасида ҲФХга доир хуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича ҳамкорлик қиласди
16.	Педагог ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш талаблари, санитария-гигиена режим ва техника хавфсизлигига амал қилинишини таъминлайди	Педагоглар, ходимлар ва ўқувчилар меҳнатини муҳофазалаш талаблари, санитария-гигиена тартиби ва техника хавфсизлигига амал қилинишини таъминлайди
17.	Жамоа аъзолари ва ўқувчилар контингенти ҳуқуқларини ҳимоялаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофазалашга ғамхўрлик қиласди	Таълим муассасаси жамоаси ва ўқувчиларни ҳаёти ва соғлигини муҳофазалашга ғамхўрлик қиласди
18.	Доимий равишда ўз малакасини ошириб боради	ҲФХнинг маънавий-маърифий жиҳатлари бўйича ўз малакасини оширади

110-чизма. Касб-хунар коллежи ишлаб чиқарииш таълими бўйича директор ўринбосарининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари

Т/р	Лавозим функциялари	ҲФХни таъминлаш вазифалари
1.	Ишлаб чиқариш таълими ўқув жараёнини ташкил этади, ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартларида кўзда тутилган ўқув, тарбиявий режалар ва дастурларнинг бажарилишини таъминлайди	Ишлаб чиқариш таълимига ҲФХни ўқув жараёнини ташкил эта таъминлаш талабларини жорий этади ва унинг бажаралишини таъминлайди
2.	Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарини танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этади	Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарини меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлик йўриқномалари билан таниширади
3.	Ишлаб чиқариш таълими жараёнини бошқаради, устозларнинг, ишлаб чиқариш таълими усталарининг илфор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштиришни ташкил қиласди, замонавий педагогик технологияларни татбиқ этади	Ишлаб чиқариш таълими жараёнидаги ҲФХни таъминланадиганлигини назорат қиласди, ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнат муҳофазасига оид илфор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштиришни ташкил қиласди
4.	Педагогик ходимлар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига услубий ёрдам ташкил қиласди, жамоа, айrim ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик	Педагогларга услубий ёрдамни ҲФХ бўйича ташкил қиласди, жамоа, айrim ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик

	таълими усталарининг педагогик фаолиятини таҳлил қиласди	фаолиятини таҳлил қиласди
5.	Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг йиллик, чорак ва ойлик иш режаларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қиласди. Тасдиқланган режа асосида ўқитувчиларнинг иш вақти ҳисобини юритади, дарс жадвали, тестлар синовлари, имтиҳонлар графигини ишлаб чиқади	Педагогларнинг йиллик, чорак ва ойлик хавфсизлик иш режаларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қиласди.
6.	Ўқув жараёни назоратини ташкил қиласди, таълим стандартларининг бажарилиши, ўқувчиларнинг хулқи ва ўзлаштириши мониторингини амалга оширади, факультатив дарслар ва фан тўгаракларини ташкил этади	Ўқув жараёнига ХФХ элементларини тадбиқ этилганлиги назоратини ташкил қиласди, ДТС бажарилиши, ўқувчиларнинг хавфсизликга тегишли хулқи ва ўзлаштириши мониторингини амалга оширади, хавфсизлик бўйича факультатив дарслар ва фан тўгаракларини ташкил этади
7.	Ўқув хоналарини кўргазмали ва техник ўқув қуроллари билан ҳамда ахборот-ресурс марказини китоблар, журналлар ва бошқа ахборот материаллари билан таъминланиши ва расмийлаштирилишини бошқаради	Ўқув хоналарини ХФХга тегишли бўлган кўргазмали ва техник ўқув қуроллари билан, ахборот-ресурс марказини эса тегишли китоблар, журналлар ва бошқа ахборот материаллари билан таъминланиши ва расмийлаштирилишини бошқаради
8.	Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этади ва назорат қиласди	Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётида ХФХ ташкил этади ва назорат қиласди
9.	Фанлар бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларга услубий ёрдам ташкил этиш, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарининг касбий маҳоратлари ва малакаларини ошириш бўйича ишларни олиб боради	Фанлар бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларга услубий ёрдам ташкил этиш, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарининг касбий маҳоратлари ва малакаларини оширишда ХФХ таъминлашга доир ишларни олиб боради
10.	Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёти ҳолати ва натижалари бўйича ҳисботлар тайёрлайди, ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этади	Ишлаб чиқариш амалиёти хоналарининг техник хавфсизлигини таъминлайди, ота-оналар билан ҳаёт хавфсизлиги бўйича ўзаро ҳамкорликни ташкил этади
11.	Педаголар, ходимлар ва ўқувчилар меҳнатини муҳофазалаш талаблари, санитария-гигиена тартиби ва техника хавфсизлигига амал қилинишини таъминлайди	Педаголар, ходимлар ва ўқувчилар меҳнатини муҳофазалаш талаблари, санитария-гигиена тартиби ва техника хавфсизлигига амал қилинишини таъминлайди
12.	Доимий равиша ўз малакасини ошириб боради	ХФХ бўйича ўз малакасини оширади

**111-чизма. Академик лицей ва касб-хунар коллежи
маъмурий-хўжалик бўйича директор ўринбосарининг лавозим
функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари**

Т/р	Лавозим функциялари	ҲФХни таъминлаш вазифалари
1.	Умумтаълим ва махсус фан ўқув хоналари, ишлаб чиқариш таълими устахоналари, лаборатория ва технологик жиҳозларни йўналиш бўйича ишлатиладиган технологик лойиҳа меъёрларига мувофиқ жойлаштиришни ташкил этади	Ўқув хоналари, ишлаб чиқариш таълими устахоналари, лаборатория ва технологик жиҳозларни йўналиш бўйича ҲФХ меъёрларига мувофиқ жойлаштиришни ташкил этади
2.	Умумтаълим ва махсус фан ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари ва лабораторияларни техника хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган замонавий жиҳозлар, мосламалар билан таъминланишини назорат қиласди	Умумтаълим ва махсус фан ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари ва лабораторияларни ҲФХ қоидаларига жавоб берадиган замонавий жиҳозлар, мосламалар билан таъминланишини назорат қиласди
3.	Ўқитувчилар, педагог-муҳандислар билан техника воситалари ва бошқа жиҳозлардан тўғри фойдаланиш ва уларни сақлаш ишлари бўйича тушунтириш олиб боради	Ўқитувчилар, педагог-муҳандислар билан техника воситаларидан хавфсизлик нуқтаи назардан тўғри фойдаланиш ва уларни сақлаш ишлари бўйича тушунтириш олиб боради
4.	Ўқув устахоналаридаги мавжуд техника воситалари ва жиҳозлардан тўғри фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши, меҳнат, электр ва ёнгин хавфсизлиги, санитария-гигиена талаблари, ишлаш вақти меъёрларига риоя этишни ташкил этади ва амалда бажарилишини назорат қиласди	Ўқув устахоналаридаги мавжуд техника воситалари ва жиҳозлардан тўғри фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши, ҲФХ талабларига риоя этишни ташкил этади ва назорат қиласди
5.	Техник воситалар ва жиҳозларни техник жиҳатдан соз ёки носозлигини назорат қиласди	Техник воситалар ва жиҳозларни техник хавфсизликка жавоб беришини назорат қиласди
6.	Техник кўрик синови ва таъмирлаш ишларини таълим муассасасининг ички имкониятларидан келиб чиқсан холда, педагог-муҳандислар билан биргаликда, зарур ҳолларда шартнома асосида бошқа ташкилотлар ёрдамида амалга оширади	Хавфсизлик бўйича техник кўрик синови ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда муассасасининг ички имкониятларидан келиб чиқсан холда, педагог-муҳандислар билан биргаликда, зарур ҳолларда шартнома асосида бошқа ташкилотлар ёрдамида амалга оширади
7.	Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув-машқ полигонлари, ўқув хўжаликларида мавжуд техник воситалар, жиҳоз ва дастгоҳлардан тўғри ва мақсадли фойдаланишини	Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув-машқ полигонлари, ўқув хўжаликларида мавжуд техник воситалар, жиҳоз ва дастгоҳлардан ҲФХ дарсларини ўтишда

	таъминлайди	фойдаланишни таъминлайди
8.	Техник восита, жихоз ва асбоб-ускуналарнинг хисобини олиб боради ва техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади	Техник восита ва асбоб-ускуналарнинг ҲФХни ўтиш мумкинлиги ҳақидаги хисобни олиб боради ва техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади
9.	Кўриқлаш ва ёнғиндан хабар берувчи қурилма (сигнализация)ларни ўрнатиш ишларини ташкил этади	Хавфсизликни таъминлаш учун ёнғиндан хабар берувчи қурилма (сигнализация)ларни ўрнатиш ишларини ташкил
10.	Ўқув устахоналари, лабораториялар ва ўқув хоналаридаги электр энергия, сув ва газ билан ишловчи қурилмалар ҳамда мосламалар ишини тўғри ташкил этилишини назорат қилади	Ўқув устахоналари, лабораториялар ва ўқув хоналаридаги электр энергия, сув ва газ билан ишловчи қурилмалар ишини хавфсизлик жиҳатдан ташкил этилишини назорат қилади
11.	Таълим муассасасининг экологик холатининг сақланиши, атроф-муҳитнинг санитария-гигиена талаблари даражасида эканлиги устидан назорат ўрнатади	Таълим муассасасининг экологик холатининг сақланиши, атроф-муҳитнинг санитария-гигиена талаблари даражасида эканлиги устидан назорат ўрнатади
12.	Хўжалик хизмати ишчиларига раҳбарлик қилади, таълим муассасаси биноларини капитал ва жорий таъмирланишини, тозалигини таъминлайди	Хўжалик ходимларини ҲФХ йўриқномаларига риоя қилишларини таъминлайди ва назорат қилади
13.	Мунтазам равишда ўз малакаси ва касбий маҳоратини ошириб боради	ҲФХ бўйича ўз малакасини оширади

112-чизма. Касб-хунар коллежи катта устасининг лавозим функциялари ва ҲФХ таъминлашдаги вазифалари

Т/р	Лавозим функциялари	ҲФХни таъминлаш вазифалари
1.	ДТСнинг замонавий талабларига мувофиқ касбий таълим бўйича уста ишини ташкиллаштиради	ДТСда ҲФХга оид ишларни ташкиллаштиради
2.	Касбий таълим усталарининг амалий фаолиятини назорат қилади ва бошқаради, уларни амалий ишларни режалаштириш, иш юритиш ва ҳисботлар бўйича зарурий ҳужжатлар билан таъминлайди	Касбий таълим усталарининг амалий хавфсизлик фаолиятларини назорат қилади, бошқаради, режалаштиради, иш юритиш ва ҳисботлар бўйича зарурий ҳужжатлар билан таъминлайди
3.	Кабий таълим усталари ўқув лаборатория хоналари, устахоналар, полигон ва бошқаларнинг раҳбарлари, шунингдек хизмат кўрсатиш ходимлари билан услубий ва кўрсатмалар бериш бўйича йиғилишлар ўтказади	Ўқув лаборатория хоналари, устахоналар, полигонларнинг раҳбарлари, ҳамда хизмат кўрсатиш ходимлари билан ҲФХ таъминлашга доир услубий йиғилишлар ўтказади

4.	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари билан биргаликда касбий таълим усталарининг малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказишни ташкил этади	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари билан биргаликда ҲФХ бўйича малака ошириш ва аттестациядан ўтказишни ташкил этади
5.	Ўқувчилар амалий тайёргарлигининг ДТС талабларига мослигини назорат қиласи	Ўқувчилар амалий тайёргарлигининг ДТСда берилган ҲФХ талабларига мослигини назорат қиласи
6.	Амалий ўқув машғулотлари, амалиётлар ўтказишда касбий таълим усталарига ёрдам беради, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишида, техник шароитлардан келиб чиқиб сифатни таъминлашда стандарт талабларининг бажарилишини текширади	Амалий ўқув машғулот ва амалиёт хоналарида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниш талабларининг бажарилишини текширади
7.	Ўқувчиларни амалий ишларидаги билим ва кўнікмаларни ўзлаштиришларининг назоратини амалга оширади	Ўқувчиларни амалий ишларидаги билим ва кўнікмаларни ҲФХ талаблари асосида ўзлаштиришларининг назоратини амалга оширади
8.	Касбий таълим усталари билан биргаликда ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш корхонасини танлайди	Ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш корхоналарини меҳнат муҳофазаси ва техник хавсизлиги таъминланганлиги бўйича танлайди
9.	Корхоналар билан амалиётни ўтказиш тўғрисида шартномалар тузиб, уларни тасдиқлашга тайёрлайди	Корхоналар билан амалиёт ўтказиш учун тузилган шартномаларда ҲФХга доир бандларни киритади
10.	Ўқувчиларга техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилиш бўйича тушунтириш ишларини амалга оширади	Ўқувчиларга техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилиш бўйича тушунтириш ишларини амалга оширади
11.	Доимий равишда ўз малакасини оширади	ҲФХ бўйича ўз малакасини оширади

**113-чизма. Академик лицей ва касб-хунар коллеки
психологининг лавозим функциялари ва ҲФХ
таъминлашдаги вазифалари**

T/p	Лавозим функциялари	ҲФХни таъминлаш вазифалари
1.	Таълим муассасаларида таълим олувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнида руҳий, жисмоний ва ижтимоий томондан муҳофаза қиласи ва психологик шарт-шароит яратади	Ўқувчилар ўртасида ҲФХни таъминлашда психологик муҳитни яратади
2.	Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенцияси асосида фаолият юритади.	Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенциясида берилган ҲФХ талаблари бўйича фаолият юритади.
3.	Таълим муассасасининг ижтимоий-муҳитини мувофиқлаштиришни	Таълим муассасасининг ижтимоий-психологик хавфсизлик муҳитини

	таъминлайди ва ижтимоий мослашмаслик ва зўриқишиларнинг юз беришини олдини олишни таъминлайди	мувофиқлаштиришни таъминлайди ва ижтимоий мослашмаслик ва зўриқишиларнинг юз беришини олдини олишни таъминлайди
4.	Таълим муассасасининг меъёрий-услубий хужжатларига мос ҳолда ижтимоий-психологик хизматни ташкил қиласди	Таълим муассасасининг меъёрий-услубий хужжатларига мос ҳолда ижтимоий-психологик хавфсизлик хизматини ташкил қиласди
5.	Ўқувчи шахсини аниқлашда уларга маҳсус методикалар асосида психологик-педагогик ва ижтимоий-психологик ташхис қўяди	Ўқувчи шахсини аниқлашда уларга маҳсус методикалар асосида психологик-педагогик ва ижтимоий-психологик хавфсизлик ташхисини қўяди
6.	Ўқувчи шахсини ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлайди.	Ўқувчи шахсини хавфсизлик бўйича ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлайди.
7.	Психологик ёрдам кўрсатиш йўлларини топади (Психологик тузатиш ва ривожлантириш, реабилитация ва маслаҳат бериш). Муаммоларни ҳал қилишда ўқувчилар, ота-оналар ва педагогик жамоага ёрдам кўрсатади	Ходимларга хавфсизлик бўйича психологик ёрдам кўрсатиш йўлларини топади, тегишли муаммоларни ҳал қилишда ўқувчилар, ота-оналар ва педагогик жамоага ёрдам кўрсатади
8.	Ўқувчилардаги руҳий, жисмоний ва бошқа характерларни аниқлаш учун тестлар ўтказади.	Ўқувчилардаги руҳий, жисмоний ва бошқа характерларни хавфсизлик нуқтаи назардан аниқлаш аниқлаш учун тестлар ўтказади.
9.	Ўқувчиларни индивидуал ва ёш хусусиятларига қараб ривожлантирувчи ва коррекцион дастурлар тузиш ва режалаштиришда иштирок этади. Уларга ҳаётий ва касбий ўз-ўзини англашида, турли ҳолатларда муаммоларни ўзлари ҳал қилишларига тайёрлигини шакллантиришда ёрдам беради	Ўқувчиларни индивидуал ва ёш хусусиятларига қараб хавфсизлик малакаларини олишни ривожлантирувчи ва коррекцион дастурлар тузиш ва режалаштиришда иштирок этади. Уларга ҳаётий ва касбий фаолияти хавфсизлигини англашида, турли ҳолатларда хавфсизлик муаммоларини ўзлари ҳал қилишларига тайёрлигини шакллантиришда ёрдам беради

Лавозим – (арабчада керакли, зарурий) – муассаса, идора, ташкилот, корхоналарда бирор расмий хизматни бажарииш билан боғлиқ бўлган ўрни, вазифа ўрни, амал, мансаб.

Ваколат (лотинчада “Competentio” – эришаман, лойиқман, мувофиқ келаман) – 1. *Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсга бериладиган фаолият доираси.*

2. *Маълум бир давлат органи, масабдор шахс ёки жамоат уюшмасининг давлат органлари тизимида тутган ўрнини белгилаб берувчи юридик ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбурияtlар йиғиндиси.*

Психология: 1. Инсон фаолияти ва ҳайвонлар хатти-ҳаракатида борликнинг акс этишини, руҳий жараёнлар, ҳодисалар ва хислатларни ўрганувчи фан.

2. Бирор фаолият билан боғлиқ бўлган психик жараёнлар мажмуи.

Уста (арабчада ўргатувчи, муаллим) – Бирор касб-ҳунар билан шугулланувчи малакали мутахассис.

Катта уста – касб-ҳунар билими, кўнижмаси ва малака даражаси юқори бўлган ва усталарга раҳбарлик қиласидиган лавозим.

2-қисм

ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТ

1-чизма. “Экология” тушунчаси

Т/р	“Экология” атамасига берилган тушунча	Муаллифи	Асарнинг номи ва чоп этилган йили	
1	Табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали ҳамма тирик организмларнинг органик ва ноорганик мухит унсурлари билан бирга, унинг таъсир доирасида турган антогонистик ва ноантогонистик алоқадорликда бўлган ўсимлик ва хайвонот дунёси ўртасидаги муносабатларни очиб беришидир.	Э.Гекель (Германия)	Организм-ларнинг умумий морфологияси	1866
2	Умумбиологик фан бўлиб, у организмлар ва мухит ўртасидаги алоқадорлик қонуниятлари тўғрисидаги фан	Б.Иоганзен (Россия)	Экология асослари	1959
3	Организмлар ва уларнинг атроф-мухити ўртасидаги ўзаро алоқадорлик йифиндиси ва характеристига оид фан	Ю.Одум (АҚШ)	Экология асослари	1971
4	Тирик организмларнинг яшаш шароити ва уларнинг ушбу шароитдаги ўзаро алоқадорлигини тадқики қилувчи фан	Р.Дажо (Франция)	Экология асослари	1972
5	Тирик организмларнинг яшаш шароити ёки ташки мухит билан ўзаро муносабати ҳақидаги фан	А.Тўхтаев, А.Ҳамидов (Ўзбекистон)	Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш	1994
6	Организмлар ва улар билан атроф-мухит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганадиган фан	ўзМЭДИН	Ўзбекистон Миллий энциклопедияси	2005
7	Организмлар ва инсон фаолияти таъсир этувчи табиий яшаш мухитида организмларнинг ҳаётий фаолияти қонуниятларини тадқиқ қилувчи фан	А.Эргашев (Ўзбекистон)	Экология асослари	2008
8	Ноэволюцион тарзда ривожланувчи табиат тизимида тирик организмлар ва уларнинг атроф мухити билан бўладиган муносабатларига доир қонуниятларни тадқиқ қилувчи фан тармоғи, уларга оид билимларни берувчи таълим йўналиши, уларни оптималлаштирувчи халқ хўжалиги соҳаси, дейишимиз мумкин.	А.Нигматов (Ўзбекистон)	Экология нима?	2005
9	Муайян табиат тизимида (экотизимда) организмлар ўзаро ва уларни яшаш мухити (макони, нишаси) ўртасидаги муносабатларнинг турли жиҳатларини тадқиқ қилувчи фан тармоғи, уларга оид билим, кўникма ва малакаларниларни берувчи таълим йўналиши, уларни оптималлаштирувчи иқтисодиёт соҳаси.	А.Нигматов (Ўзбекистон)	Экология нима?	2014
10	Экотизимларда организмлар ўзаро ва уларни атроф табиий мухити ўртасидаги алоқадорликни тадқиқ қилувчи фан тармоғи, уларга оид билим, кўникма ва малакаларни берувчи таълим йўналиши, экотизимлар холатини оптималлаштирувчи иқтисодиёт соҳаси.	А.Нигматов (Ўзбекистон)		

2-чизма. Экология фани, таълими ва амалиётининг асосий вазифалари

**Э
К
О
Л
О
Г
И
К
В
А
З
И
Ф
А
Л
А
Р**

Экологиянинг умумэътироф этилган илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш

Унинг тарихи, ҳозирги ҳолати ва келажак истиқболларини турли миқёсларда уйғуллашган ҳолда аниқлаш

Экологик маънавиятли, яъни экологик онг ва маданиятли шахсни тарбиялаш

Ер планетаси табиий ресурслари ва бойликларини ҳисобга олиш, баҳолаш, кадастрлаш, аудитлаштириш ва экспертизалашни олиб бориш

Давлат ва жамият экологик бошқарув талабларини амалга кенг жорий қилиш

Атроф табиий муҳит муҳофазасида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини йўлга қўйиш, нодавлат ташкилотлар ва жамоат уюшмалари назоратини ўрнатиш ва уларни тавсия кучидаги маълумотларидан экологик бошқарувда кенг фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш

Локал (маҳаллий), миллий, регионал (минтақавий), глобал (курравий) миқёсда экологик хавфсизлик мониторингини олиб бориш

Давлат, давлатлар ва халқаро ҳамжамият томонидан экологик назоратни ташкил этиш ва уларни ишлаш механизмини яратиш

Истиқболга йўналтирилган экологик режа ва дастурларни мамлакат, минтақа ва глобал миқёсда ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга тадбиқ этиш

Маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда экологик-хуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ишлаш механизмини яратиш

Экологик хуқуқбузарликлар ва уларнинг жавобгарлигини белгиловчи регионал ва глобал миқёсдаги ихтисослашган тергов, прокуратура ва суд органларини тизимини яратиш

Маҳаллий, миллий, регионал ва глобал миқёсда фаолият юритувчи «экологик тез ёрдам» ташкилотлари, жамғармалари, гурухларини тузиш ёки улар фаолиятини фаоллаштириш

Экологик танглиқдаги қуруқлик худудлари (Оролбўйи, Чернобил, Марказий Африка...) ва сув акваторияларини (Орол дengизи, Балхаш ва Чад кўллари...) инсонларнинг биргаликдаги харакатлари орқали ҳал қилиш

Экологик терроризмни олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиш

Амалда жамиятни табиатга нисбатан экологик ёки экологик-иктисодий муносабат шаклларини ўрнатиш ва ҳ.к.

Анъанага кўра, **экология** – тирик организмлар ўзаро ва уларни яшаш муҳити ўртасидаги муносабат ҳақидаги фан, деб юритилади. Бу маъно унинг грекча атамасидан келиб чиққан тарзда ифода этилган. Чунки грекчада “oikos” – уй, яшаш жойи, яшаш муҳити, “logos” – таълимот деган маъноларни англатади. Ушбу атамани биринчи бўлиб фанга немис табиатшунос олими Эрнст Геккель 1866 йилда чоп этилган ўзининг “Организмларнинг умумий морфологияси” деган китоби орқали олиб кирди.

Э.Геккелдан сўнг экология атамаси таърифига турли тақиқотчилар томонидан кўплаб ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган (1-чизмага қаранг). Лекин, ҳанузгача унинг бирламчи мазмуни ва моҳияти умумий тарзда сақланиб қолди.

Экология фан тармоғи бўлгани учун ҳам у ижтимоий категорияга, яъни инсонларга хос муносабат шаклига киради. Шунинг учунг ҳам унинг мақсадида “инсон учун” деган ибора бирламчи аҳамият касб этади. **Экологиянинг мақсади** – ҳозирги ва келажак авлодлар учун барча организмларнинг яшаш ва фаолият юритиши муҳити хавфсизлигини таъминлаш. Экологик хавфсиз яшаш муҳити – организмлар, жумладан инсонларнинг муайян экотизимларда бехатар ҳолатда қўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соғлом ва қулай атроф табиий муҳит ҳолати демакдир. Ушбу мақсадга эришмоқ учун, бизнинг фикримизча, қўйидаги **экологик тусдаги вазифаларни** бажариш талаб этилади (2-чизмага қаранг).

Экологик хавфсизлик – 1. *Организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини табиий ва антропоген омиллар таъсири туфайли турли миқёсда ва тезликда юзага келувчи салбий ҳолатлардан сақланганлик даражаси ва уларнинг яшаш муҳитини табиий ва антропоген омиллар таъсири туфайли турли миқёсда ва тезликда юзага келувчи салбий ҳолатлардан сақланганлик даражаси..* Мазкур тушунчада ҳам экологияга (организмлар ва уларнинг яшаш муҳити), ҳам хавфсизликка (салбий ҳолатлардан сақланганлик даражаси) тегишли бўлган иборалар ифода этилган.


2. *Табиат обьектлари, алоҳида инсон ва инсониятнинг бевосита ёки билвосита ҳаётий муҳим элементларини заарланишиларига (ёки бу заарланишидан келадиган хавфларга)* олиб келмайдиган фаолият, вазият ва жараёнлар уйгунилиги (Реймерс Н.Ф., 1992).

3. Ер шари ва унинг турли минтақаларида инсониятнинг табиий, иқтисодий-ижтимоий, техноген ва сиёсий тайёргарлиги (жиддий бўлмаган талофатларга мослашиши) даражасида экологик мувозанатни таъминловчи вазият, жараён ва фаолиятлар мажмуаси (Реймерс Н.Ф, 1990).

4. Шахс, аҳоли, саноат ва табиат объектларини ташки таъсирудан ҳимояланганлик даражаси (Тиллаев Т., 2010).

5. Экотизимларда организмларнинг бехатар яши кўрсатгичлари, даражалари ва оптималь ҳолатини таъминланганлиги.

3-чизма. Экологик хавфсизлик ва уни таъминлаш зарурати



Кишилик жамияти тарихида табиатга нисбатан қандай муносабатда бўлганлиги, қандайлиги ва қандай бўлиши лозимлиги экология фанининг юзага келиши, ривожланиши ва истиқболларини белгилаб бермоқда. Чунки Ер сайдрасида содир бўлаётган табиий жараёнларнинг деярли 90 фоизида инсон фаолиятининг маҳсали акс этмоқда. Бу жараёнларни доимо ҳам ижобий деб бўлмайди. Чунки организмлар учун хавфсиз муҳит, жумладан, инсонларнинг муҳим ҳаётй манфаатлари ва авваламбор тоза, соғлом ва қулай табиий шароитга эга бўлиш ҳуқуқини тўла қондиришга қодир бўла оладиган атроф табиий ва ижтимоий муҳит ҳолати инқироз ва фалокат томон интилиб бормоқда. Уни олдини олмаслик ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш билан баробардир.

Кишилик жамиятнинг табиатга нисбатан муносабат шакли — муйян даврдаги кишиларнинг атроф табиий муҳитга узвий боғланган ҳаёт тарзи. Агар жамиятни табиатга нисбатан муносабатларини инсоният тарихи нуқтаи назаридан қараганда уни қуидаги шаклларга ажратиш мумкин: оддий, оддий-иқтисодий, иқтисодий, иқтисодий-экологик, экологик.

Кишилик жамиятнинг табиатга нисбатан оддий муносабат шакли — экологик тизимни бузмайдиган кишиларнинг соддалаштирилган ҳаёт тарзи. Гарчанд ибтидоий кишилик жамияти формацияси одамларнинг Ер куррасида пайдо бўлишидан (5—6 млн. йил аввал) то синфий жамият юзага келгунига қадар бўлган ижтимоий тарихни ўз ичига олади. Ибтидоий жамоада ишлаб чиқариш кучлари ва меҳнат қуролларининг такомиллашмаганлиги учун ҳам уларнинг ҳаёт тарзи табиатнинг бир қисми сифатида кечган. Табиий муҳит ҳолати эса организмлар, хусусан, одамлар учун нисбатан қулай даражада бўлган.

Жамиятнинг табиатга нисбатан оддий-иқтисодий муносабат шакли — экологик тизимларнинг кам ва кичик ҳудудларда бузилишига олиб келадиган кишиларнинг ҳаёт тарзи. Синфий жамият шакллана борган сари, кишилар сони ва ишлаб чиқариш қуролларининг мукаммалланиши, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги оддий-иқтисодий шаклини юзага келтирган. Натижада, кишиларнинг ҳаёт тарзи кичик бир табиий ҳудуд — геомажмуаларда атроф табиий муҳит ҳолатини кескинлашувига олиб келган. Бундай маҳаллий (локал)

кўринишдаги экологик ўзгаришлар кишиларнинг жамоа бўлиб тўпланган ерларига хос бўлган. Лекин улар атроф-муҳитнинг хавфсизлик даражасига кескин равишда таъсир эта олмаганлар.

Ўзбекистон ҳудудида оддий-иктисодий шакл ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги ва қулдорлик тузуми даврига тўғри келади. Эрамиздан аввалги 12—15-минг йилликларда (мезолит даврида) маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш қуроли сифатида найза, камон, айланма ёйларнинг бўлиши, ҳайвонот дунёсининг камая боришига, металл омоч ва белкуракларнинг яратилиши эса ерларни ўзлаштириш ва деҳқончиликни юзага келтирди. Оқибатда, улар атроф табиий муҳит ҳолатига бирмунча таъсир эта бошладилар. Суғориш шоҳобчаларининг оддий кўринишдаги «тўғон» усули обикор (суформа) деҳқончиликни юзага келишига, дарё ўзанлари — «лиман» усулининг пайдо бўлиши эса дарёларнинг табиий сув режими ўзгаришига олиб келди. Уй ҳайвонларининг қўпайиши Қашқадарё, Чирчик, Зарафшон, Қуи Амударё, Сирдарё водийларида ўсимлик дунёсининг сийраклашишига олиб келди.

Кишилик жамиятнинг табиатга нисбатан оддий-иктисодий муносабат шакли табиий муҳитнинг энг асосий компонентлари — ер ва сувнинг кичик айланишига таъсир этди. Лекин ижтимоий муҳитнинг бундай ҳолати табиий тизимларнинг буферлик (ташқи таъсирга қарши туриш қобилияти) хусусиятини йўқотиб қўймади.

Жамиятнинг табиатга нисбатан иқтисодий муносабат шакли — иқтисодий маданийлашган кишиларнинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши учунгина, атроф табиатни истеъмолчилик психологияси позициясидан туриб фойдаланиши натижасида, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиши ва табиий тизимларининг ўзгаришига олиб келган ҳаёт тарзи. Кишиларларнинг бундай ҳаёт тарзи экологик тизимларни катта майдонларда ва кенг (глобал) миқёсда бузди. Бу даврда, гарчанд инсоният тарихида илк бор юридик элементларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига қарамасдан, кишиларнинг онги, билими ва маданияти истемолчилик психологиясида эди.

Катта тарихий муддатни ўз ичига олган, ҳанузгача ривожланаётган ва бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда ўз асоратини сақлаб келаётган ушбу муносабат

шакли иқтисодиётни ҳар қандай атроф-муҳит муҳофазасидан устувор эканлигини намоён этмоқда. Гарчанд бундай ўлка ва мамлакатларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан самараали фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар етарли даражада бўлса-да, лекин уларнинг амалий татбиқ этиш механизми ишлаб чиқилмаган ёки оммалаштирилмагандир. Акс ҳолда ҳуқуқий демократия ва адолат мезонининг ўчоги бўлмиш АҚШ прерийларида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида сонсаноқсиз бизонлар ёппасига қириб ташланганлиги, ўрмонлар майдони икки баробаргача қисқаргани, емирилган ва ювилган ерлар 40 млн га га етгани, қишлоқ хўжалиги оборотидан 58 фоиз унумдор ерлар чиқиб кетганлигини қандай тушуниш мумкин. Илмий техника ютуқлари у даврда атроф табиий муҳит хавфсизлигини сақлаб қолишга эмас, балки глобал миқёсда қуролли тўқнашувлар ва совуқ урушларда ғолиб чиқиши, маълум бир қатламдаги аҳолини бойитишга хизмат қилган. Шунинг учун ҳам Ж.Б.Ламарк 1820-1960 йилларни “инқилобий саноат юксалиши”, табиий тизимларни эса инқирозга томон “судралиши” даври, деб бежиз айтмаган.


Атроф табиий муҳит инқирозига мисол тариқасида Орол денгизи, тўғрироғи кўлининг атрофидаги ҳолатни олиш мумкин. Қачонлардир дунёда энг катта кўллар тоифасига кирган Орол денгизи тарихан жуда қисқа муддат ичидан, яъни 40-50 йил ичидан энг шўр (4-чизмага қаранг), ифлосланган ва халқ хўжалиги аҳамиятига деярли эга бўлмаган ўртача кўллар тоифасига кириб қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири — Амударё ва Сирдарё сув режимининг кескин ўзгариши. 1982-1983 йилларга келиб икки серсув дарёларнинг Оролга қуилишининг 13-14 баробарга камайиб кетишидадир. Натижада, Орол денгизининг сув сатҳи 21 метрга, сув юзаси 3,5 баробарга, сув ҳажми 8 баробарга камайиб кетди. Сувдан қуриган юза 5,5 млн гектарни ташкил қилгани ҳолда дефляция (шамол эрозияси) натижасида тузлар минглаб километр доирада атроф-муҳитни ифлослантирмоқда. Амударё ва Сирдарё сувларининг оғир металлар, пестицид, гербицид каби кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва шўрланиши натижасида уларнинг суви ичимлик суви сифатида фойдаланиб бўлмаслигини мутахассислар исбот қилиб беришди. Қачонлардир

балиқчилик ва ов қилиш маскани бўлган Қуи Амударё қуриган қолдиқ кўллар ва шўрланган тупроқлар масканига айланиб қолди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё давлатларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли 1995-1997 йилларга келиб, Орол денгизига сув қўйилиши $15-17 \text{ km}^3$ гача кўпайтирилди. Ёпик ҳавзанинг сув тақсимоти халқаро шартнома ва келишувлар орқали тартибга солинишига ҳаркат қилинмоқда.

Иқтисодий муносабат шакли даврига хос экологик қонунлардан бўлмиш Мазовларнинг XIII-XIV асрларда «Ўрмон, тур, зубр ва тарпанлар муҳофазаси», Литва князи Сигизмунд II нинг «Волок низоми»да балиқларни урчиш даврида ов қилиш ман этилган. XIV асрда Францияда «Сувлар ва ўрмонлар» маҳсус бошқармаси тузилган бўлиб, ўрмонларни муҳофаза қилиш уларнинг вазифасига киритилган. Қадимги Вильгельм подшоҳлиги даврида кийик, ёввойи чўчқа ва ҳаттоқи, қуёнларни ўлдирғанлари учун кишилар ўлим жазосига мубтало этилган. Аммо бу қонунлар кўпроқ табиий муҳитни эмас, балки феодал мулкни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишга қаратилган эди, холос.

4-чизма. Орол денгизи (кўли) ва дунё океани сувининг шўрлик даражаси



Жамиятнинг табиатга нисбатан иқтисодий-экологик муносабат шакли — мавжуд экологик тизимларни сақлаб қолиши даражасидаги кишиларнинг ҳаёт тарзи. Бунда кишиларнинг ҳар қандай шаклдаги экологик ҳаракатлари давлат томонидан тўлалигича кўллаб-кувватланади. Табиий ресурсларни камайтириш ва атроф-мухитни ифлослантириш нафақат фуқароларга, ҳаттоқи давлат идоралари ходимларига на моддий ва на маънавий фойда келтиради. Масалан, АҚШ “«Атроф табиатни муҳофаза қилиш миллий сиёсати” (НЕПА) қонунига биноан, ҳамма жисмоний, юридик шахслар, ҳаттоқи, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳам бирон-бир табиий объектдан фойдаланишларидан аввал турли кўриниш ва шаклдаги экологик тест синовларидан ўтадилар ва табиатга таъсир этиши “ариза”сини топширадилар. Тест синовлари натижасининг бирон босқичиданоқ 10% “ариза”лар судларга келиб тушади. АҚШ Президентининг ижроия қўмитаси қошидаги Табиатни муҳофаза қилиш Кенгашига келиб тушган аризалар рўйхати ва судларнинг қабул қилган қарорлари тўғрисида очик маълумотлар эълон қилинади. Ундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир штат ўзига яраша қонун қабул қилиш имконига эга. Чунки штатдаги экологик ҳолат, авваламбор, маҳаллий аҳолига таъсир қиласди-да.

Табиий муҳитни инқирозга, ижтимоий муҳитни фалокатга олиб келмаслик учун биз яқин келажакда босқичма-юосқич экологик муносабат шаклига ўтиб олишимиз зарур. **Жамиятнинг табиатга нисбатан экологик муносабат шакли** — атроф-мухитни муҳофаза қилиши, табиий ресурсларданоқилона фойдаланиши ва экологик тизимларни қайта тиклаши ҳамда согломлаштиришига қаратилган кишиларнинг ҳаёт тарзи. Экологик муносабат шаклида давлат бошқарув тизими, авваламбор, экологик нобоп ҳудуд ва объектларни тиклашга қаратилади. Бунда ишлаб чиқариш технологияси, биринчи навбатда, кам чиқитли ёки ёпиқ – чиқитсиз циклни талаб этади. Экологик онг ва маданият кишиларнинг жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий нуфузини белгиловчи асосий мезонлардан биридир. Экологик қонунлар ва норматив ҳужжатлар нафақат бевосита, балки билвосита ҳам экологиялаштирилган, амалий татбиқи эса экологик-ҳуқуқий механизмга тўлиқ асосланишни тақозо этади. Табиий ресурслардан фойдаланишни чеклаш ва табиий

объектларни қайта тиклаш бир мамлакат миқёсида эмас, балки экологик хавфли ҳудудлар бўйича амалга оширилади ва давлатларнинг алоҳида муҳофаза қилиш обьектига киритилади. Экологик муаммолар давлатларнинг янги барқарор ривожланиш концепцияси нуқтаи назаридан ҳал этилади.

Жамиятнинг табиатга нисбатан бешта муносабат шаклини аниқлаб олиш давлатларнинг экологик сиёсатини белгилашда ҳамда қонунчилик тизимини йўлга қўйишда дастури амал бўлиб қолади.

5-чизма. Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар(ЭФВ)


Келиб чиқиши хусусиятига кўра ЭФВ		
Педосфера ва литосфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган	Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган	Атмосфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган
<ul style="list-style-type: none"> - Табиий, антропоген ва аралаш турдаги оғатларнинг содир бўлиши. - Ер ости қазилма бойликларини ўрганиш, разведка қилиш ва қазиб олиниши. - Тупроқларни заарли кимёвий моддалар ва оғир металлар билан ифлосланиши. - Ерлани ботқоқланиши, тупроқ чириндининг камайиши, шўрланиши, эрозияси, техноген бузилиши каби жараёнларнинг юзага келиши. - ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> - Сув манбаларининг ифлосланиши натижасида тоза сувнинг камайиши. - Технологик жараёнлар ва майший-хўжалик ишларига сув сарфининг ортиши натижасида чучук сув захирасининг камайиши. - Дунё океани ва дengizlарнинг ифлосланиши натижасида экологик мувозанатнинг бузилиши. - дарёлар сув режимининг турли гидротехник қурилмалар натижасида ўзгариши. - ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> - Антропоген таъсир натижасида иқлимининг кескин ўзгариши. - Атмосферада заарли моддаларнинг рухсат этилган меъеридан ортиши. - Шаҳарларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши. - Шаҳарларда “кислород” танқислиги; - Шовқинни РЭМдан юқорилиги. - Кислотали ёғинларнинг ҳосил бўлиши. - Озон қатламишининг ўзгариши. - Атмосфера тиниқлигининг ўзгариши. - ва х.к.

6-чизма. Ўзбекистонда ҲФХга таъсир этувчи экологик хавфлар



7-чизма. Ўзбекистонда аҳолини экологик фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари

Аҳолини экологик фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари



8-чизма. Экологик менежмент түшүнчеси

Т/р	“Экологик менежмент” түшүнчеси	Муаллифи	Асарнинг номи ва чоп этилган иили
1.	Атроф-мухитни муҳофаза қилиш сиёсати ва стратегияларини амалга тадбиқ қилиш учун компаниялар фаолиятини самарали бошқариш	Gray R., Bebbington J., Walters D., 1993	E. И. Хабарова. Менеджмент в России и за рубежом// Менеджмент на стыке экономики и экологии – 2000. - №3. – С.111 – 117.
2.	Умумий менежментнинг бир қисми бўлиб, у экологик қоидаларни корхоналарда ишлаб чиқиш, жорий қилиш, амалга ошириш ва риоя этиш, яъни корхоналарнинг онгли экологик бошқаруви	Fischer H., Wucherer C., Wagner B., Burschel C., 1997.	
3.	Атроф-мухит билан муносабат	Mueller K., 2001	
4.	Умумий менежментнинг бир қисми бўлиб, у экологик сиёсат, мақсад ва вазифаларни тадбиқ этишдаги корхоналар тузилмаси, режаси, жавобгарликлар тақсимоти, амалиёти ҳамда жараён ва ресурслар	Халқаро стандарт: ISO 14000 и ISO 14031. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш. Умумий талаблар.	T.В.Гусева и др. [Электронный ресурс]. http://www.14000.ru/articles/viniti.php .
5.	Корхоналарда атроф-мухитни муҳофаза қилиш	Европа Иттифоқи (EMAS) Экологик менежмент ва аудит. 2000 й.	В. Чижикова // Стандарты и качество. – 2003. № 2. С. 88–91. // ИСО 9000 + 14000. – 2004. № 4. С. 17–19.
6.	Экологик самарадорлик ва адолатлилик принципларга асосланган ўзининг экологик мақсадларига эришишга қаратилган иқтисодиёт субъектларининг ташаббусли ва натижавий фаолияти	Масленникова, Л. М. Кузнецов В. Н. Пшенин, И. С.	Экологический менеджмент: учебное пособие – СПб. , 2005. – 200 с.
7.	Экологик сиёсатда акс эттирилган атроф-мухитни муҳофаза қилиш дастурларини амалга тадбиқ этиш мақсадида аниқ бир ташкилий тузилмага эга бўлган корпоратив бошқарув тизими	Хабарова, Е. И.	Менеджмент на стыке экономики и экологии / Менеджмент в России и за рубежом. – 1999. №3. С.111-117
8.	Минитехнотизимларда (корхона, ташкилот ва муассасаларда) экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган корпоратив бошқарув	Нигматов А.Н., Ташпулатов С.Ш., Мухамедов Ш.Н., Хасanova Н.А.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик менежмент, 2015
9.	Минитехнотизимларда (корхона, ташкилот ва муассасаларда) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат компонентларини қайта тиклашга қаратилган корпоратив бошқарув		

Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати: 1. Аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун атроф табиий муҳитни муҳофаза, согломлаштириш ва яхшилаш борасида олиб бораётган ички ва ташқи фаолият тизими. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган қонунига мувофиқ.

2. Давлатнинг экотизимларни муҳофаза қилиши, уларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиши ва бузилган экотизимларни қайта тиклаш борасида олиб бораётган ички ва ташқи фаолият тизими. Дарсликда экологияга берилган илмий-назарий таъриф нуқтаи назардан.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар – 1. Инсониятнинг ҳаёт фаолияти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, гидросфера ва атмосферага бекиёс таъсирини кўрсатадиган ҳалокатли вазиятлар.

2. Экотизимларда модда ва энергия алмашинувини кескин равишда ўзгартириб юборадиган жараён, воқеа ва ходисалар натижасида юзага келган салбий ҳолат.

Корпоратив экологик бошқарув – минитехнотизимларда, яъни муассаса, корхона, ташкилотларда экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган жамоани танлаш, тегишли фаолиятига оид қарорлар қабул қилиши ва унинг бажарилишини назорат қилиши жараёни.

Экологик менежмент: 1. Минитехнотизимларда (корхона, ташкилот ва муассасаларда) экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган корпоратив бошқарув.

Тор маънода, юқорида экологияга берилган тушунча нуқтаи назардан Экологик менежментга таъриф берилган бўлиб, унда “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” обьекти бўлган минитехнотизимлар, яъни муассаса, корхона ва ташкилотларни бошқариш обьекти сифатида қаралган. Зеро, экология фанининг обьекти бўлмиш – экотизимлар классификацияси умумэътироф этилган даражада таснифланмаган.


2. Минитехнотизимларда (корхона, ташкилот ва муассасаларда) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши ва бузилган табиат унсурларини қайта тиклашга қаратилган корпоратив бошқарув.

Мазкур тушуча кенгроқ маънода акс эттирилган одатий кўринишга эга бўлиб, у Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишнинг амалий талабларига мос тушади.

Халқаро стандарт – муайян фолиятни сертификатловчи ҳамжамият томонидан умумэътироф этилган сифат даражаси.

Дунё бўйича 1996 йилда экологик менежментни юритувчи 1 491 та юридик шахслар рўйхатга толинган бўлса, 2000 йил – 22 897, 20004 йил – 72 877, 2010 йил 235 435 таси халқаро стандартларгаша жавоб бера оладиган экологик фаолият билан шуғулланмоқдалар.

9-чизма. Экологик менежментнинг ривожланиш босқичлари



Экологик менежмент ривожланиш тарихий босқичлари корпоратив бошқарувга қаратилған ғоялар тизими, яъни концепцияси билан ажралиб туради¹. Ушбу босқичларни экологик менежмент нұқтаи назардан қуидаги гурухларга ажратиш ва номлаш мүмкін: назоратлаш → тартибга солиш → бошқариш → комплекс бошқариш.

1970 йиллар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида давлат бошқарув органларига экологик назорат функцияси берилдиган бўлди. Ушбу назорат корхоналарда турли шакл ва кўринишдаги мослама қурилмаларни ўрнатишга, яъни завод ва фабрикаларнинг қувирларидан чиқаётган чиқиндиларни текшириб бориш ва тегишли жавобгарликга тортиш нұқтаи назардан қаралади. Бу ҳолат атроф-муҳитни ифлослантириш корхоналар учун жуда қимматга туша бошлади. Натижада корхоналарни ички экологик корпоратив бошқарув тизимини жорий қилинди. Лекин, ушбу мажбурий чоралар катта самара бермади, яъни “Кувирнинг охири” кўринмай қолди.

1983 йил БМТнинг Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожланиш комиссияси тузилди ва унга “Брундтланд комиссияси” деб ном берилди, чунки комиссия раиси этиб Норвегиялик давлат ва жамоат арбоби Гро Харлем Брунтланд сайланди. У 1987 йил БМТ Саммитида “Бизнинг умумий келажагимиз” мавзусидаги маъruzасини қилди. маъruzада Г.Х.Брундтланд иқтисодиёт кишиларнинг қонуний эҳтиёжларини қондириши керак, лекин унинг ўсиш чегараси планетамизнинг экологик имкониятларидан ошиб кетмаслиги лозим, деган талабни бутун дунё ҳамжамияти олдига қўйди. Натижада, 1980 йилларда ўзини ўзи экологик корпоратив бошқариш функцияси юзага келди. Ривожланган мамлакатларда “Чиқиндисиз технологиялар”га асосланган иқтисодиёт пайдо бўла бошлади.

1992 йилнинг июнида Бразилияning Рио-де-Жанейро бўлиб ўтган халқаро конференцияда 179 та давлатдан келган юқори мартабали раҳбарлар Ер планетаси муаммоларига бағишлиланган қизиқарли ва унумли учрашувлари натижасижа 700 бетлик “XX! аср кун тартиби”ни қабул қилдилар. XXI асрга келиб “Барқарор ривожланиш концепциясини”, яъни иқтисодиёт ривожланиш,

¹ Чижикова, В. Практика сертификации систем управления окружающей средой на предприятиях по ГОСТ Р ИСО серии 14000 / В. Чижикова // Стандарты и качество. – 2003. – № 2. – с. 88–91.

ижтимоий мухофазалаш, экологик хавфсизликни таъминлашнинг ягона бир мажмуда турувчи ва бир пайтнинг ўзида укни амалга оширувчи жараён эканлиги тан олинди. 2010 йил ЎзР Президенти И.Каримов ҳам ўзининг БМТнинг Минглик ривожланишга бағишлиланган Саммитида қилган маъruzасида ушбу концепцияни маъқуллади ва Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнга фаол кириша боришни таъкидлади.

10-чизма. Экологик менежментнинг мақсади ва вазифалари

Экологик менежмент

Мақсади:

Экологик хавфсизликни таъминлаш учун муассаса, корхона ва ташкилотларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат унсурларини қайта тиклашга қаратилган бошқарувни амалга ошириш

Вазифалари:

- экологик менежмент концепциясини ишлаб чиқиш;
- тегишли дастур, режа ва қарорларни қабул қилиш;
- экологик менежментга доир кадрларини танлаш ва уларни ваколат вазифаларини белгилаш;
- кундалик, хавфталиқ, ойлик, йиллик идоравий назорат ва мониторинг тизими жорий қилиш;
- табиат компонентлари (унсурлари) кадстрини яратиш;
- корпоратив йиғилишларда тегишли масалани кун тартибиға киритиб бориш;
- экологик тусдаги фавқулодда вазиятларда жамоа хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни синовдан ўтказиш;
- жамоанининг экологик онг ва маданиятини қўтаришга оид тадбирларни ўюштириш ва уни реализация қилишга эришиш;
- давлат, жамоат, ҳамжамият бошқарув органлари билан мазкур масала юзасидан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ҳ.к.

11-чизма. Экологик менежментнинг тузилиши



12-чизма. Экологик менежмент принциплари



Экологик менежмент мақсади - экологик хавфсизликни таъминлаш учун муассаса, корхона ва ташкилотларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши ва бузилган табиат унсурларини қайта тикилашга қаратилган бошқарувни амалга ошириши.

Экологик мақсад корпоратив бошқарув мазмуни ва моҳиятига қараб турли шаклда акс эттирилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида экологик менежмент мақсади хизмат кўрсатиш муассасаларидан тубдан фарқ қилиши мумкин.

Экологик менежмент вазифалари – экологик менежментнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлар.

Экологик менежмент тузилиши – муассаса, корхона ва ташкилотларда экологик бошқарувнинг зарурий қисмлари. Улар тизимлашагн кўринишдаги қуйидаги элементлардан иборат:

- Тасдиқланган ички экологик сиёсат.
- Экологик менежмент учун жавобгар шахслар.
- Экологик хуқуқий-норматив ҳужжатларни назорат қилиш.

- Фаолиятнинг экологик баҳолаш ва индентификациялаш тартиби.

- Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш мақсади ва вазифаларини белгилаш.

- Даврлаштирилган экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириши.

- Экологик менежмент тизимини ҳужжатлаштириш.

- Жараёнларни экологик жиҳатдан бошқариш.

- Экологик таълим ва тарбияни йўлга қўйиш.

- Ҳаракатларни тартибга солиш ва огоҳлантириш механизмини яратиш.

- Экологик аудит орқали фаолиятни даврий баҳолаб бориш.

- Раҳбарият томонидан экологик фаолиятни таҳлил қилиб бориш.

Экологик менежмент принциплари – корпоратив экологик бошқарувда амал қилиниси керак бўлган йўналтирувчи қоидалар. Уларга:

Фаолиятни экологиялаштириш - минитехнотизимларда барча фаолиятни экологик жиҳатдан қараб чиқиш.

Экологик тезкорлик - экологик муаммоларни тез ва ўз вақтида ҳал этиш.

Экологик приоритет - экологик муаммоларни биринчи навбатда ечимини топиш.

Экологик маъсулиятлик – барча бошқарув қарорларининг экологик оқибатларга нисбатан масъулиятини олиш.

Экологик интеграциялаш – корхона, ташкилот ва муассасаларнинг умумий бошқарув тизимига экологик бошқаришни интеграция қилиш.

Экологик тизимлаш – экологик масалаларни қисмларга ажаратиш ва уларни уларни хал этиш нуқтаи назаридан иерархик поғонага жойлаштириш.

13-чизма. Экологик фаолиятни режалаштириш


T/р	Экологик фаолият режасига киритиладиган масалалар	Изоҳ
1.	Ички ва ташқи экологик фаолиятни ташкил этиш	Фаолият самарадорлигини ошриш учун йўналтирилган чора-тадбирлар
2.	Ходимларни мотивациялаш ёки иштиёғини уйғотиш	Ходимларни экологик масалаларни хал этишнинг фойдали эканлигини англатиш
3.	Ички экологик назорат ва мониторинг	Экологик талофатларни олдини олишни профилактикалаш
4.	Экологик фаолиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш	Тегишли маълумотларни йиғиши, таълил қилиш ва тегишли қарорларни қабул қилиш
5.	Экологик бошқарув ва менежмент тизимини кўриб чиқиш ва такомиллаштириш	Экологик бошқарув фаолият натижасига кўра тегишли қарорларни қабул қилиш

Экологик фаолиятни режалаштириш – экологик фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун муайян муддатга (тактик ёки стратегик ривожланиши нуқтаи назардан) мўлжсалланган амалга ошириладиган ҳаракатлар ва чора-тадбирларни тартибга солиши ва тизимлаштириши.

14-чизма. Экологик менежмент методлари



15-чизма. Экологик менежментни жорий қилиш механизми



Экологик менежмент механизми – корпоратив даражада экологик қонунчилик тизимига оид ҳуқуқий-меъёрий нормаларни муассаса, корхона, ташкилотда жорий этиш жараёни.

16-чизма. Ўзбекистон Республикасида экологик бошқарув тизими



Давлат бошқаруви – 1. Ваколатли давлат органларининг табиий ресурслардан фойдаланиши ҳамда атроф табиий мухитни муҳофаза қилиши бўйича ижро этиши ва фармойиши бериши фаолиятидир (Экология ҳукуқи.- Т.: “Адабиёт жамгармаси”, 2001.- 64-б.).

Адабиётларда давлатнинг ижроия ҳокимият органларининг фаолияти экологик фармойишлар бериши уларнинг юридик ва жисмоний шахсларга мажбурий кўрсатмалар бериш ҳукуқидир, дейилган. Лекин бу ўринда президентлик институти, олий қонун чиқарувчи ҳокимият, суд ҳокимияти, ҳукуқни муҳофаза қилиш давлат органларининг экологик функциялари инобатга олинмай қолиняпти. Ваҳоланки, уларнинг ҳам экологик муносабатларини

тартибга солишдаги аҳамияти, айниқса, Ўзбекистонда жуда бекиёсdir. Маъмурий ҳуқуқда давлатнинг маълум бир ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда умумий ва маҳсус ваколат доирасидаги органлари ажратиб олинади. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 2-бўлимида давлат ҳокимияти ва бошқарув (тўғрироғи, ижро этувчи) идораларининг экологик муносабатларни тартибга солишдаги ваколатлари берилган. Уларга умумий ваколатланган — Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимиятлар, маҳсус ваколатланган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси киритилган. Лекин экологик нормаларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга татбиқ этиш жараёни серқирра тизим ва ўта муҳим масала.

Давлатнинг экологик бошқаруви — ўз ваколат доирасида давлат бошлиги, ҳокимияти, ижро этувчи давлат органлари ва уларнинг экологик муносабатларни тартибга солишдаги фаолияти.

Давлатнинг экологик бошқарувини ҳуқуқшуносликда давлатнинг экологик функцияси деб ҳам аталади. *Функция эса ваколат доирасидан келиб чиқадиган фаолиятдир.* Давлатнинг экологик бошқаруви икки қўринишда — умумий ва маҳсус давлат органларининг функцияси орқали амалга оширилади.

Давлатнинг умумий экологик бошқаруви — давлат бошлиги ва ҳокимиятининг ўз ваколатлари доирасида экологик муносабатларни тартибга солиши функцияси.

Ушбу фаолият Ўзбекистон Республикаси бутун ер кенглиги доирасида амалга ошириладиган бўлса *давлатнинг марказий органларининг экологик бошқаруви*, агарда ушбу органлар муайян маъмурий-худудий бирликларда экологик бошқарувни амалга оширса — умумий қўринишдаги маҳаллий экологик бошқарув, дея эътироф этилади. Давлат раҳбари ва ҳокимиятининг экологик функциялари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, тегишли конституциявий қонун ва қонунларда акс эттирилган.

17-чизма. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг экологик ваколатлари

Давлат бошлиғи, ҳокимияти ва бошқарув органлари	Экологик ваколатлари
<p>Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ равишда давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминловчи шахс сифатида</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ фуқароларнинг экологик хавфсиз мухитда яшаш ҳуқуқлари ва эркинликлари, миллий экологик қонунчиликга риоя этилишининг кафили; ✓ экологик масалаларга доир музокаралар олиб боради ҳамда ЎзРнинг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган экологик тусдаги шартнома, битим ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлади; ✓ ЎзР Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи экологик сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга; ✓ республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида баҳамжиҳат ишлашини таъминлади; ✓ экология ва атроф-мухит муҳофазаси йўшналишидаги вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан тузади ва тутгатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик ЎзР Олий Мажлисининг палаталари тасдигига киритади; ✓ ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади; ✓ республика давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган экологик ҳужжатларини улар конун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳолларда тўхтатади, бекор қиласди; ✓ ЎзР экологик тусдаги қонунларни имзолайди ва эълон қиласди; қонунга ўз эътиrozларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ЎзР Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли; ✓ фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий оғат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг экологик хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, ЎзРнинг бутун худудида ёки унинг айrim жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичida ЎзР Олий Мажлисининг палаталари тасдигига киритади. Экологик тусдаги фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади; ✓ ЎзР орденлари, медаллари ва ёрлиги билан экология соҳасида олиб борган ижобий фаолиятларни мукофотлайди, малакавий ва фахрий унвонларни беради; ✓ ЎзР Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бошқа экологик тусдаги ваколатларни ҳам амалга оширади.

<p>Ўзбекистон Республикаси ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИ</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ равища</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ЎзРнинг Конституциясига экологик тусдаги моддаларни қабул қилиши, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади; ✓ атроф-мухит муҳофazasига оид конституциявий қонунлар ва қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади; ✓ ЎзР ички ва ташқи экологик сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қиласди; ✓ ЎзР қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва экологик ваколатларини белгилайди; ✓ ЎзР таркибига янги экологик йўналишдаги давлат тузилмаларини қабул қиласди ва уларнинг ЎзР таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлади; ✓ ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг тақдимиға биноан Давлат бюджетида экологик муммолярнинг ечимини топишга оид маблағларни ажратишни қабул қиласди ва унинг ижросини назорат этади; ✓ экологик солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қиласди; ✓ экология борасидаги давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этади; ✓ ЎзР Президентининг атроф-мухитни муҳhofaza қилишга тегишли бўлган вазирлик, давлат қўmитаси ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлади; ✓ мамлакат ижтимоий-иқтисодий, жумладан экологик ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қиласди; ✓ ЎзР Олий Мажлисининг Инсон хукуклари бўйича вакили ва унинг ўринbosарини сайлайди; ✓ ЎзР Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда экологик ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлади; ✓ халқаро экологик тусдаги шартномаларни ратификация ва денонсация қиласди; ✓ атроф-мухитни муҳhofizza қилишга доир парламент назорати ва ЎзР Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.
<p>Ўзбекистон Республикаси ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасига мувофиқ равища</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринbosарларини, қўmиталарнинг раислари ва уларнинг ўринbosарларини экологлардан сайлайди; ✓ ЎзР Бош прокурорининг тақдимиға биноан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон экоҳаракат вакиллари депутатларини дахлизлик хукуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади; ✓ ўз экологик фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички экологик тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди; ✓ экологик сиёсат ва ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи экологик сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласди.

<p>Ўзбекистон Республикаси ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофик рашида</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлайди ҳамда уни лавозимидан озод этади; ✓ ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг хисботини эшитади; ✓ ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички экологик тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди; ✓ сиёсий, ижтимоий-иктисодий, жумлдан экологик ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташки экологик сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.
<p>Ўзбекистон Республикаси ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофик рашида</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ самарали иктисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит, жумладан экологик сиёсат юритилиши, экологик фан, маданият, таълим, соглиқни сақлашни ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар; ✓ фуқароларнинг экологик ҳуқуклари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади; ✓ давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг экологик фаолиятларини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг экологик фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди; ✓ ЎзР экологик тусдаги қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, ЎзР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди; ✓ ЎзР Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иктисодий, жумладан экологик ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади; ✓ ЎзР Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.
<p>Ўзбекистон Республикаси МАҲАЛЛИЙ ХОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига мувофик рашида</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ экологик қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг экологик хавфсизлигини таъминлайди; ✓ худудларни экологик жиҳатдан ривожлантиради; ✓ атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий экологик соликлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари экологик жамғармаларни ҳосил қиласди; ✓ маҳаллий коммунал хўжалиги атроф-муҳитга таъсирини камайтириш юзасидан раҳбарликни амалга оширади; ✓ ўз ваколат диорасида атроф-муҳитни муҳофаза қиласди; ✓ экологик тусдаги норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда ЎзР Конституцияси ва қонунларига зид келмайдиган бошқа экологик ваколатларни ҳам амалга оширади.
<p>Ўзбекистон Республикаси ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Низомига мувофик</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга оширади; ✓ табиатни муҳофаза қилишга доир фаолиятни тармоқлараро комплекс бошқаради; ✓ табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади; ✓ атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлайди ва экологик вазиятни соғломлаштиради.

18-чизма. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий ҳолати.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ	
бўйсинади ва хисобот беради	Олий Мажлис
амал килади	ЎЭР Конституциясига, конунларига, Олий Мажлис
бўлинади	КҚР қўмитасига, вилоят ва Тошкент шахар
карорлари ижро этилади	вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан
карорларни кабул килиши мумкин	вазирликлар, давлат кўмиталари хамда идоралар билан биргаликда ва келишилган ҳолда
башкарувни амалга ошириш	давлат ҳокимият хамда башкарув органлари билан келишилган ҳолда назоратни ва тармоклараро
халкаро ва минтакавий муаммоларни ҳали килиш	башка давлатларнинг тетиши табиатни муҳофаза килиш органлари ва ташкилотлари билан хамкорликда
мувофикалаштириб бораади	соғликни саклаш ва Ички ишлар вазирликлари, Саноатда ишларни бехатар олиб боориш ва кончиллик назорат агентлиги, Ўрмон баш бошк., Ўзгеокадастр, Бошгидромет, Давлат стандарти ва бошка экологик жамоат бирлашмалри ва ахоли билан
хамкорлик килади	кенг кўламда иктисолидӣ тасир этишини кўллаш, Экологик фаолиятни рағбатлантириш, илмий-техник ютукларни кенг жорий килиш
принципларига амал килади	экологик мебъёрларни, экологик коида ва стандартларни, экологик жамғармаларни
ишлаб чиқаради, тасдиқлайди ва ташкиллаштиради	экологик назоратнинг услубий раҳбарлигини, атроф-мухит мониторингини
амалга оширади ва таҳлил килади	табиатни ифлослантирганилик ва чикиндиларни жойлаштирганилик учун, давлат экологик Экспертизасини
хак ундиради ва олиб бораади	кўрикхона ишини, алоҳида муҳофаза килинадиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастриини ва янисини ташкил килишни
бошкаради, юритади ва таклиф килади	табиатни муҳофазасига каратилган ва янги обьектларни кабул килиш ва ишга туширишни, хўжалик фаoliyati учун бериладиган срларни танлаш
катнашади, келишади ва тасдиқлайди	

19-чизма. Экологик йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари (ЭННТ) ва уларнинг ҳуқуқий фаолиятлари.



20-чизма. Ўзбекистон экологик ҳаракати (Экоҳаракат) жамоат бирлашмасининг ҳуқуқий мақоми.

Э
К
О
Х
А
Р
А
К
А
Т

2008 йил 2 августда юридик шахс сифатида ташкил топди

2008 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтди

Шиори - Соглом мухит - инсон саломатлиги

Мақсади - Ўзбекистонда аҳолининг қулай атроф-муҳит ҳолатини таъминлаш, соглиқни сақлаш, атроф-муҳитини муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва унга риоя этиши имкониятларини яратиш

Ишлаш тартиби - Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишга мувофиқ равишда фаолият олиб бориши

Фаолият принциплари - қонунийлик, ўзини ўзи бошқарииш ва ошкоралик

Бошқарув органлари - Конференция, Марказий Кенгаи, Ижроия қўмита

ЎзР Олий Мажлисга вакиллиги - 15 нафар депутат КҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан унинг Республика Конференциясида яширин овоз берishi йўли билан сайланадилар. Экоҳаракат депутатлари Олий Мажлиснинг барча қўмиталарида унинг мақсадидан келиб чиққан тарзда қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда фаолият юритадилар

Нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ) — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган, даромад (фойда) келишини ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойданни) ўз қатнашичилари (аъзолари) ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқарии ташкилоти.

ННТнинг экологик бошқаруви демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда уларнинг фаолиятини эркинлаштириш ва уларга ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида улкан ваколатлар беришдан иборат.

1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонун нодавлат идоралар фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. ННТнинг экологик-ҳуқуқий мақоми ўзи тўғрисидаги қонун, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларда ҳам белгилангандир. Уларга республикада фаолият юритувчи миллий, халқаро, чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари кириши мумкин. Ушбу ташкилотлар ихтиёрийлик асосида ташкил этилган жамғарма, уюшма, клуб, ассоциация, қўмита ва ҳаракатларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистонда 2014 йилга келиб 120 тадан зиёд экология ва саломатлик йўналишдаги ННТ ташкилотлари тузилган. Айрим мамлакатларда «Кедр», «Гринпис», «Яшиллар партияси» каби экологик оқимлар фаолият юргазишмоқда. Бу ҳам аҳолининг экологик бошқарувда қатнашишининг бир йўли, чунки илмий-техника революцияси табиатга «бостириб» келар экан унинг заарли оқибатларининг олдини олиш, авваламбор, фуқаролар, уларнинг мақсадли ва қонуний уюшмаларининг хоҳиш ва иродасини инобатга олган тарзда экологик муносабатларни тартибга солиниш тақазо этади.

21-чизма. “Экологик бошқарув” билан “Экологик менежмент” фарқи

Т/р	Экологик бошқарув	Экологик менежмент
1.	Ҳамжамият, давлат ва жамоат томонидан олиб борилади	Муассаса, ташкилот ва корхоналар томонидан олиб борилади
2.	Экологик қонунчилик талабларидан келиб чиқкан тарзда ташқи мотивациялашган фаолият	Самарадорлик ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган ички мотивациялашган фаолият
3.	Мажбурий фаолиятга асосланган	Ташаббускор ва ихтиёрий фаолиятга асосланган
4.	Кўрсатма ва лавозим мажбуриятлари доирасидаги фаолият	Рахбарнинг шахсий хусусиятлари – касбий даража, тажриба ва маҳоратини акс эттирувчи натижавий фаолият
5.	Бошқарув жараёнини натижадан усутун қўйилади	Натижавий жараёндан бошқарув жараёнини усут қўйилади
6.	Салбий натижаларни инкор этади	Салбий натижалардан фаол фойдаланилади
7.	Бошидан формаллашган, консерватлашган ва чекланган	Бошидан фаоллашган, янги инновацион характерга эга бўлган, ижодий йўналтирилган
8.	Фаолият самарасини ошириб кўрсатишга, имитация қилишга қаратилган ва ҳ.к.	Фаолият самарасини ошира олмайдиган, имитация қилишнинг имкониятинит пастилиги ва соҳталаштиришнинг иложи камлиги ва ҳ.к.

22-чизма. Экологик менежментнинг асосий талаблари




Экологик менежментнинг асосий талаблари – корпоратив миқёсда экологик бошқарувни амалга оширишда лозим бўлган бирламчи қоидалар мажмуаси.

Экологик менежмент самарадорлигини таъминлашда мутахассислар (Э.С.Навасардова, 2002, 2007; Экология ҳуқуқи, 2003, А.Н.Нигматов, 2004, 2012, 2014 ва боқ.) уч муаммонинг ечимини топишни тавсия этадилар: экологик баҳолаш, кадастр, мониторинг ва назорат тизимини йўлга қўйиш; экологиялаштирилган технологияларни кенг жалб этиш; ходимларнинг экологик онги ва маданиятини кўтариш. Кейинги икки муаммонинг ечими корхона, ташкилот ва муссасаларнинг изчил экологик бошқарув ва назоратини йўлга қўйиш билан узвий боғлангандир.

Юқорида келтирилган экологик менежмент тизими қисмлари, албатта, мана шундай кетмакетликда ва иерархик поғонада туради. Уларнинг бирисиз иккинчисини амалга ошиш ёки бошқарув механизмини юритишининг имконияти йўқ. Корпоратив объектни аниқламай туриб, уларнинг ўзига хос сифат ва сон кўрсатгиларининг ҳолатини айта олмаймиз. Минитехнотизим компонентларининг ҳолати қандай даражаси уларнинг сифати, таркиби ва сони экологик кадастр учун индикатор бўлиб хизмат қиласи ва ҳ.к. Ҳеч қачон экологик мониторингни тизим компонентларини баҳоламай ёки кадастрини олиб бормай туриб ўтказилишининг иложи йўқ. Экологик бошқарувнинг энг асосий элементлари – экологик кадастр, назорат ва экспертизадир. Чунки уларнинг амалдаги ҳолати қайси бир технотизимда яхши йўлга қўйилса, ана шударгоҳда экологик менежмент механизми ҳаракатда бўлади ва у самара беради.

23-чизма. Экологик кадастри олиб бориши объектлари.



Экологик кадастр - экотизим ва унинг табиий ва техноган ўзгарган унсурларини жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган (ўзгарувчан) маълумотлар ва ҳужжатлар тизими. Экологик кадастр объектлари турли мамалкатларда турлича белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига биноан экологик кадастр объектларига 11 та кадстрлаш обьекти киритилган.

Экологик кадастрни юритишида худудни тўлиқ қамраб олишлиқ, фазовий координатларининг ягона тизимини қўллаш, методологик умумийлик, ахборотнинг аниқлиги ва оммавийлиги каби ҳуқуқий принципларга асосланилади.


Корпоратив миқёсдаги экологик кадстр объектлари – корхона, муассаса, ташкилотнинг табиий ва техноган ўзгарган унсурларини (компонентларини) жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган (ўзгарувчан) маълумотлар ва ҳужжатлар тизими.

Корпоратив миқёсда кадастрларни юритиш тартиби ЎзР Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонун ва у асосида қабул қилиган қонун ости норматив-ҳуқуқий хужжатлар асосида олиб

борилади ва тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланади. Масалан ер кадастри 1998 йил 6 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифат, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг Муваққат услуби»га биноан ерларнинг меъёрий баҳолари, банклардан ипотека қарзлари беришда, хусусий турар жойлар қуриш учун ер ажратиб бериш, фермер хўжалигига қўшимча ер бериш ва ер солиги ставкаларини аниқлаш каби ҳолларда ер участкасининг дастлабки (бошланғич) баҳоси белгиланади. Республикаизда бошқа табиий объектларни кадастрлаш бўйича ҳам Низомлар ишлаб чиқилган ва амалда татбиқ қилинмоқда.

Экологик кадастр объектлари бўйича ҳужжатлар — минитехнотизим ва унинг компонентларига нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, йиғма жилди, картаси (плани), китоби, ҳолати ҳақидаги ҳисоботлар.

24-чизма. Экологик назорат объектлари, шакллари, турлари ва методлари



Экологик назорат — экологик муносабат субъектлари фаолиятларини ваколатланган давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари томонидан текшириб бориш ва тегишли чораларни қўллаш.

Экологик назорат даврий кузатишни олиб бориш, экологик қонун ҳужжатларида кўрсатилган меъёр ва қоидаларнинг бажарилишини текшириб бориш ҳамда тегишли юридик оқибатларни келтириб чиқариш, давлат ва ичики экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган дастур, режа ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш каби вазифаларни бажариш учун олиб борилади.

Экологик менежментнинг назорат тизими - экологик муносабатларнинг даврий ўзгаришини экологик кадастр маълумотларига асосланган ҳолда кузатиб бориш; олинган маълумотларни умумлаштириши ва тегишли чора-тадбирларни қўллаш; ходимларнинг экологик фаолиятларини баҳолаши; тегишли хуносалар чиқариши ва чора-тадбирларни белгилаш; жисмоний шахсларнинг экологик фаолиятларига лицензиялар бериш; ноэкологик фаолият юритаётган шахсларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизларини огоҳлантириши, ҳуқуқларини чеклаш, фаолиятларини бекор қилиши ёки тўхтатиб туриши ҳамда тегишли жавобгарликка тортиши ёки уларни рағбатлантириш кетма кетлиги.

Экологик мониторинг — экологик назоратнинг биринчи босқичи бўлиб, у атроф табиий муҳит ва табиий ресурсларнинг даврий ўзгаришини (кадастр маълумотларига асосланган тарзда) кузатиб бориш, ҳисобга олиш, баҳо бериш ва истиқболини белгилаши тизими. У миллий, регионал (минтақавий) ва глобал миқёсда олиб борилади.

Ўзбекистонда умумий экологик назорат органлари – Олий Мажлис (экологик қонунлар ва ўз қарорларининг бажарилишини назорат қиласди), Президент (экологик хавфсизлик ва давлат экологик назорати хизматларини тузади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади), Вазирлар Маҳкамаси (экологик қонун ва қонун ости норматив ҳужжатлар, жумладан, дастур, режа ва лойиҳаларнинг бажарилишини назоратлайди), Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (ўз ваколат доирасида экотизимларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича назорат ишларини) олиб борадилар.

Ўзбекистонда маҳсус ваколатланган экологик назорат органлари – *Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси* (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат мажмуаларини қайта тиклаш устидан комплекс давлат назорати), *Соғлиқни сақлаш вазирлиги* (атроф-муҳит санитарияси, гигиенаси ва эпидемиологик ҳолати бўйича назорат), *Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиши инспекцияси* (халқ хўжалиги тармоқларида ер ости ва усти минерал бойликларидан фойдаланиш ишларини табиат ҳолатига кескин зарар етказмайдиган қилиб олиб борилиши), *Ички ишлар вазирлиги* (жойларда экологик хуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик назоратга кўмаклашиш, жамоат жойлари тозалигини назоратлаш, автотранспортдан атмосфера ҳавосининг ифлосланишини ва шовқинланишини назорат қилиш, табиий ва халқ хўжалиги объектларининг ёнфинга қарши туриш ҳолатини назорат), *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги* (қишлоқ хўжалиги ер, сув ва ўрмон фондларидан унумли фойдаланиш ҳамда уларнинг муҳофаза қилинишини назорат), *Ер ресурслари, давлат кадастрлари, картография давлат қўмитаси* (ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан назорат) каби давлат идораларининг тегишли йўналишлар бўйича жисмоний ва юридик шахслар, давлат органларининг экологик фаолиятини тешкириб бориши ва тегишли жавобгарликларга тортиши ёинки унга оид тақдимномаларни хуқуқни муҳофаза қилиши органларига киритиш.

Экология соҳасидаги идоравий назоратни – давлат ва жамоат уюшималар ва идораларнинг экологик хизматларини ўз тасарруфидаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотларини текшириши, тегишли жавобгарликларга тортиши ёинки унга оид тақдимномаларни хуқуқни муҳофаза қилиши органларига киритиш.


Экология соҳасидаги корпоратив назорат – корхона, ташкилот, муассасалардаги назорат хизматлари томонидан экологик фаолиятни текшириши ва тегишли жавобгарликга тортиши.

Бу ўринда миллий қонунчиликларда кўпинча акс этмай қолган муассасани алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Чунки *таълим соҳаси ёки илмий-тадқиқот муассасаларида*

экотизимлардан оқилона фойдаланиш, янги турдаги маданий ўсимликлар, химикатлар ва дориларни яратиш, уларни синааб кўриш мобайнида ишлаб чиқариш фаолиятининг экологик талабларга жавоб беришини назорат қилиш ҳам экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Идоравий ишлаб чиқариш ва жамоатларнинг экологик назоратининг ташкил этилиши, фаолият юритиши, хукуқ ва мажбуриятлари тегишли ички норматив ҳужжатлари ва низомларида берилади.

Экология соҳасидаги жамоат назорати – *нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқарув бўлинмаларини экологик фаолиятни текшириш ва тегишли жавобгарликга тортшини ташкиллаштириш*. Унда экологик назорат — фуқаролар йиғи кенгаши, кенгаш қошидаги маҳсус экологик комиссиялар ёки шахслар, экологик назорат инспекторлари, меҳнат жамоалари, фаол мутахассислар грухси, жисмоний шахслар томонидан олиб борилади.

25-чизма. Экологик экспертиза турлари, принциплари, объектлари, субъектлари ва усуллари.



Экологик экспертиза – режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза обьектини рўёбга чиқариши мумкинлигини аниқлаш. Экологик экспертизанинг асосий мақсади ва вазифалари мўлжалланаётган хўжалик, бошқа хил фаолиятни режалаштириш ҳамда амалга оширишдан аввал, ушбу фаолиятни экологик талаблар, хусусан, фуқаролар соғлиғига қай даражада таъсир этиши мумкинлигини аниқлаш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг экологик талабларга жавоб берга олиши етарлилиги ва илмий асосланганлигини аниқлашдан иборат.

Экспертиза сўзи лотинчада «expertus» — тажрибали, деган сўздан олинган бўлиб, у маълум бир масалани тажрибали мутахассис томонидан ёритиб берилиши демакдир. Экспертиза турли фан ва хўжалик соҳаларида турлича кўринишда намоён бўлиб, воқеа ва ҳодисаларни тўғридан-тўғри белгилаш, ўлчаш ва аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, ушбу соҳадаги мутахассислар хулосасига муҳтож ҳолатларни ҳам инобатга олади.

Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигига илк бор экологик экспертиза 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг маҳсус VI бўлим 24—27-моддаларида ёритиб берилди. Ушбу қонуннинг 4-моддасида эса экологик экспертизанинг мажбурийлик принципи белгилаб қўйилди. Лекин Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун экологик экспертизанинг императив (қатъий) шартларини белгилади, холос. Унинг асл моҳияти, турлари, олиб бориш методлари, муддатлари, принциплари ва обьектлари эса ёритилмай қолган эди. 2000 йил 25 майда қабул қилинган ва шу йилнинг 1 июлидан кучга кирган «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳуқуқий-экологик механизмни шакллантиришда ва уни ҳаётга татбиқ қилишда катта ҳисса қўшди, десак асло муболага бўлмайди.

Экологик экспертиза обьекти бўлиб давлат ва ички дастурлар, концепциялар, ишлаб чиқариш кучлари, ижтимоий ва иқтисодий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тузиш; барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш, ҳужжатларни тайёрлаш ва

ўтказиш; техника, технология, материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир хужжатлар тайёрлаш; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва фавқулодда экологик вазият ҳамда экологик оғат зона (тегра)лари мақомини бериш; шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш, уларни амалий қўллаш механизми ҳам экспертиза обьекти бўлади ва улар, албатта, мутахассислар хulosасига муҳтождир.

Экологик экспертиза давлат, жамоат ва ихтисослаштирилган фирмалар томонидан ўтказилиши мумкин. Лекин давлат экологик экспертизасидан ўтиш инсон фаолиятининг юқорида санаб ўтилган ҳамма жабҳалари учун мажбурийдир. Шунинг учун ҳам маҳсус ваколатланган органларнинг турли мақомдаги эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилиши мумкин. Агарда хўжалик ёхуд бошқа фаолият юргизувчи субъект (буюртмачи) давлат экологик эксперт комиссияси хulosасидан қониқмайдиган бўлса, у ўз эътирозини умумий ёки хўжалик судларида кўриб чиқиш учун даъво билдириши мумкин.

Давлат экспертизасини ўтказиш муддати турлича белгиланади. Масалан Ўзбекистонда унинг муддати 30 кундан ошмайди ва айрим, ўта мураккаб шароитларда, бош давлат эксперти руҳсати билан 2 ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Ушбу экспертиза фаолиятини молиялаш буюртмачилар ҳисобидан амалга оширади.

Фуқаролар, фуқаролар йиғини, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоат экспертизасини ўтказилиши мумкин. Экологик экспертиза нуқтаи назаридан, улар ўз маблағлари ҳисобига, давлат экспертизасидан ташқари мустақил ҳолда экологик экспертизани ўтказишлари мумкин. Фақатгина жамоат экологик экспертиза хulosаси тавсия кучига эга бўлади ва давлат экспертиза хulosасини текшириб кўриш ҳамда судга даъво эътирози билан чиқиш имконини беради.

Жамоат экологик экспертизасини ўтказиш учун фуқаролар, фуқаролар йиғини ёки жамоат ташкилотлари мустақил эксперт комиссиясига «Экологик оқибат аризасини» беришлари мумкин. Бу аризада улар икки масалани ёритишлари керак: экологик таваккалликни ҳисобга олган тарзда атроф табиий муҳит

ҳолатининг бузилиш оқибатлари; экологик зарар оқибатларини тугатиш, атроф-мухит ҳолатини тиклаш ва мўътадиллаштириш учун зарурий чора-тадбирларни кўрсатишлари керак. Экспертларнинг вазифаси эса ушбу вазият ёки ҳолатни тўғри ёки нотўғрилигини исботлашдан иборат, холос. Агарда жамоат экспертизаси давлат экспертизаси хулосаси билан мос келмаса, унда ушбу низоли ҳолат ҳақида давлат экологик экспертизасини тайинловчи давлат органи, прокуратура ёхуд суд органларига мурожат этиш орқали масалага ойдинлик киритилади.

Бозор муносабатларининг ўзига хос томонларидан бири турли кўринишдаги аудиторлик фаолиятини шакллантиришдан иборат. Аудит инглиз тилида «audit» — текшириш, яъни бухгалтерия китоблари, хисоботлари ва ҳужжатларини тафтиш қилиш, деган маънони англатади. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш 2000 йил 26 майдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун ва шу асосда қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Экологик аудит – экологик муносабат субъектларининг бухгалтерия китоблари, хисоботлари ва ҳужжатларини тафтиши. Аудиторлик фаолияти аудитор (аудит фирма)лар томонидан тадбиркорлик фаолияти кўринишида амалга оширилади. Экологик аудит бир мунча ўзига хос кўринишга эга. Экологик аудит уч хил: 1) ишлаб чиқариш экологик экспертиза; 2) ҳудудий экологик экспертиза; 3) экологик консалтинг кўринишда олиб борилади.

Ишлаб чиқариши объектларини экологик аудитлашнинг мақсади атроф-мухитни муҳофаза қилишга доир талаб ва йўриқномаларга муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғри келиши, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бўйича тавсияномаларни тайёрлаш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланишдаги сарф-харажатларни текширишdir. Бундай текширув ишлари назоратловчи органлар билан бўладиган низоли ҳолатларда амалга оширилади.

26-чизма. АҚШда ҲФХМга таъсир этувчи экологик хавфларнинг хавфлилиқ даражаси (Логвиновский В.Д., 2002)

T/p	Экологик хавафлар тури	Социологик сўровнома натижалари, %
1.	Хавфли чиқиндиларни кўмиш полигонларининг ишлатилаётганлиги	67
2.	Хавфли чиқиндиларни кўмиш полигонларининг ишламаяпгандарининг борлиги	65
3.	Ер усти сувларининг саноат корхоналари орқали ифлосланадиганлиги	63
4.	Нафть ва нефть маҳсулотларининг атроф-муҳитга ташланиши	60
5.	Озон қатламишининг емирилиши	60
6.	Саноат корхоларида бўлаётган ҳалокатлар натижасида атроф-муҳитга етказилаётган зарар	58
7.	Радиоактив чиқиндилардан нурланиш	58
8.	Денгиз олди сувларининг ифлосланиси	54
9.	Қаттиқ чиқиндилар ва ахлатлардан атро табиий муҳитни ифлосланиси	53
10.	Қишлоқ хўжалигини юритиш натижасижа атроф табиий муҳитнинг ифлосланиси	51
11.	Тозалаш иншоатларини сувларни ифлослантириши	50
12.	Транспорт натижасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиси	50
13.	Исисқхона самараси	48
14.	Ичимлик сувининг ифлосланиси	46

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И. Танланган асарлар // 1996-2014 йй.-Т.: “Ўзбекистон”.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: "Ўзбекистон", 2014.
3. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси.- Т.: “Адолат”, 2010.
4. “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 1998 . 5-6-сон.
5. “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008. 37-38-сон.
6. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009, 16-сон.
7. “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги 1761-сон қарори.
8. “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги 242-сонли қарори.
9. “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги низом // Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1997 йил 6 июнданги 286-сонли қарори.
10. Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг хуқуқий асослари.-Т.: “Адолат”, 2007.
11. Национальный доклад “О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан”.-Т.:“Chinor ENK”, 2013.

Асосий адабиётлар

12. Залесский Л.Б. Экологический менеджмент.–М.: “ЮНИТИ–ДАНА”, 2004.
13. Икромов Э.Ж. Фавқулодда вазиятлар ва жамоатчилик фикри.-Т.: “Адолат” 2004.
14. Құдратов О. Ганиев Т. Фавқулодда вазиятларда фуқаро мухофазаси.–Т., 2005.
15. Масленникова И.С., Кузнецов Л.М., Пшенин В.Н. Экологический менеджмент.– СПб, 2005.
16. Нигматов А., Мухамедов Ш. Инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.- Т.: Наврӯз, 2014.
17. Нигматов А.Экология нима. - Т., “Файласуфлар” нашриёти, 2014.
18. Нурхўжаев А, Ҳикматуллаев С. Табиий оғатлар.- Т., ЎзР ФВВИ нашриёти, 2004.
19. Основы экологии и охрана окружающей среды / А. Г. Банников, А. А. Вакулин, А. К. Рустамов.– М.: “Колос”, 2003.
20. Пахомова А., Эндерс К. Рихтер Н. Экологический менеджмент.- СПб.: “Питер”, 2003.
21. Рамазонова Х. Фавқулодда вазиятлар учун тиббий хамширалар тайёрлаш.- Т., 2006 йил.
22. Ферару, Г.С. Экологический менеджмент.- М. : “Юпитер”, 2006.
23. Ҳакимов Р.Т. Правовое регулирование чрезвычайных ситуаций в Узбекистане и в странах СНГ - Т., 2005.
24. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги / А. Қурбонов ва бошқ.–Т., 2005.
25. Экологический менеджмент / Т.А.Трифонова и др.–М.: “Академический проект”, 2005.

Кўшимча адабиётлар

26. Ergashev A., Ergashev T. Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish.- Т., 2005.
27. ISO 14001, Environmental management systems. An easy-to-use checklist for small business. Are you ready
28. Sultonov R.S. Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish asoslari.- Т . “Musiqa”, 2007.

29. Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности.-М. “Высшая школа”, 2001 .
30. Декларация Конференции ООН по окружающей среде и развитию в Рио-де Жанейро // Зеленый мир. – 1993. – № 3. – С. 2.
31. Ёрматов Г.Е. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги // Маъruzалар матни. –Т., 2003.
32. Нигматов А., Пардаев F. Экологик ҳавфсизлик ва барқарор ривожланиш / Қўшимча таълим учун қўлланма.- Т.: ТВПИ нашриёти, 2004.
33. Нигматов А.Н. Экологиянинг назарий асослари. - Т.: “Файласуфлар жамияти” нашриёти, 2013.
34. Новиков Ю.В. Экология, окружающая среда и человек.– М.: “ФАИР-ПРЕСС”, 2002.
35. Основы устойчивого развития / Электронный ресурс.– Режим доступа: <http://www.ektor.ru/pages/iso.asp?id=11>.
36. Перцик Е. Н. Среда человека: предвидимое будущее.– М.: “ИНФРА-М”, 2000.
37. Петюшенко Л. Охрана окружающей среды и человеческая деятельность // Стандарты и качество. – 2003. № 2. С. 80–82.
38. Реймерс Н.Ф. Природопользование / Словарь-справочник.- М.: “Мысль”, 1990.
39. Стандарты ИСО серии 14000: история и статистика / Н. Аладышкина // Стандарты и качество. – 2001. – № 5–6. – С. 92–95.
40. Тимофеева С.С. Экологический менеджмент.– Ростов на Дону : “Феникс”, 2004.
41. Урсул А.Д., Романович А.Л. Концепция устойчивого развития и проблема безопасности.-Электронный ресурс.–Режим доступа: <http://www.philosophy.nsc.ru/journals/philstience>.
42. Устойчивое развитие всегда на пике достижений! // ИСО 9000 + 14000. – 2004. – № 4. – С. 17–19.
43. Хабарова Е.И. Экологически ориентированный производственный менеджмент // Менеджмент в России и за рубежом. – 2000. - №3. – С.111 – 117.
44. Экологический менеджмент промышленных предприятий как путь уменьшения реального вклада стационарных источников в загрязнение окружающей среды свинцом в Российской Федерации / Т. В. Гусева и др. // Электронный ресурс.–Режим доступа: <http://www.14000.ru/articles/viniti.php>.

45. 100 величайших катастроф мира. Перевод В.Ф.Дюбина, В.А.Иванова, Г.А.Коломорова.- М.: «Мир книг», 2007

Интернет сайtlари

1. www.bilim.uz - ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги сайти.
2. www.ziyo.edu.uz - ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги сайти.
3. www.ziyo.net.uz - ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги сайти.
4. www.mintrud.uz – ЎзР Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.
5. www.minzdrav.uz – ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайти.
6. www.mchs.gov.uz – ЎзР Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайти.
7. www.uznature.uz – ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси сайти.
8. www.standart.uz – ЎзР Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги сайти.
9. www.lex.uz - ЎзР Адлия вазирлиги сайти.
10. www.sanoatktn.uz – ЎзР Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси сайти.
11. www.znakcom-plect.ru - Охрана труда и техника безопасности РФ.
12. www.hsea.ru - Охрана труда. Промышленная и пожарная безопасность. Предупреждение чрезвычайных ситуаций РФ.
13. www.ipb.mos.ru - Технологии техносферной безопасности. РФ
14. www.un.org/esa/sustdev/ – Бирлашган миллатлар ташкилоти(БМТ)нинг барқарор ривожланиш комиссияси сайти.
15. www.unesco.org – БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти сайти.
16. www.unep.org – БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури сайти.
17. www.undp.org – БМТнинг ривожланиш дастури сайти.
18. www.unece.org/env/esd/ – БМТнинг иқтисодиёт комиссияси сайти
19. www.unfra.org – БМТнинг ахолишунослик дастури сайти.

20. www.who.org – Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сайти.

21. www.ekotalim.uz – Миллий касбий таълимда экотаълим сайти